

**Хўжамурод Тоштемиров**

# **МИНГТИЛЛОНИНГ КАБОБИ**

*Ҳажвиялар, ҳикоялар, қиссалар, қатралар*

Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2014

УЎК 821.512.133

КБК 84(5Ў)7

Т 71

- Ўзб. араб.

Тоштемиров, Хўжамурод


Мингтилонинг кабоби: ҳажвиялар, ҳикоялар, қиссалар, қатралар / Х. Тоштемиров. – Тошкент: Faafur Fulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy yiji, 2013. – 136 б.

Сурхондарелик адаб ва журналист Хўжамурод Тоштемировнинг ушбу сайданасига «Ўтов», «Бобоевонинг жияни» қиссалари, инсон қалб туйғуларини тараннум этган ҳикоялари, ҳажвиялари ва қатралари киритилган бўлиб, адаб ўз асарларида инсонийлик, меҳр-муҳаббат, эзгуликнинг умрбоқийлигини ёрқин образларда акс эттириб, худбинлик, такаббурлик каби иллатларни снгил куяги билан фош этган.

Ўйлаймизки, ушбу китобдан жой олган асарлар Сиз азиз ўкувчиларнинг кўнгил мулкингиздан муносиб жой олади.

УЎК 821.512.133

КБК 84(5Ў)7



10 42349  
291

© Хўжамурод Тоштемиров  
© Faafur Fulom nomidagi  
nashriyot-matbaa ijodiy  
yiji, 2014

ISBN 978-9943-03-589-8

---

## БЕОЗОР ИНСОН ЭДИ

Баъзан одам ёлғиз қолганида алланималар ҳақида ҳаёлга берилади, ўйлайди, хотирлайди. Бунда яхшиликларни ҳам, ёмонликларни ҳам эслайди, киши. Лекин мен ўз феъл-автори билан эл орасида, ижодкорлар даврасида обрў-эътибор топган ва топаётганлар ёхуд ўзидан яхши ном қолдириб кетган одамларни ёдга оламан ва шундай сиймоларнинг суратларини кўз ўнгимда чизганимда, улар фақат яхшилик учун яратилгандай туюлади менга. Бундайларнинг умри шарафли, кутлуг. исм-шарифлари эса ҳамма учун бирдек азиз эканлиги ҳаммамизга маълум. Улар қанчалик камсухан, камтарин бўлишмасин, меҳнатлари, ижодлари уларни юзага олиб чиқкан, довруқларини эл-юрга ёйган, номларини бир умрга тарих саҳифасига нақшлаб қўйгани, шубҳасиз. Мен шулар ҳақида хотираларга берилар эканиман, кўз ўнгимда истеъододли журналист, ҳажвгўй адаб, саҳий қалб эгаси, бутун умри яхшиликларга йўғрилган инсон Хўжамурод Тоштемиров сиймоси намоён бўлади.

Хўжамурод aka билан Ангор туман «Илфор» газетасида қариyb беш йил устоз-шогирд мақомида бирга ишлаганмиз. Дастлаб камгап, камтарин, оғир-босиқ бу одамнинг талай ҳажвий ҳикоялар муаллифи эканидан бехабар эдим. Бироқ, бирга ўтган йиллар давомида устоз нафақат истеъододли қалам соҳиби, балки дилкаш, ҳозиржавоб, бағри кент инсонлигини англадим. У қайси бир даврада бўлмасин доимо теша тегмаган қайроқи гаплари, ичакузди аскиялари билан суҳбатларга завқу шавқ бағишлиарди. Таҳририят ходимлари ҳаётида рўй берган қизиқ-қизиқ воқеаларни ажиб бир латифлик ҳамда мароқ билан сўзлаганда кулгидан қўзларимиз ёшланиб, ичакларимиз узилар ҳолатга келар эди. Турли йигину маъракаларда давра олсак, у кишидан «Дўсмири», «Гул шоир», «Мантикрес», «Кейинги пайтларда», «Бола-чақа боқиш керак» каби улфатий «анекдот»ларини айтиб беришларини илтимос қиласардик ва Хўжамурод aka бу ҳангомаларни қайта-қайта айтишдан

чарчамас, айтганда ҳам, ҳар сафар янгича завқ билан ҳикоя қиласарди.

Хўжамурод ака иродаси мустаҳкам, тартиб-интизомли киши эди. Бир ишга жазм этдими, ўша ишни охирига етказмай қўймас ва ҳар ишни албатта уддасидан чиқарди. Инсон ҳаётида ҳар хил воқеа-ҳодисалар рўй бериб туради, тақдир ўзани гоҳ ўнгга, гоҳ чапга бурилиб кетиши табиий. Ҳом сут эмган банда-да у. Ана шундай кезларда ҳам Хўжамурод ака ўзини йўқотиб қўймаган, атрофидагиларнинг маслаҳатларига қулоқ солган. Отам (Хушбоқ Тангриев, туман «Нуроний» жамғармасининг раиси)нинг маслаҳати билан ўн йил бурун турмуш тақозоси билан ярим йўлда қолиб кетган Низомий номидаги педагогика институтидаги ўқишини қайта тиклаб, уни муваффақиятли тамомлади. Ўқишини тугатгач, «Илғор» газетасида мастьул котиб, бош муҳаррир ўринбосари ва умрининг сўнгги йилларида эса бош муҳаррир лавозимида самарали фаолият курсатди.

Хўжамурод Тоштемиров нафақат тумандада, балки вилоят, республика миқёсидаги матбуот вакиллари назарига туштан, ўзининг турли мавзулардаги ижод намуналари билан устозлари эътиборини қозонган ижодкор-журналист эди. Ўша даврларда биз газетачилик остонасига эндиғина қадам босаётган ёшлар эса шундай истебодли қаламкаш билан бир жамоада бақамти ишләтганимиздан фахр ҳиссини туярдик.

Меҳрибон устоз бир қатор шогирлар, издош журналистларни тарбиялаб вояга етказгани айни ҳақиқат. У таҳририятимиз қошида фаолият кўрсатиб келган «Ёш мухбирлар» тўғарагига раҳбарлик қилган дамларида қўлига энди-энди қалам ушлаган навниҳолларга журналистика фанининг сир-асрорларини эринмасдан, қунт билан ўргатар эдики, унинг сабокларидан баҳраманд бўлган кўпгина ёшлар бутунги кунда республикамизнинг етакчи матбуот нашрларида фаолият кўрсатиб, устоз ишини давом эттириб келишмоқда.

Хўжамурод Тоштемиров тумандада яшаб, маҳаллий газетада ишлаб, қисқа умр кечирган бўлса-да, баракали ижод қилди. Унинг ҳикоя, қисса ва ҳажвияларида қаҳрамон шахсига, мавқеига, инсоний улуғлигига ҳеч қандай гард юқтирумай, фақат шахснинг иллати ёхуд унинг фаолиятидаги жузъий камчиликлари кулги остига олинади ва ўша қаҳрамоннинг исм-шарифи ўзгартирилса-да, асрларидаги истиора – бадиий ўхшатмалар аниқ нишонга бориб тегаверади. У ҳажв жанрига қўл урар экан, ҳар бир ёзган, хоҳ у кулгили, хоҳ у жиддий

Ҳикоя бўлсин, унда ҳаёт ҳақиқати, кишиларнинг характеридаги ўзгаришлар ўзининг аниқ ва ҳаққоний ифодасини топган. Бунинг учун эса, у доим воқеа-ҳодисаларнинг икирчиригача мукаммал ўрганишга интилган. Шунингдек, газета таҳририятига келаётган хатларни ўқиб, юморга бой далилларга дуч келиб қолса, худди шу далиллар асосида таъсирли ҳажвлар ёзардики, бу – хабар ёки воқеанинг таъсир кучини янада оширап ва сўз қудратининг нақадар буюклигини намойиш этар эди. Бу – ўзбек сатирасининг қироли Абдулла Қодирийнинг: «Ҳажвий танқид ҳалқнинг руҳига яқин ва унинг ҳис этган, аммо ифода қилолмаган масалаларига таржимондир», деган сўзларининг амалдаги исботидир.

Қисса ва ҳикояларида эса Сурхондарё воҳасида яшайдиган заҳматкаш оддий инсонларнинг ҳаёти, урф-одат ва анъаналари ёрқин бўёкларда акс эттирилган. Айниқса, «Ўтов» қиссасида миллий оҳангларимиз шундоқ жилоланиб туради:

«Керагалари олтмиш бошли, кигизлари кўм-кўк, кўзни яшнатади. Кўк қоракўл қўйнинг кузги қирқимдаги жунидан босилган кигизлар. Бу кигизларни босиш учун Эшқораларникида неча бор ҳашар бўлган. Билаги йўғон йигитлар кигизларни тобига келтиришиб думалатишган.

Ўтовнинг чийлари олтindek товланади. Тўқайдаги қамишлардан сараланиб олинган...

Ўтов ичи сепда келган буюмлар – қурлар, зардеволлар, турли жиҳозлар билан аллақачон безатилган, тўрга алвон чимилидик осилтанди. Буни кўриб Улжамолнинг юраги ҳаприқиб кетди...

Дастлаб керагалар тикка қилинди. Одатда керагалар қирқ саккиз, эллик икки, олтмиш бошли бўлади. Буларники ҳам олтмиш бошли. Уларни бир-бирига маҳкамлаштач, эшикни ўрнатишиди. Тошан бир-бирига чандиб боғланган тўртта ўқ билан чанғароқни азот кўтариб турди. Аёллар ўқларни чанғароққа тез-тез қадаб, бир томонини керагага боғлай бошлашди. Олтиетти ўқ, шу жумладан эшик устига жойлаштирилган етим ўқлар ҳам чанғароққа қадалгач, Тошаннинг кераги бўлмай қолди. У терини арта-арта четга чиқди.

Ўқларнинг барчаси қадалиб, тизмалар маҳкамлангач, кигизлар ёпилди. Белдов, тоғобчилар кигиз устидан жой олгач, жуда ярашиб тушди. Чанғароққа туйнук ташланди, чий тутилди. Керакли қозиқлар қоқилди, боғланадиган жойлари боғланди.

Қарабсизки, турли миллатдаги кўчманчи қавмларнинг қадимий манзили бўлган росмана ўтов тахт. Ичидаги юкоёқ, обдаста, жунтароқ, хумра, ўчоқ тош, ёргунчоқ, куви сингари юзлаб ашёлар жой олди...»

«Бобоёровнинг жияни», «Бир коса сув», «Тақдир ҳукми», «Бўсағада» каби қатор ҳикояларида Сурхон элига хос жайдари иборалар, қочиримлар, қўнғирот шевасидаги сўз ва атамалар усталик билан ишлатилган. Уларни ўқиб қадим ўзбек халқининг тили нақадар бой эканлигига амин бўласиз. Ҳикояларда ҳақиқий ҳаётни, оддий қишлоқ одамларининг кундалик турмушини, ташвииш ва қувончларини ёрқин бўёқларда тасвирлаб берган. Гўё уларни аниқ-таниқ кўрасиз, улар билан суҳбатлашасиз, сирлашасиз. Бу эса Хўжамурод Тоштемировнинг ёзувчилик истеъоди нақадар баланд эканлигидан далолат беради.

Хўжамурод аканинг хилма-хил мавзуларда ёзган мақола ва ҳажвий ҳикоялари фақат маҳаллий газеталарда эмас, балки республиканизнинг марказий матбуот саҳифаларида ҳам тез-тез кўзга ташланиб туради. «Ойнадан ўпкалама», «Чорраҳаси кўпдир умрнинг» китоблари, «Юлдузлар чарақлаганд», «Ҳажв гулдастаси», «Сурхон табассуми», «Ёшлар овози» синтари кўплаб тўпламларга киритилган ижод намуналари бунга мисолдир. Унинг ўз касбини қай даражада улдалай олганини 1987 йилда «Муштум» журнали таҳририяти, 1996 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюпмаси томонидан эълон қилинган танловларда ғолибликни қўлга киритганидан ҳам билса бўлади.

Беозор инсон, меҳрибон дўст, жонкуяр устоз, иқтидорли адаб Хўжамурод Тоштемировнинг ушбу тўплами унинг дўстлари, фарзандлари ва шогирдлари кўмагида нашрга тайёрланди. Ҳажвчининг энг сара асарларидан тартиб берилган мазкур сайланма китобхонлар қалбидан муносиб жой олади, деган умиддамиз.

Лазиз Тангриев,  
Faafur Fулом номидаги наширёт-матбаа  
ижодий уйи директори

## ХАЖВИЯЛАР





## КОБИЛ ЎГИЛ

Хўжаликнинг ёш мутахассиси Олимжон сартарошхонага бораётганди, ёнига машина келиб тўхтади. Ичкарида ўтирган бош зоотехник уни чақирди.

— Шокиров, чиқинг машинага, яйловга кетамиз.

Олимжон шу кетишида саккиз кундан кейин қайтди. Келасолиб елкасига тушай деб қолган сочини олдириш учун сартарошхонага кирди. Навбатини аниқлагач, сомон шляпасини илгакка осиб «Муштум»ни варактрай бошлиди.

Уч киши навбат кутарди. Тўрдаги Эгамберди бобо гўё ўсганига ишора қилаётгандай соқолини дам-бадам силаб қўярди. Берироқда умрининг ўттиз йилини чўт қошиб ўтказган Толиб ҳисоб ва кўйлагининг ёқаси ёғ тўкилгандек ялтираган хўжалик мудири Каримбой ўтиради.

Олимжон кирганида чўғига сув сепилган суҳбат яна давом қилди:

— Ҳозирги ёшлар тоза талтайиб кетди, дейман, — мингиллади Каримбой, чап оёгини ўнг тиззасига оларкан, кўчага ишора қилиб: — Қаранг, анавуни.

Беихтиёр у кўрсатган томонга қарашди. Сув дўкони олдида озода кийинган йигитча турарди.

— Шу бола пулнинг қаердан келиб қаерга кетаётганини биладими? Гўрни билади. Отасининг давлатида юрибди, кўкрагини очиб. Бизлар шундайлик давримизда бу юришлар бормиди. Бўз кийган кунимиз байрам бўлгич эди.

— У давр билан ҳозирни тенглаштириб бўладими, — деди энсаси қотган Эгамберди бобо.

Мудир эшитмагандек давом этди:

— Бу боланинг отаси қурилишда. Деворга бир фишт кўйсаям пул, бир андава ишлатсаям пул. Шундай бўлгач ўғли талтаяди-да. Елкасига тушириб соч қўяди, бошқа қиласди.

Сизларга айтсам, соч ўстирганни жиним суймайди. Ажинани кўргандай бўламан.

Охирги гапдан Олимжон қип-қизариб кетди. Бадани мисдек қизиди, Каримбой унга шаъма қилаётган эди. Олимжон силтаб ташламоқчи бўлиб чоғланди-ю ўзини босди. Каримбой буни сезмай тобора авжига чиқарди:

— Агар бўш кўйтанимда бизнинг ўғил ҳам шундай кўз кўйги бўлиб чиқармиди. Тўққизинчини битирувди, олдимга чақириб: «Шунча ўқиганинг ўзингта эмас икки-уч кишигаям етади. Энди «ишла» дедим. Қобил экан, гапимни олди. Бозорқўм ошнам билан гаплашиб паттачиликка жойлаштирдим. Ишлаб юрибди...

— Ҳа «ишлаб юрибди», — деди Толиб ҳисоб очиқ киноя билан.

— Умуман ҳозирги ёшлар... биз булардай пайтимида, эҳҳе...

Шу пайт қўчадан шовқин эшитилди. Дўмбоқина йигитча икки милиционерга бош бермай шангилларди.

— Бормайман, мелисаҳонага! Қўлларингдан келганини қилинглар. Отам бир гап бўлса ўзим гаплашаман, деган. Бормайман...

— Уй-й, бизнинг Арслонтой-ку!

Каримбой шитоб билан ташқарига отилди. Йигитча уни қўриб қичқирди:

— Ана, отамнинг ўзи билан гаплашинглар. Бормаймиз, мелисаҳонага.

Маълум бўлишича, Арслонтой паттачи қиёфасида доллар билан чайқовчилик қилаётганида қўлга тушибди.

Мусодара қилинган нарсалар ўралган тутунчани кўтарган новча милиционер амирона деди:

— Қани, бўлимга кетдик. Ўша ерда ҳал қиласмиз.

Каримбой бошини эгиб йўлга тушди. «Қобил ўғил» судралиб унга эргашиди.

## ТАДБИРКОР ТАБИБ

(Ҳозир ҳам асқотадиган ривоят)

Қоидага мувофиқ эртагимизни «Бор эканда йўқ экан, оч эканда тўқ экан. Қадим замонда бир табиб бўлган экан» деб бошлайверамиз.

Ўша табибнинг довруғи музофотдаги жамики маҳаллаю қишлоқларга маълум ва машхур экан. Эрталаб тонг отиб, кечқурун қүёші ботадиган кунларнинг бирида унинг ҳузурига кўзларининг атрофи кўкарган, сергапликдек ажойиб хислатга эга бўлган бир жувон келибди.

Табиб дори-дармонлари, ўт-гиёҳларини ҳозирлаб жувондан қандай дарди борлигини сўрабди.

— Менинг эримни биласиз, табиб бобо, — дея гап бошлабди жувон. Шубҳасиз, у йиғламсираб, нотавонсиниб гапирган.

— Ҳа, биламан, қизим. Худойберди сепоячи-да. Хўш, нима қилди унга?

— Уни яратган парвардигордан минг қатла норозиман, табиб бобо. Худо кун берса мени дўппослайди. Кечаям улим ичи қилиб урди. Ҳали ўзимга келганим йўқ...

— Ие. Худойберди бир замбар лойдан ҳам оғир, ўн саволга бир жавоб қайтарадиган киши-ку! — ҳайратланибди табиб.

— Эй, оғир бўлмай охир бўлсин. Онам мени шу нобакорнинг калтаги учун туққан экан. Унга жин-ажина каср қилганки, мени уриш касалига йўлиққан. Илоё тублисига йўлиққур!

— Кўпроқ қандай ҳолларда уради? — сўрабди табиб жувоннинг давомли шикоятини бўлиб.

— Қачон уради дейсизми? Масалан, у ишдан келади-да «Чой-пойинг борми» дейди. Мен қўшниникидан эндиғина келиб турган бўламан. «Чой бўлса, ана ўчоқда. Дамлаб ичаверсин» дейман. Тамом, бошланади. Ёки «яктағимни юваб қўйган бўлсанг, олиб кел», дейди. Мен ювмаган бўламан. Нима қўшниларникидаги соз сухбатни ташлаб унинг яктағини юваб ўтираманми. «Олиб бор, туққан онангми, арзанда синглингми юваб берсин», дейман. Бор гап шу. Яна таёққа зўр беради.

— Бўлди, қизим. Эринг дарҳақиқат оғир дардга чалинган...

— Чалинган, бўйни сингур, чалинган. Бўлмаса...

— Гапимга қулоқ сол. Унинг давоси сенинг қўлингда, — дебди табиб маънодор қилиб.

— Менинг қўлимда?! Тезроқдорисини беринг, садағантиз кетай, табиб бобо, — бетоқатланибди жувон.

Табиб нарироқда ётган олча данагидек тошни олибди-да, унга пичирлаб дам солибди. Сүнгра жувонга узатиб тайинлабди:

— Мана унинг давоси. Эринг ишдан келиши биланоқ шу тошни тилингнинг тагига ташлаб ол. Нима деса айтганини бажар. Лекин бир оғиз ҳам гапирма. Агар гапиргудай бўлсанг, тошнинг сеҳри тарқаб Эринг тагин сени урадиган бўлади. Яна қайтараман, унинг буйруқларини тинмай бажар. Зинҳорбазинҳор чурқ этма. Шундагина унинг қўли сенга қарши кўтарила олмай қолади. Натижасини менга янаги чоршанба куни келиб айт! Эринг ҳали-замон қайтади. Тошни ҳозироқ тилингнинг тагига қўй...

Жувон оғзида тош билан «Яхмат, табиб бобо» деб жўнаб кетибди. Табиб унинг орқасидан қувгина қулимсираб қараб қолибди.

... Келгуси чоршанбада жувон қувонч билан табиб ҳузурига келибди.

— Қалай, қизим, тош тилгинангнинг тагидами. Эрингнинг қўли мажолдан кетиб сени уролмай қолдими? — сўрабди тадбиркор табиб.

— Вой, отажон, дорингиз жуда посом чиқди, — хитоо қилибди жувон тошни қўзига суртаркан. — Эрим келиши билан тошни сездирмай тилимнинг остига ташлайман. Ичимда «Эндиям бир уриб кўрчи» деб қўяман. У бўлса ҳеч нарсани пайқамайди. Айтганингиздай қилиб «чурқ» этмайман. Нима буюрса қиласман. Энди, уриш уёқда турсин, аксинча жуда меҳрибон бўлиб қолди. Аммо, лекин эримни боплаб қўлга тушириб бердингиз-да. Касали бутунлай тузалиб кетди...

Унинг ваъзи чўзилиб кетаётганини кўрган табиб:

— Бу тошни очиқ ҳавода кўп ушлаб турма, тезроқ тилингнинг тагига ташла. Акс ҳолда кучи қочади, — дебди.

— Тўғри айтасиз, отажон — дебди жувон апил-тапил тошни оғзига соларкан. — Биз томонлайга ҳам бойинг, ажиж меймонимиз бўйасиз!

Шундай қилиб эр-хотин аҳил ва тотув яшаб узоқ умр қўришибди.

## ТОЗА БЕНЗИН ТОМОШАСИ

Ниҳоят Юнусалининг орзуси ушалди. Кўп қаватли биноларда қўним топган бир қанча маҳкамалардан ижозат теккач, хотини билан хорижга чиқадиган бўлди. Яна ўзининг айрон кўпигидай оппоққина «Жигули»сида. Маза. Тўғри эмасми?

Мана у икки кундан буён чет элда нашъу намо қилиб юрибди. Инон-ихтиёри ўзида... ва ёнгинасида ҳилолдек бўлиб ўтирган, кўпгина ажнабийларнинг эътиборига тез-тез тушаётган рафиқаи ҳуриқоси!

Бу ерлар обод жойлар экан. Йўлларини айтмайсизми? Биллиард столидек теп-текис. Босиб юришга истиҳола қиласан киши.

Учинчи кун деганда бензиннинг бакдагиси ҳам, канистрдагиси ҳам соб бўлди. Ўзиям олам-жаҳон юришиди-ла. Чегарадан ўтиш арафасида Зулфиқор тарангдан бакни тўлдиргандан эди. Хийлага етди.

Юнусали ҳозир ўзлари юрган юртнинг давлат тилини билиши керак эди. Негаки саккиз йил мактабда, уч йил олий билимгоҳда ушбу тилни ўргатишган, синовларда юқори баҳолар олганди. «Таълим» жуда зўр бўлган экан-да, энди бирор қалом ҳам ёдига тушмасди. Шундай бўлса ҳам бензин куядиган жойни бехато топиб борди. Машинаси ҳам шу ерга келганда «Озуқам тамом» дегандай бир силкиниб ўчди, жонивор.

Юнусали заправкачининг олдига бориб иккала қўли бармоқларини икки бор очиб юмиб йигирма литр бензин кераклигини тушунтириди. Чўнтағидан шу ернинг пулларидан бир ластасини чиқариб тутди ва шлангта қўл узатди. Зулфиқор тарантнинг ажнабий ҳамкасби негадир шлангни Юнусалига бермай «Жигули»га ўзи роппа-роса йигирма литр бензин кўйди. Сўнгра Юнусали қайта узатган пуллардан биттасини сугуриб олди. «О, ес, карошо» деб қўйди.

Бундай манзиратдан руҳланган, қадр-қиймати ошганидан кувонган Юнусали рулга ўтириди. Ўт олдиригич калитни буради. Машина «миқ» этмади. Қайта-қайта бураб кўрди. Самара йўқ.

«Зулфиқор» зеҳн солиб турган экан, нималарнидир ўз забонида чулдираб келиб машинага уннади.

Йўқ, ўз юртида икки ярим йил, ўзгалар тупроғида уч кундан буён «қилт» этмай ишлаб келаётган вафодор «Жигули»си бирдан қайсар бўлди қолди.

Рафиқасининг уч кундан бери бегона кўзларни ўйнатаётган жамоли ҳам тундлашди. «Адаси, балки бензин деб бир балоларни қўйиб бергандир, анави чулчут. Шланкани сизга бермаганидан ҳам сезувдим ўзим», деб фўдранди.

Буни эшишиб Юнусалининг чехраси ёришиб кетди. «Зулфиқор»нинг олдига чопиб бориб қўли, кўзи, қоши ва яна бир қанча аъзолари билан алланималарни англатди. Ажнабий масаланинг фаҳмига етди шекилли, кулди ва яна бир колонқадан челакни тўлғазиб солярка олди. Юнусалининг «Жигули»сига ағдарди.

Солярканинг ҳам пулини тўлаган Юнусали энди рулга хотиржам ўтиради. Калитни бураган эди. бензин билан солярка аралашмасига ўрганиб қолган ва ҳар доим «ейдиган» ёнилғисига энди етишган машина гуриллаб ўт олди.

Юнусали уни катта йўлга бурав экан, ҳайратдан донг қотиб қолган, умри бино бўлиб бундай ҳолни биринчи бор кўраётган хорижлик Зулфиқорга «Хайр, қойилмисиз» деган мъянода қўл силкитди. Мамнун кайфиятда маликаи муҳтарамасига қаради.

Рафиқасининг жамоли яна ойдек равшан тортган эди...

## ТИКЛАНГАН «МОСКВИЧ»

Жамоа хўжалигида «мен» деган сувчилар рўйхати бизнинг бобойнинг номи билан бошланади. Тенгдошлари тегишишиб уни «ариқнинг ёқасида туғилган», «сув билан тиллашади» дейишади. Мени танимайроқ турганларта «фалончи миробнинг фарзанди қобили бўламан», десам қайтадан сўрашишиб қолишади. Шундай!

Қайси йилидир хўжалик бобойни «Жигули» билан мукофотлади. Янги машина олингач, қисмлари тарқай бошлаган «Москвич»ни саройдан чиқаришга тўтириб келиб қолди. Ўзиям бобойга бир мучал, яъни ўн икки йил холис хизмат қилиб берган кўп садоқатли машина эди-да!

«Москвич»ни сен олақол, тузаттириб миниб юрасан» дегандай шаъма қилди бобой. Мен ҳам чаққонгина эканман,

дарҳол қўшним – сув хўжалиги идораси ҳайдовчиси Насимжоннинг юк машинаси билан бобойнинг гаражи ёнида пайдо бўлдим. Беш-олти билаги йўғонлар биргалашиб, «Москвич»ни кузовга чиқардик. Отам азалий қадрдони билан хайрлашаётгандек хомуш тортиб қолди. Менинг оғзим эса қулоғимда эди.

Насимжоннинг машинаси, тўғрироғи, машина соҳибиға қистирилган иккита юз сўмлик бобойнинг «Москвич»ини кўп қаватли уйимиз олдига «аллада азиз» қилиб олиб келди.

Дам олиш куни бўлгани учун аксарият қўшниларим уй-уйида экан. Бола-бақраси билан чиқиб келишди. Ҳамжи-ҳатлик билан «Москвич»ни тушириб олдик. Тўрт фидираги ўрнига фишт қалар эканман, қўшниларим мени имтиҳон қила бошлишди:

- Бобоназарбой, лотореяга ютибсиз-да...
- Эллигинчи йилларда буям яп-янги бўлган-да.
- Келин парранда сақлайман деган бўлса, муносиб товуқхона-да.
- Кечак шуни мелисаҳонада, пачоқ машиналар орасида кўргандиммие...
- Эртагаёқ бизга бориб бунингизни суғурта қилдириб қўйинг, ҳар ҳолда жамоат жойида яшайсиз. Гараж-паражингиз йўқ ҳали, – кулимсиради суғуртада ишлайдиган қўшним.

Эрмакталаб қўшниларимнинг пичингларини ўзимга юқтирмай уйдан эски гиламни олиб чиқиб «Москвич»нинг устига ташладим. Қўшниларим муҳокамани давом эттириб қолишиди. Мен машина танийдиган собиқ ҳаммактабим Абдуназарни излаб кетдим.

Абдуназар билан узун-қисқа бўлиб етиб келганимизда ҳам қўшнилар баҳси авжиди эди. Гап ҳамон мен ва менинг униқсан гиламдан иборат либосга бурканган машинам хусусида эди.

Машина устидан гилам олингач, «куруқ рамаси бўлсаям эпақага келтира оламан», деб керилиб келаётган Абдуна-зарнинг шашти пасайиб қолди.

- Э ҳа-ҳа, бунинг энг ками ўн мингни сўраб турибди-ку!
- Бу гапдан қўшниларимга яна жон кирди:
- Бобоназарбойнинг кўнглини чўқтируманг, йигит...

— Устаси шүёқ экан-да!

— Бу киши темир-терсак ташкилотидан бўлса керак...

Ҳаво анча салқин бўлишига қарамай Абдуназарнинг манглайи терлаб кетди. «Қўшниларни ҳам зўрини топган экансан», дегандек менга норози қиёфада қаради. Тили ўткир қўшниларимнинг қочиримларию, ўн мингнинг дарагини эшитиб ҳийла довдирааб қолдим. Лекин сир бой бермай фулдирадим.

— Ҳукумат устахона деган жойни бекорга очиб қўйгани йўқ. Ўн эмас, ўн беш кетсаям созлатаман...

Буни эшитган Абдуназар совуққина хайрлашиб жўнаб қолди. Яна қўшниларимга гал келди:

— Бир чўқишида қочирди, бояқишини.

— Ҳалиги йигитнинг аҳволини кўриб «Ишқилиб ўзини суғурта қилдирган бўлсин-да», дедим, — мийигида кулди суғурта ходими.

Қўшниларим тантана қилишмоқда эди.

Эртасига усталар билан таплашиб келиб, «Москвич»ни олиб бориб топширдим. Йигирма бир кун деганда уни гижинглаган отдай қилиб ҳайдаб чиқдим. Кўп эмас, оз эмас, беш минг икки юз кетди.

Машинани уйимиз олдидаги майдонга бурав эканман, бор кучим билан сигнални босиб «солют» бердим. Ишдан қайтган, ишга бормаган қўшниларим яна ўз пешайвонларида пайдо бўлишди. Йўлагимиз рўпарасида машинамни тўхтатиб анча давургача учирмай турдим. Яна бир давомли сигнал бергач, калитни бураб қўйдим. Тушиб шундай ҳам топ-тоза турган капотни латта билан «арта бошладим». Қўшниларимнинг бесаброқлари атрофимда тўплана бошлади.

— Келин антиқа товуқхонадан айрилибди-да, — ких-кихлади ён йўлакда турувчи меъмор.

— Бир тўйнинг пули кетгандир, — мингирилади хуфия отарчилик қилувчи қўшним.

— Қани, суғурта ҳужжатларини расмийлаштириб берай, — ялтоқланди суғуртачи.

Кунлар ўтаверди. Ишга машинада бориб, машинада қайтаман. «Антиқа товуқхонага эга бўлолмай қолган» хотинимни йўл-йўлакай ишхонасига, болаларни бοғчага ташлаб ўтаман. Мен шод: Яшасин, ариқнинг бўйида тутилган бобой ва унинг «Москвичи!»

Бир куни ишдан қайтиб машинани янги ўрнатилган металл саройга ростлаётгандим, мөймөр қүшним ҳаллослаб келиб қолди.

— Атайлаб кутиб ўтиргандим, Бобоназарбой. Бизни болача билан Саёссоға олиб бориб ташласанғиз. Бирга ўқиган ошнам түйга айтиб кетибди. Узоқ әмас — йигирма беш чақири�. Такси-пакси деб юрамизми, құшніда бори, бизда бор дегани-да...

Унинг юзидан ўтолмадим. Түйда мени ҳам ўтиргизиб қолиши. Алламақалда қайтдик.

Келинингиз хавотир олиб ўтирган экан, «кечикиб қолдингиз, Гулшодингиз «отам-отам» деб хархаша қиласвериб, ҳозир ухлади. Ие ароқ савилнинг иси келаяптыми», деган сүзлар билан күтиб олди.

Тонг пайти эшикнинг қаттық тақидашидан уйғониб кетдим. Остонада нариги йўлақдаги қүшним жомадон күтариб турарди:

— Бобоназарбой, жонимга бир оро кириңг, эрталабки самолётга билетим бор, такси айтиб қўювдим, келмади, қисталоқ. Атиги ўн беш минут қолди. Нонуштани ҳам насия қилиб рулга ўтирдим.

Шунақа! Бизнинг бобой мен орқали машинани кўпдан-кўп қўшниларимга совға қилган экан. Азаматларнинг

## БИРИНЧИ УСТОЗИМ ЭДИ

Ҳарбий хизматни битириб келдим. Ўшандо 1979 йилнинг январи эди. Ўқувчилик давримдан менга қадрдан бўлиб қолган туман газетаси таҳририятига бордим. Мұхаррир Муртоз Тўрақулов тавсияси билан адабий ходим вазифасида шига қабул қилиндим. Мени тажрибали журналист Ҳўжамурод Тоштемиров раҳбарлик қилаётган қишлоқ ҳўжалик бўлимига ўтказишиди.

Ҳўжамурод ака ёш бўлсан-да, мени яхши танирди. 9-синфда ўқиб юрган пайтимда матбуот кунига бағишилаб мен ҳақимда «Жамоатчиларимиздан бири» сарлавҳали мақола ҳам ёзган. Ўта талабчан, ўз навбатида қаттиққўл ва меҳрибон эканлигини у киши билан бирга ишлаган кезларим ҳис этдим. Ёзган мақолаларимнинг камчилкларини кўрсатар, қай йўсунда ёзиш сирларини эринмасдан ўргатарди. Кунаро газета чиқиб тургани учун янгиликларни излаб тошиш, аниқлаш, қизиқарли мақолалар, репортаж ва хабарлар тайёрлаш лозим эди. Устоз кўзойнагини тақиб машинка ёнига ўтиргач, токи бир даста турли мавзуларда материаллар

машина боп юмуши кўплигини. Бирори билан бозор-ўчар қилиб қоламан. Сафардан, дам олишдан қайтиган қайси дир қўшнимни кутиб олиш учун аэропортгами, шохбекатгами ғизиллаб қоламан. «Тез ёрдам» кечиккан эди, олтинчи йўлакдаги суксурдек жувонни ярим кечада туғуруқхонага етказдим. Бунинг эвазига жувон тўртинчи ўғлига одатта кўра Чори эмас, балки Бобоназар деб ном қўйибди.

«Москвич»ни афтодаҳол кўринишда олиб келган куни мени роса майна қилган қўшни ларимни энди таниб бўпсиз, фақатгина суғурта ходими мендан хафа. Сабаби бундай, қайси кунидир ҳамкасларини уйига чақирган экан. Улардан бири хурмачасининг ҳажмини билмай ичиби. Қўшним чиқиб:

«Шуни уйига ташлаб келайлик. Икков бормасак хотини ёмон», деб ўтинди. Кўнмадим, маст одамни ташиб юришдан ёмони йўқ. Бунинг устига хотини:

«Роса бўқтириб олиб келганларинг нимаси. Олиб кет, кўчада еган жойига бориб тиришсин», дейипши аниқ.

Шундан бери суғуртчи «Оқибатсиз йигит экан, машинасини олти кунда суғурта қилдириб берувдим. Яхшиликнинг тенги эмас экан», деб юрганмиш. Дарвоқе, унинг

---

тайёрламагунча тиниб-тинчимас эди. У энг сермаҳсул ижодкор эди.

Х. Тоштемиров нафақат қишлоқ хўжалиги, балки саноат, транспорт, маданият, маориф ва спорт мавзуда ҳам ўқишили мақолалар ёзарди. Бундан ташқари, масъул котиблик вазифасини ҳам қойилгатарди. Материалларни саҳифалаш, сарлавҳаларни ўз ўрнига қўйишга уста эди. Енг шимарид босмахона саҳифаловчисидан ҳам ёрдамиши аямасди.

Газетачиликнинг нони қаттиқ. Шунга чидаган одам таҳририятда ишлаб, ижод қилиши мумкин. Хўжамурод ака газета юмушларини уddyалаб, бадиий ижодга ҳам вақт топарди.

Ижод намуналарини китоб ҳолида чоп эттириши орзусида юради. Бироқ, шафқатсиз ўлим қалами ўткир журналист, зуқко адабни орамиздан бевақт олиб кетди. Мен Хўжамурод акани журналистикада биринчи устозим деб биламан ва ҳамиша шундай ижодкорга шогирд бўлганимдан фахрланаман.

Достмурод Нормуродов, Navoiy	
Термиз туман «Жануб қуёши» мухаррири	
A	1510
O'zbekiston MK	

хотини ҳам нозикроқ таътилга чиққан. Насиб бўлса, ҳализамон ярашиб кетамиз.

Мана «Москвич»ни елдириб ишдан қайтаяпман. Орқа ўриндиқда қўшниларимнинг иккитаси бир-бирига гал бермай машинани ва мени мағтаб келишяпти.

Машинани уйимиз томон буарканман, қўшниларимдан бири тўрхалта ва ёф идиш кўтарган ҳолда севинч билан менга пешвуз чиқди...

## ПИШТ, ОЛА МУШУК!

Аҳмад ака билан Салим ака девор-дармиён қўшни. Бошқармамиз ходимларига уй тақсимланганда иккаласига бир жойдан тушиган. Аҳилликларини кўриб бармоқ тишлайсиз. Таъбир жоиз бўлса бир қориндан талашиб тушгандек. Қанчаси чин, қанчаси ёлғон Аҳмад ака тумовлаб қолганда Салим ака ҳам унинг кўнгли учун устма-уст акса уриб юрган. дейишади. Бунинг устига бир бўлимда – Салим ака бошлиқ, Аҳмад ака муовин бўлиб ишлашини қўшадиган бўлсак, уларнинг иттифоқликларини шундоққина тушуниб олаверасиз.

Сезгир кишиларнинг шаҳодатлик беришларича, сўнгти икки кунда жон қўшниларнинг орасидаги аҳиллик риштасига кичкина тугун тушибди. Ошхонада ҳам уларнинг бошқа-бошқа столларда овқатланишаётганини кўришибди. Иккаловининг бир-бирига қарамай нари-бери тамадди қилишларидан бошқаларнинг ҳам иштаҳаси бўғилибди. Оламдаги жамики яхши нарсаларга кўз теккани каби уларнинг достонга мавзу қилса арзийдиган то тувлiliklariга ҳам суқ кирибди. Эҳ, одамлар, одамлар! Эт билан тирноқдай оғайниларнинг қалинлиги сизларга малол келибди-да!

Ишхонамизда бегона папиша учса ҳам назардан қочирмайдиган, синчковлиги билан орқаворотдан «Кўзгу» деб лақаб олган машинистка Илтижохонни ишга солдик. Аҳмад ака билан Салим ака ўтирадиган хонага уни «жосусликка» киритиб юбордик. Ҳамма нарса тезда «кўзгу»да намоён бўлди.

Зерикарли кўрсатув тугаб мультфильм бошланишига интиқ бўлиб телевизорга тикилиб ўтирган боладай юрак

ховучлаб «тажрибамиз» натижасини кутиб турдик. Битта сигарет чекилгунча вақт ўтмай, Илтижохон совчиликка бориб «бўри бўлиб» қайтган кайвонидек, ғолибона юриш билан чиқиб келди. Сездик, лобар жувон «бир нарсали» бўлиб чиқибди. Иш-пишни йигиштириб унинг ғунчадек лабларига тикилдик. Илтижохон кулгисини тилла тишлари орасида зўрға сақлаб турган экан, бўлим эшигини зичлаб ёпгач хандон отиб юборди. Қизиқишимиз оштанидан-ошиб борарди. Илтижохон ўзига ярашадиган табассумини тўла намойиш қилиб олгач, сочини тузатган бўлиб бир толасини «бilmай» ён дафтарчанинг варагидай жажжи пешонасига туширди. Бу унинг ҳуснини янада очиб юборди.

Бухгалтер Чори аканинг сабри тўғонни бузган сел мисоли жиловланмай қолди. Чидолмай деди:

— Одамни бунча куйдирмай гапириング тезроқ!

Бу тал Илтижохоннинг кулгисини баттар авжига чиқарди. У кула-кула ўриндиққа ўтириб қолди.

— Кириб салом берсам, Аҳмад ака алик олди. Салим ака эса «Хайр» деворса бўладими. Бирори бир нимани гапирса, иккинчиси тескарисини айтади.

Илтижохон бошини чиройли қийшайтириб олди:

— Мен «Бугун бирам ҳаво яхшики», десам, «Аҳмад ака: «Ҳа, нимасини айтасиз. Ойлар ичиди августдан зўри йўқда», деб қўйди. Салим ака бўлса чўтни шарақ-шуруқ қилиб тўнгиллади: «Кўкка булат айланаяпти. Қор-пор ёғса керак». Мен соддаси тушмагур чиппа-чин ишониб очиқ деразадан қуёшли осмонга қарабман. Вой-эй, кулавериб ўламан...

Дарҳақиқат, кўп кулганидан Илтижохоннинг сурмали кўзлари ёшланиб кетди. У кафтдаккина батист рўмолчаси билан кўзини оҳиста артиб давом қилди:

— Кирганимга бирор важ кўрсатиш учун: «Касаба уюшмасида иккита йўлланма бор. Чортокқа. Борсаларингиз...» дебман, Салим ака «Чортокқа ўғли зўравонлар борсин. Бизга ким қўйибди, томошани. Уйимиздаги томошаем етади», деди Аҳмад ака совға қилган шарикли ручкани столга улоқтириб. Аҳмад ака: «Кўянеринг уни», дегандек менга маъноли бош қимирлатди. Кириб кўринглар, нақ комедиянинг ўзи...

...Маълум бўлишича, Аҳмад аканинг Ориф ўғли билан Салим аканинг Нортой деган зурриёти эски велосипедни талашишибди. Орифнинг қўли бехосдан Нортойнинг бурнига тегиб қонатади. Салим ака воқеанинг устига келиб қолиб Орифга тарсаки туширади ва «боламни қизил қонига бўяпти, Аҳмаднинг арзандаси. Бу масалани шундай қолдирмайман. Экспертга бераман. Бутун туманни оёқقا турғазаман», деб бақириб бошига одам тўплайди. Аҳмад ака эса қўшнининг ноласи-ю бир бурчакда пиқиллаётган Орифнинг йиғисини эшитмаслик учун радиони баландроқ қўяди.

Икки ҳамхона яна икки кун бир-бирига тўмтайиб юришди. Учинчи куни тушдан кейин Салим ака у хонадан бу хонага кириб: «Кечқурун Аҳмаднигиға айтилдингларми? Орифнинг туғилган куни. Зўр ўтириш бўлади. Бир чақчақлашамиз. Борасизларми?» деб суриштириб чиқди. Бошлиқдан: «Менга олдинроқ рұксат беринг. Аҳмаднинг бир ўзи гаранг бўлиб ётмасин. Бориб ёрдамлашай. Бизнинг ўйку эрталабдан уларниги қўчган. Қараашмасам бўладими, неча йиллик қадрдонмиз», деб жавоб олибди.

Бу тафсилотлар ҳам «кўзгу» орқали аён бўлди. Барчамиз енгил тин олдик. Бошимизда: «Бундан кейин Нортой билан Орифга инсоф берсин. Икки оғайнининг орасидан энди ола мушук ўтмасин», деган ўй бор эди.

Пишт, ола мушук!

## СОЧ ОЛДИРИШ

Якшанба қунларининг бирида Солибой сартарошхонага равона бўлди. Хотини «қайтишда икки кило гуруч обкелинг. мен сабзи тўғраб тураман», дея қўлига халта тутқазди.

Солибой аввал гуруч олай, сочимни кейин текислатарман деган қарорга келиб, озик-овқат дўкони остонасидан ҳатлади. Пештахта ёнига борганини билади, темир чангакдек қўл билагини худди ўчи бордай қаттиқ қисди. Сояси юпқалардан эмасми, Солибой додлаб юбораёзди. Бурилиб қараса, собиқ ҳаммактаби Турди оғзини қулогига етказиб турарди.

— Табриклишинг мумкин, ошна! — хитоб қилди у салом-аликни ҳам унутиб.

— Ўғилми, қизми? — сўради Солибой уни фарзанд кўрган хаёл қилиб.

— «Ўғилми, қиз»инг нимаси. Тўлқинимиз энди уч ойлик бўлди-ю. Бошқа гап ошна, бошқа гап. Кечаги рўзномани ўқимапсан-да, беш минг ютганимни ёзишиди-ку!

— Ўқимаган эканман.

— Шу десанг, қачондир икки-учта лоторея олувдим. Яқинда текширтирсам раҳами беш мингга тўғри келиб қолмайдими де. Ке, гапни чўзмайин. Барибир «ювасан», деб туриб оласан. Қани, кетдик.

Солибойнинг «гуруч, икки кило гуруч», деганига парво қилмай Турди уни ташқарига судради. Яқингинадаги ошхоната кирипиди. Турди уни столлардан бирига мажбурлаб ўтқазди ва буфет томонга пилдираб кетди...

Столга Турдининг қайниси келиб ўтирганида улар уч қадаҳдан конъяқ ютиб олишган эди. Қайнисини кўрган Турди яна буфетни мўлжаллаб қолди. Буниси ҳам тум қилингач Турдининг қайниси «омадли поччаси ва баҳтли жиянчаларининг соғлиги учун» тағин уч идишни тўлатиб келди. Шундан сўнг Солибойнинг боши қовоқари уясига айланди-қолди. Кўзига Турди билан қайнисининг бошлари қўшилиб кетгандай кўринди.

Кайфининг зўрлигидан Солибойнинг мардлиги тутиб кетиб, столга суюниб тетапоя бўлди: «Булар сувдай тўкиб турибдию мен обкелолмайманми?». У икки кунлик бузоқдек оёқда қалқиб буфетга борди. Бу ердаги аёлнинг «Сизларга етарли, укалар», деганидан кейин пештахта устидаги ли-кобчани ерга урдими ё олдинми билолмай қолди. Кўзлари юмуқ, навбатдаги «қурбони»ни ахтариб пештахта устини пайпаслади. Шу орада «ширинроқ» сўкинган бўлса керак, буфетчининг «Оғзингни юм, беҳаё», дегани уч чақирим нарида айтилгандай элас-элас қулоғига чалинди. Кимнингдир бақувват қўллари унинг қўлтиғидан олди. Киприклари орасидан сузилиб қараса... пагонли киши! Тамом, ўғини эслолмайди.

...Солибой уйига эртаси куни қайтди. Сочини олдиртан. Тўғрироги олишган. Текис эмас, жудаям теп-текис, аниқроги тап-тақир қилиб. Лекин... сартарошхонада эмас. Қаерда дейсизми? Яхвиси сўрамай қўяқолинг. Ўзи ҳам жуда хижолатда юрибди.

## ЙҮҚ, МЕН ДОРИФУРУШ ЭМАСМАН...

Авайлаган күзгә чүп тушмай қолмас экан. Шойимқулнинг Тиловберди деган, қодир этамдан минг илтижолар билан тиляб олган ўғли иситмалади. Ҳарорати чиқди, алаҳсиради, тишларини гижирлатди, хуллас, бемор гүдак нимаики қилиши лозим бўлса барисини қилди.

Шойимқулни таниш-билишдан, қариндош-уругдан, дўсту биродардан худо қисмаган. Шундай экан Тиловберди уларнинг бирига невара, бирига жиян, бирига бўла ва ҳоказо. Бундай кезда хеш-ақраболар қараб туришармиди. Шойимқулнинг уйини дори-дармон босиб кетди. Бунча нарса Мамадаминнинг қишлоқ гузаридаги хусусий дорихонасида ҳам йўқдир.

Дардини юборганинг ўзи шифосини ҳам берган эканми, кутисию шишасига турли элларнинг, ҳар хил тиллардаги турфа ёзувлари битилган дорилар кор қилдими, ҳар қалай Тиловберди уч кунда кўрмагандай бўлиб, яна кўчадаги ўйинқароқ ошналарининг кўнглини шод, даврасини обод қилди.

Тўпланиб қолган дори-дармонлар сервантнинг тортмаси, столнинг ғаладонини банд этди.

— Буларни нима қиласиз, энди? Сақлайверайлик, десам ирим қиласан, худди касални соғингандай бўламиزمи. Чиқарип ташлай десам, бунинг ҳаммаси қадрли. Кўпларини фақатгина телевизор рекламаларида кўрсатишади, — зорланди Шойимқулнинг хотини Ойсултон.

— Кўни-кўшнилар сўраб қолишар. Тураверсин-чи, — деди Шойимқул бепарволик билан.

... Ойсултоннинг ташвишлангани беҳуда экан. Қаердан, кимдан, қачон хабар топигани номаълум бўлган одамлар кетмакет кела бошлади. Бири «ишончли кишидан эшидик, анальгин фақат сизларда бормиши», деса, яна бири «иссиқ уколдан ёрдам қилинг» дейди, учинчиси «хотиним икки кундан бери...» дейя ерга қарайди.

Ойсултон келганларни қуруқ қайтармайди. Улар пул узатишса зинҳор олмайди. Бундан баъзилар хурсанд бўлади, айримлари хафа. Ишқилиб хурсанд бўлганлари аксарият эди.

...Кечаси учнирмили, учдан ўтганмиди, билмаймиз, Шойимқулнинг дарвозасини кимдир қаттиқ тақиллатди,

тақиіллатди әмас қалдиратди. Чүчіб уйғонған Шойимқұл чопони енгини бир амаллаб топиб кийди. Ҳозирги безовта замонда хаёлга нималар келмайды, дейсиз. Чиқа туриб әхтиёти шарт хотинини ҳам уйғотиб ҳар балоларга шай қилиб қўйди. Бирор кори ҳол бўлса, хотиндан зўр таянч борми?

Шойимқұл юзта ботир йигиттинг шижаотини юрагига жамлаб бориб дарвозани қия очди. Қора рангли «Жигули» ёнида икки нотаниш одам турарди.

Шойимқұлнинг танасида неча томир бўлса барчасида қон музлаб қолди-ёв! Қўзига алланималар кўриниб, миясига ким-нималар келди, буни ёлғиз парвардигор ва унинг ўзи билади.

— Ака, кечирасиз! Безовта қилмасликнинг ҳеч иложи бўлмади, — деди тунги меҳмонлардан бири тилга кириб. — Сизни излаб Қизириқдан келдик. Тирамода узилган ўнта тиркиш олиб келганимиз. Яхши сақланган. Тин ерники. Ўғит емаган.

Лолу ҳайрон қолган Шойимқұл бирордан «тирамода узилган қовун» сўраганини эслолмади:

— Қовун. Ярим кечада қовун... Тин ерда битган қовун. Қизиқ...

Тиркиш эгаси энди ялиништа ўтди:

— Ака, бобойимиз оғир ётибди. Гентамицини тамом бўлди. Тоза азоб чекаяпти. Суриштира-суриштира сизга келдик. Бўёғи нақд пул йўқ. Чек деган нарсалар чиққан. Дорингизни қовунга алмаштирамиз деб...

Шойимқұл воқеани энди фаҳмлади. Миясига қон тепгандай бўлди. «Шарпа»ни ичкарига киритиб хотинига буюрди:

— Обчиқ ҳаммасини! Энди номимиз дорифуруш бўлдими? Тиркиш қовун эмиш... Обчиқ. Билмабмиз, донғимиз алла-қачон оламга кетибди!

Ойсултон шишалар, ялтироқ қофозлардаги дориларнинг ҳаммасини кўтариб чиқди.

— Ука, садағантиз кетай, илтимос, ҳаммасини олинг. Олиб кетинг. Пулингизам, тиркиш-пиркишингиз ҳам керак әмас. Муаллимликдан топганимга қаноат қилиб юрган одамман, ука, тушунинг. Ҳаром томоқлик бизга ёқмайди. Шарманда қилдингиз-ку, мени! — хитоб қилди Шойимқұл.

«Меҳмон» (ёруғда билинди: у бинойидайгина йигит экан), мамнун бўлганидан лаб-лунжини йиғиштиромай қолди:

— Йўқ, ака. Ҳаммаси керак эмас. Ўнталина гентамишин бўлса етади. Билдим, аччиғингиз чиқаяпти. Нима қилай, ноилож қолдим-да, келдим. Изламаган жойимиз қолмаган эди.

— Билмайман. Олинг ҳаммасини, олинг. Ҳаммасини олинг, олинг, — дерди яккаш Шойимқул. — Мени дорифурӯш деганларнинг...

«Шарпа», дарвоҷе бинойигина йигит, ўзига керакли кутини олди-да, шипиллаб бориб тўртта қовунни дарвоза олдига апил-тапил туширгач, ўзини машинага урди. Шериги ҳам тайёр турган экан, бирдан ўт олдириб жўнашди-кетди.

Шойимқул ўринга мажолсиз чўзиларкан ингради:

— Хотин, эртага агар тонг отса, шуну туришига йўқ қил. Бирор жойга обориб топшириб. Бир тийин олма.

...Дарҳақиқат, эртаси Шойимқул мактабга кетгач Ой-султондориларни гузардаги медпунктга текин топшириб, бир балодан кутулгандай бўлиб қайтди. Тўртинчидаги ўқий-диган қизчаси уни янгилик билан кутиб олди:

— Эна, сиз кетгандан кейин икки киши келди. Бири милиса. Униси солиқ идорасиданман, дейди. Отангми-онангми қайси келса, бизга учраисин, деб тайинлашди.

— Нимага? — жон ҳолатда сўради Ойсултон.

— Уйда рухсатсиз дўкон очиб дори сотаётган эмишмиз...

Буни эшишиб Ойсултон эшикка беҳол суюниб қолди.

## РАМАЗОННИНГ «ЖОРЖ» ТОҒАСИ

Ўқишидаги тоғасининг таътилга келганини эшитган Рамазон момолариникига югурди. Оёғини қўлига олиб етиб борди. Момоси ҳовли саҳнидаги ўчақ бошида уймалашаётган эди. Рамазон салом бергач, ички ҳаяжон билан сўради:

— Жўрақул тоғамлар келдиларми?

— Ҳа, келиб қолди Жўрақул тоғанг, — жавоб берди момоси лоқайдигина.

Рамазон ичкарига йўл олаётганди, момоси қўлига палов сузилган лаган тутқазди. Рамазон тоғасининг хонаси эшигини

оёғи билан аста тақиллатди. Эшикни малла соchlари елкасигача тушиб кулокларини кўмиб юборган, ингичка мўйловли йигит очди.

— Ҳо, салют, жиянчик! — деди у қарсак уриб.

Бу — Рамазоннинг тогаси эди.

Хонани кўк туман сингари тутун қоплаган. Каттакон қозонга капкир билан ургандай товуш чиқариб магнитофон куй таратарди. Тогаси паловни ўртага қўйгач, Рамазонни таништириди:

— Сенъорлар, тантана билан эълон қиласманки, қаршингизда бизнинг жиян Рамазон, тоес, Роберт турибди.

Рамазон-Роберт қизариб ерга тикилди. Тўрда ўтирган, бўйнига ялтироқ нарса остан лўпти юз йигит ингичка овозда деди:

— Қуйилсин! За знакомства битта отиб ташлайлик.

— Браво, браво! — дея маъқуллади хинаранг қалта соқолли, озгин йигит.

Лўпти юз Рамазонга стакан узатди. У рад қилди. Масалага тога аралашди.

— Ол, жиян. Бу болаларнинг қўли қайтмаган...

— Олинсин. Жоржга жиян бўлсанг оласан, — дейишди меҳмонлар.

— Буларни таниб қўй. Бирга ўқиб ётибмиз, — тогаси шундай дея уларнинг номларини атади. Буни Рамазон ўн марта такрорласам эслаб қололмасди. «Крур»ми, «Клет»ми, ҳойнаҳой шунга ўхшаш эди. Рамазон ичиде «қайтага тогамнинг топган оти яхшироқ экан, Жорж», деб хаёлидан кечирди.

Рамазон — яъни Робертга стакандагини ичиришди. Пича ўтгач боши гаврон теккандек ғувиллаб, ер тортаётгандек ағдарилиб тушди.

...Рамазон эртаси пешинда ўзига келди. Тепасида онаси йиғлаб ўтиради.

Шу-шу, Рамазон тогаси келса момосиникига югурмайдиган, лекин бир сесканиб қўядиган бўлди.

## ҚАЙСИ БЕРДИЕВ?

Тогамнинг қишлоқ марказидаги дўконда ишлаётганига кўп бўлгани йўқ. Ўқишимиз бошланганида ишга ўтган эди.

Хозир биринчи чорак тугади: демак, икки ойга яқинлашибди.

Кунларнинг бирида ойим қўлимга пул билан сурп халта тутқазиб шакар обкелишни буюрди. Дўконга югурдим.

Ичкарида тоғамдан бўлак ҳеч ким йўқ эди. У негадир тарози тошини пичоқ билан қавлаб ўтиради. Салом берувдим, у апил-тапил тошни бекитди.

— Ҳи, сенмисан? Шайтонга ўхшаб сасингни чиқармай кирасан?

— Ойим, шакар...

— Майли. Сен бир жойга ғизиллаб бориб келмайсанми? — деди тоғам гапимни бўлиб.

— Қаерга?

Тоғам жавоб бермай у-бу нарса ўраладиган қоғозга нималарнидир ёзди-да, ҳафсала билан буклади. Менга узатиб сўради:

— Фермани биласанми?

— Жумагул опамлар ишлайдиган жойними?

— Ҳа. Янги мудирни танисанг керак. Бердиевни?

— Эшитганман. Ўзини кўрмаганман, — дедим гуноҳ қилгандек. Чунки қишлоқнинг чеккасидаги фермага кам борарадим.

— Майли. Фермага бориб, «Бердиев керак эди», десанг кўрсатишади. Хатни бериб қайтиб келавер, вассалом.

Тоғам шакар тортиб қолди, жўнадим. Бир зумда етиб бордим. Бирордан сўрашнинг ҳам ҳожати қолмади: кираверишдаги эшикка «ферма мудири» деб ёзиб қўйилган экан. Иккиланмасдан уни очдим.

«Т» ҳарфига ўхшаш столнинг пасткисида бир киши каттакон папкадаги қоғозларни титкилаб ўтирган экан. Салом бердим. Алик олгач сўрадим:

— Бердиев aka сиз бўласизми?

— Ҳа. Нимайди?

— Манавуни тоғам бериб юборувди, — қоғозни узатдим.

— Қандай тоғанг? Ким у?

— Магазинчи тоғам-да. Кўк мотоцикли бор-ку!

У хатни олиб синчиклаб ўқиди. Сўнгра ички чўнтағига солди-да, «раҳмат, ука» деб қўйди. Топшириқни бажариб севинчим ичимга сифмай қайтдим.

- Бердиев бор эканми? — сурыштириды төфам.
- Бор экан.
- Бердингми? Нима деди?
- «Хүп, раҳмат ука», деди.
- Бүтти, маладес.

Икки кишининг раҳматини эшишиб суюниб юрган эдим, эртаси қуни азонда төғам носқовогини олдирган қашандайдай гарангсиги кириб келди. У мени еб-ютиб қўядигандай сўради:

- Хатни кимга берган эдинг, ерга киргур?!
- Бердиев акага-да.
- Ҳе Бердиев аканг билан қўшмозор бўл! Мен аҳмоқ сенга ишониб...

У ёнига туфлаб чиқиб кетди. Ҳайрон бўлиб қолдим. Ҳамма гапни кейин билдим.

Ўша қуни хатчани ферма мудири Бердиевга эмас, балки текширишга келган солиқ назорати вакили Бердиевга берган эканман. Хатда төғам мудирдан аллақанча камёб молларни кечқурун олиб кетишини сўраган, эвазига ўнта қоракўл тери бериши лозимлигини ёзган экан.

... Эртасига дўконни тафтиш босди.

## ОМОН ҚОЛГАН БОШ

Соч-соқол тиним билмай ўсиб тургач, устара аҳлига ишинг тушмай иложинг йўқ экан. Сартарошхона ёнидан ўтаётуб энгагимга қўл юборгандим, соқолим тиф талаб бўлганини сездим. Ичкарига кирдим. Оқ парда тутилган бурчакка лунги силкитаётган барваста, қўнгиз мўйлов уста мени мезбон табассуми билан қарши олли. Хушмуомаласига йўлиққанимни ҳис этиб ўриндиқча чўқдим.

Сартарош бўйнимга лунги тутиб, овқатлантирилаётган бола ҳолига келтирди-да, ойнадаги аксимидан: «Сочми, соқолми?» деб сўради. Ниятимни англатдим.

Уста оқ тумбочка устидаги устаралардан бирини олиб қайишга ишқади. Бош бармоги билан тифини кўрди. Идишчада совун кўпиртириди. Хуллас, соқол олиш учун нимаики лозим бўлса, ҳаммасини қилди. «Устам, камгапгина экан», деб хаёлдан кечирдим, унга бир қадар ҳурматим ошиб. Кутганимча эмас экан шекилли, у паккини яна қайраб олгач қайчи фийчиллатаётган ҳамкасбига гапириб қолди:

— Кечаги ўйинда десанг «Олға»ни танимай қолибман-ей. Аммо-лекин қойил бўлдим.

У шундай дея калламни чапга босиб, нақ қулогимнинг тагидан иш бошлади. Қўшни сартарош алланима деб тўнғиллаганида устара иягимда эди. Устам ўгирилиб жаҳл билан деди:

— Футболнинг маънисига етсанг гапир-да! Ким айтди сенга, Рўзиевни ёмон ўйнайди деб. Кеча уни ўйинга туширган устозининг соқолини ўн марта текинга олардим. Ҳа, билиб қўй!

Ичимда «агар кўса бўлмаса устознинг роса омади келди-ку», деб қўйдим. Афтидан сартарошлар маҳаллий жамоатнинг бир-бирига рақиб ишқибозлари эдилар.

Устанинг гавдаси тўсиб турибди, эшитилмади. Ҳамкасб рақиб нималардир деди. Эндиғина устарани ишлатаётган устам яна тўхтади.

— Ана энди ўзингга келдинг. Билиб-бильмас ўша «Юлдуз»ингни мақтайверма. Агар зўр бўлса зўрлигини кеча кўрсатсин эди.

Ишқибоз бўлишса ўзларига-да, мен бир соқол олдирадиган киши бўлсам, деб бепарво ўтиргандим, ойнага қараб «дод» деб юбораёздим. Устара нақ кекирдагимда кўндаланг турарди! Аъзойи баданимга қишининг совуғи ютурди. Қимиrlасам ё «Фиринг» десам тамом! Негадир қўзимга болаларим ҳамда ойиси кўриниб кетди. Улар менга маъюсгина термилиб туришгандай эди.

Уста ўнг елкаси оша шеригига тап маъқулларди. Қани гапи тугаси ёки шериги «Хўп, сеники маъқул», деса. Аксига олиб уям ён берадиган бандага ўшамайди. «Ишқилиб устам ҳакамнинг қўл ҳаракатига тақлид қилмасин-да», деб юратимни ҳовучлаб турибман.

Пакки қимиrlамаяпти, шунисигаем шукур. Ундаи десам, бир чети ўзимдан ҳам айб. Соқол деган нарсани уйда олсам, бир ерим камаядими?

Устам жавраб турибди. Нималар деди, нималар қўйди, қулогимга киргани йўқ. Эс-хушим бўйнимдаги устарада. Кўнгил шунақада душманлигини қиласди. Ўзимга-ўзим «ким билсин шуниси охирги бор соқол олдиришимми», деб ўйлайман.

Хайрият! Рақиби паст тушди чоғи, устам:

— Шундай дейсану барибир «Олға»ни «Юлдуз» билан тент қилма, — деганича бу ёқа ўгирилди.

Нариги сартарошдан ўргилай, мени азобдан қутқарди. Балки жонимни ҳам сақлаб қолди. У ўзиникини маъкуллайверганида устамнинг газаби қўзиб бўйнимга шартта... Севган жамоаси ютқазганда ўзига ўт қўйган, пешонасидан отган ишқибозлар бўлади, дейишади-ку!

Ҳақиқатан ҳам ўша куни сартарошхонада охирги марта соқол олдиришим бўлди. У ердан чиққач уйга яп-янги устара қўлтиқлаб қайтдим.

## ТИРИКЧИЛИК

Маҳсималининг кўп юмуши озиқ-овқат дўконидан битди. Хотини тушиб берган рўйхатга ўғринча қарай-қарай бир ўрам қанд, икки кути қаҳва талқони. Ярим кило печенье, чорқирра нон харид қилди. Хотинининг қайта-қайта тайинловлари қулоги тагида акс-садо бериб, қутиси қизил чойдан бир кило торттирди.

Шуларнинг ўзи, таъбир учун кечирасиз, бир тойхарнинг юки эди...

Дўкондан чиққан Маҳсимали навбатдаги булутўпар чўққини забт этиш олдидан хиёл тараддулланган альпинистдай бир зум иккиланиб қолди. Энди энг асосийси турарди: гўшт олиш керак! Икки кило гўшт!

Бозорга кириб биринчи учраган яхши одамдан гўшт раастасини суриштириб билди. Қон ялаган қассоблар қошига етди. «Мендан бошқа ҳамма шу ерда-ку», хаёлидан кечирди у поезд вагонларидай чўзилиб кетган навбатга қараб.

Йўғон, аслида уларнинг ингичкаси бўлмайди, қассоб йигитнинг истироҳат бояи эшигига карта ўйнатиб турадиган одамдек чаққон ҳаракатларига маҳлиё бўлиб навбати етганини билмай қолибди. Буни қассобнинг «Сизга қанча?» деган сўроги-ю, ортида турган ва эзғиланган сигаретини бурнаки қилаётган сарғиш чолнинг «ширингина» турткисидан билди. Илкис ўзига келди-да, қассобга мўлтираб «икки кило» деди, тўғрироғи шундай деб шивирлади.

Қассоб молнинг қарийб барча аъзолари намуналаридан иборат гўштни чапдаст баскетболчи саватга тўп ташлагандек тарози палласига улоқтирди. Тарози мили дастлаб олти, сўнгра

бир кило етти юз граммни кўрсатиб тўхтади. Қассоб гўштни апил-тапил тарозидан олиб Маҳсималининг елим халтасига солди. Халтанинг туброғидан ўткир қиррали суяқ Чустнинг пичоғидек ёриб чиқди. Маҳсимали пулнинг қайтимини зўр ихлос билан олди. Пул ўз йўлида қонли из қолдириб оқ кўйлагининг кўкрак чўнтағига тушди.

Маҳсимали гўшт растасидан елкасидан Боботоғ ағдарилгандек мамнун чиқиб, картошка бозорига бурилди...

Уйига ижарачи таксида етиб келиб, унга ҳам ақл тишини суғуриб бергандек ўн беш сўм ташлади.

Ҳангоманинг каттаси уйида кутарди. Хотини харидларни божхона ходимилик синчилаб назардан ўтказиб, дашином сабогини бошлади:

— Қаҳванинг муддати ўтиб кетган-ку, бегим. Бу печенъени мушукка бермасак, болалар тишлаб ҳам кўрмайди... Ноннинг берчлигини қаранг. Кўча бошидаги дўкондан олган бўлсангиз, сотувчидан кўз узолмай Қолгансиз-да. Унга кўп термилманг, эри полвон, мазангизни қочирмасин. Мен қолмайин тўрт бола билан бева бўлиб...

Маҳсимали ортиқ тоқат қилолмай бошқа хонага ўзини урди. Шалвираган гавдасини ором курсига ташлади. Кўз олдидан тушдан кейинга режаланган ишлар ўта бошлади: уч қоп пиёз олиб қишига фамлаш, тўрт банка томат, бир халта ун, икки кило колбаса келтириш лозим. Айтгандай, конфет ҳам эсдан чиқмаслиги шарт.

Илгарилари бу нарсаларнинг қаердан келиб қаерга кетаётганини Маҳсимали билмасди. Мана, бир ҳафтадирки, бозор-ўчар унинг бўйнида. Хотини эса bogча мудиравигидан бўниаб, уйда ўтирибди.

Қандай яхши кунларинг ортда қолди-я, Маҳсимали?

## БОШЛИҚНИНГ «АКАСИ»

Бошқарманинг таъминот бўлимида ҳамма ўз иши билан банд. Кимdir чўт қоқаяпти, яна бирор ҳужжатларини титкилаётир. Шу пайт ҳисобчи Умар ака лапанглаб кириб келди-да, томогини маъноли қириб гап бошлади:

— Хўш. Ўзларинга маълум, Назар Бозорович бошқармамизга бошлиқ. Ҳаммамизнинг отахонимиз, бошқача қилиб айтганда. Ё гапим нотўрими?

Үтирганлар «Ха», «Бўлмасам-чи», «Албатта» дейишиб унинг гапини маъқуллаши.

— Шундай экан кичкина бир гап бор. Кичкина деяпману аслида катта гап. Йиңинга Назар Бозоровичнинг таваллуд топган кунлари экан. Шунга каттами, кичикми совға дегандай... Умуман ўзларингиздан гап қоладими?

Умар ака қўлига қоғоз-қалам олди.

— Агар ҳар кишидан юз сўмдан тўплаганимизда ҳам бир минг тўқиз юз сўм йигилар экан. Юз сўм нима деган гап, жон соғ бўлса. Масалан мени олсангиз, бир юз эллик сўм қўшмоқчи бўлиб турибман. Мана...

Умар ака юз ва эллик сўмликни виқор билан стол устига қўйди-да, атрофига саволомуз қаради.

— Қани, кимдан бошлаймиз?

Бошқалар ҳам столга юз сўмликдан қўйишиди. Буни кўрган Умар ака ийиб кетиб, чўнтағидан яна эллик сўм чиқариб изоҳ берди:

— Назар Бозорович менга жуда яқин. Суриштириб кетса хеш бўлиши ҳам мумкин. Бир куни технолог Эгамбердиевницида ўтирганимизда телевизор кўрсатмай қолганди. Ўшанда Назар Бозорович «Умар ака, тилини билсангиз тузатинг», деганлар. Ха, ўз оғзи билан «ака» деган...

Шу пайт хонага бошлиқ ўринбосари кириб келди. У ўтирганлар билан аҳволлашгач, деди:

— Назар Бозорович биздан кетадиган бўлдилар. Ҳозир йигилишида шу гап бўлди...

Умар ака дам бошлиқ ўринбосари, дам пулига ранги ўчиб қараб қўйди-да, «кетадиган бўлди», деб пиҷирлади. Сўнгра ўзининг икки юз сўмлигини столдан олиб, апил-тапил киссасига урди. Бошлиқ ўринбосари елпаррак шамолига юзини бироз тутиб тургач, деди:

— Вилоят трестига бошлиқ этиб тайинлашиби...

Умар ака оби ҳаёт ичгандай бирдан жонланиб кетди:

— Ие, ие, ие. Вилоят трестига дедингизми? Зўр-ку, а? Ўзим ҳам билардим, ўсишини. Ўсадиган одам. Мен бекорга ака-ука тутинмаганман-да. Қани ўртоқлар, совғани энди каттароқ қиласмиш. Ҳар бирингиз икки юз сўмдан қўшсангиз. Мендан эса уч юз сўм...

Хонадагилар бир-бирига қараб елка қисиб қўйишиди.

## ОШГА ТУШГАН ПАША

Улфатлар йигилишиб шаҳар четида ош қилдик. Муҳандис ўртоғимиз Бозор «Москвич»ида бир дўстини ҳам олиб келди. Камгапгина, ҳавастга қорин қўйгандай йигит экан. Бозор танишириди: бирга ишлар эканлар, оти – Қулмамат.

Ош устида қадаҳлар бир-икки айлангач, сал қисиниб ўтирган меҳмонимиз бироз очилди. Паловхўрликдан сўнг чойхўрликни ақлли одам чиқарган-да. Суҳбат қизиди. Гапдан гап чиқиб Содиқ аллақайси тумандаги ошнасининг бошқарма бошлиғи бўлганини сўзлаб қолди:

– Зўр бола. Парвариши кам бўлдими, секин ўси.

– Отангизга балли. Одам танир экансиз. Олтин йигит. Бизга тога бўлади, – деди Қулмамат тикроқ бўлиб ўтиаркан.

– Ана шу бола билан беш йил ватман қоғозга тикилиб ўқиганмиз. Бир домламиз бўлар эди. Файрат Кабирович деган. Гапини бошлар-бошламас «нимада тўхтаган эдик?» деб турарди. Шу домлага фарғоналик Булатшер исмли курсдошимиз...

– Булатшер дедингизми? Менга қараб гапиринг. Суҳанингиз табаррук. Фарғонанинг қаеридан эди? – шодланиб кетди Қулмамат.

– Рапқонидан.

– Ташланг «беш»ни! Рапқонлик Булат билан ўқиган бўлсангиз мени билишингиз керак. Биласиз, – шодон илжайди меҳмон кўйлагининг ёқасини кенг очиб юбориб.

Содиқ қўлини унинг юмшоқ кафтларидан ажратиб оларкан, бизга маъноли кўз ташлаб давом этди:

– Учрашмаган эканмиз шекилли. Булатшер билан Богдалига боргандик. Шунда...

Энди иккала оёғини ҳам биз томонга узатиб юборган Қулмамат Содиқнинг елкасига биттани урди. Оқ кўйлакка рентгенограммадагидек бармоқлар изи тушди.

– Воҳ, воҳ, воҳ! Богдалида бўлган экансиз – табарруксиз. Ўша ерда дам олиш уйи бор. Директори амакиваччамиз... Гапираверинг, суханингиздан...

Содиқ бир қадар хижолат бўлиб, Бозорга саволомуз қаради. Унинг қўзини учратолмагач, анча сўниқ товуш билан гапира бошлади:

— Шунда харсангдан-харсангга сакрайвериб Булутшер оёгини чиқариб олди. Товоңлаб юриб қолди. Одамнинг раҳми келади. Илож йўқ. Яқин орада уй-пуй кўринмайди. Бахтимизга узоқдан сариқ «Жигули» кела бошлади...

— Рақамига қарадингизми? Рақамига! 36-02 бўлса бизнинг холаваччанини чиқади...

Содиқнинг юзида қаттиқ норозилик зоҳир бўлди. Лекин босиқлиги ғолиб келди. Ўтирганларнинг ҳаловати қочган эди. Бозор «мен ҳозир...» деганича ўрнидан жилди. Содиқ ҳикоясини тезроқ тугатиб олмоқчи бўлдими, чаққонроқ сўзлай бошлади:

— Ёнимизга келиб бизга урилгудай бўлиб тўхтади...

— Рулда бўлам эканми? — гапни кесди Қулмамат ёнбошлаб ётганича. — Жуда шўх тинматур. «Жигули»ни жойидан бир юз элликка олдиради.

«Шўх бўла»нинг оғайниси мўйловининг бир учини бурнига яқинлаштириб ҳидлади. Буни кўриб дастрўмолчамни оғизмта тутдим. Турсун ўқчиб сўридан сакради-да, ариқ томонга шошилди. Турди эса сигаретини фарчча чайнаб олди.

— Суханингиз табаррук, гапираверинг, — қистади Қулмамат мўйловининг иккинчи учини ҳидлашга тайёрланиб.

Буни кўриб Содиқнинг ранги қоғоздек оқариб кетди. кўз қорачиқлари кенгайди. У Қулмаматнинг ўзига қадалиб турган оёгини нарига итариб юборди. Шошилиб тураман деб оштовоқни тўнтариб қўйди. Туфлисини апил-тапил кийиб Бозорнинг «Москвич»и турган тарафга интилди. Машина жойида йўқ. Бозор аллақачон қочиб улгурган эди!

Улфатлар дуч келган ёққа ўзимизни урдик. Ҳаммамизнинг хавотиrimiz бир хил эди: «Ишқилиб олдимиздан Қулмаматнинг яна бирор «оғайниси» чиқиб қолмасин-да!».

Орқамиздан Қулмаматнинг палағда товуши келди:

— Хой, тўхтанглар, Булутшерни нима қилиб қўйдинглар?!  
Орамизда унга жавоб қайтарадиган бирор мард йўқ эди.

## «ОВҚАТШУНОС»

Бу идорада янгиман. Ҳали кўпларнинг феъл-авторини яхши билмайман. Ишлатганимга ҳафта бўлибдики, бир нарсани сезиб юрибман. Ҳамкаслар тушликка бир-бирларини

таклиф қилишади-ю ҳеч ким ёрдамчи ҳисобчи Нурмамат акага «Юринг» демайди. Унинг ўзи сўппайиб, ёлғиз овқатланиб қайтади.

Бунинг сири менга саккизинчи кун аён бўлди. Соат ўн иккода ишхонада Нурмамат ака иккимиз қолдик. Ўз бурчагида стол тақвимига нималарнидир ёзаётган ҳамхонамга дедим.

— Юринг, овқатга чиқамиз...

У дарҳол кўнди. Узоқ бўлса ҳам боғдаги кафега бордик. Бошқа ҳамкасларимиз ҳам шу ерда овқатланишмоқчи эди. Ўтирганимиздан сўнг Нурмамат ака синчков мусахҳиҳдай таомлар рўйхатини ҳафсала билан кўздан кечирди. Ниҳоят шўрва билан қовурма танлади. Буюрилган егуликлар келтирилгач, нариги столдаги ходимларимиз менга қизиқ-синиб қараб қўйишиди. Уларнинг гаплари қулоғимга чалинди.

— Қаранглар, Нурмаматта шерик топилибди.

— Бечора янги-да, ҳали кимлигини билмайди.

— Билмаса билиб қолар.

— Ҳа, ҳа, ҳа!

Иштаҳаочар шўрвани тушира бошладим. Хушбўй ҳиди димоқни қитиқлаётган шўрвадан ним қошиқ тотиб кўрдида, Нурмамат ака тўнғиллади:

— Овқат қилишни билмасанг, гўрингга ошпаз бўласанми? Шуям шўрва бўлди-ю. Ариқдаги сувда маза бор, бунда йўқ...

Ҳайрон бўлдим. Косани кавлаштирдим. Шўрванинг қусури йўқ эди. Нурмамат ака эса севган жамоаси ютқазиб қўйган ишқибоздек тажанг эди.

— Гўштини қаранг, укам, гўштини. Қоқ суяқ. Булар менинг мучалимни ит деб ўйлашдими. Шуни солибдиям шукур...

У ҳил-ҳил пишган катта бўлак гўштни қошиқда олиб кўрсатди. Яна ҳайрон бўлдим. Шеригим ошпазлар ишлаётган жойга кўрсаткич бармоғини чўзиб таҳдид қилди.

— Ҳе, касбнинг уволи туттурлар. Садагаси кетай овқатни шундай хор қилсанглар, кўзларингтаям зиёни бор!

Сўнг ўгирилиб менга уқтира кетди:

— Кўряпсизми, ёғиям доғланмаган. Буни еб бўладими, ахир?

Лаззатли шўрва томогимдан аранг ўта бошлади. Коса яримламасданоқ четга суреб қўйдим. Ширин қовурма ҳам Нурмамат акадан ўз «таърифини» олди.

«Овқатшунослик» бобидаги гаплардан кейин мен шўрликнинг иштаҳасидан асар ҳам қолмади. Нурмамат ака эса ғўдрана-ғўдрана шўрвани томчи қолдирмай ичди. Қовурма солингган ликобчанинг ҳам «гулини кўрсатиб ташлади».

Нариги столдагилар орасида кулги кўтарилиди...

Шу куни очликдан қорним қулдираб юрди. Шундан кейин Нурмамат ака билан бирга овқатланмайдиган бўлдим. Бошқалар ҳам шундай. Уни сафига қўшишмайди.

Менга нима, ўзидан кўрсин, «овқатшунос»!

## ТУНГИ ШАРПАЛАР

Ёз эди. Биринчи қаватдаги уйимизнинг балконида ётардик. Тун яримдан оққандан хотиним уйғотди:

— Туринг, ҳой, туриңг. Ташқарида кимлардир шивирлашяпти.

Үйқули кўзларимни чала очиб кулоқ солдим. Дарҳақиқат, икки эркак товуши эшитиларди.

— Секинроқ, сезиб қолишмасин, — деди улардан бири — сал манқаланиб гапираётгани.

— Гўрни сезадими, тош қотиб ётишибди, — жаҳл аралаш минғирлади иккинчиси. Кўп чекса керак, томогини хириллатиб қириб қўйди.

— Секинроқ дедими! Бундан кўра баралла қичқириңг, — ғўдиллади манқа овоз асабийлашиб. — Пичноқни беринг бўёққа.

— Пичноқ баю борми. Игна олиб чиққанман.

Үйқум ўчиб кетди. Юрагим тахиокардияси бор одамларникидай безовта тепа бошлади. Кўнглим аллақаёқларга кетиб, пишиллаб ухлаб ётган болаларимга, хавотир ичидаги ярим кўтарилиб ўтирган хотинимга сўнгти бор кўраётгандай кўркув ичра қараб олдим.

Ташқаридагиларнинг баҳси давом этарди:

— Игна кор қилмайди. Шартта пичноқ тортварамиз, — деган овоздан аъзойи баданим жимирлаб кетди.

Товуш танишдай эди. Нариги йўлакдаги қўшним эмасми?

Бор журъатимни жамлаб секин жойимдан турдим. Тунги шарпалар бир нарсадан ҳадиксирашдими жим бўлишиди. Уларнинг биз томон ошиб тушишларини кутмасдан пешайвоннинг очиқ ойнасидан бошимни чиқардим. Шубҳали шахслар менга елка ўгириб туришарди. Ёпрай! Иккаласиям учинчи йўлакдаги қўшниларимку!

Юрагим сал таскин топган бўлса-да, манқанинг укки кўзлари-ю косадек муштларини эслаб иккиланиб қолдим.

— Мелисага телефон қиласизми ё... — деди хотиним қалтираб.

— Жим. Икковигаям бас келаман... биттага-битта чиқса, — жавоб бердим титроқ овозда.

Чекадиган қўшним яна томоғини қаттиқ қириб шеригидан дашном олди. Манқа қатъий оҳангда, анча баланд овозда гапириб юборди:

— Бўлди. Бошладик. Жонга тегди бунинг «пот-поти». На кечаси ҳаловат бор, на кундузи. Қийма-қийма қилмасам... отимни бошқа...

Улар биринчи йўлакка кириб кетишли. Уёғини кузатишга мажолим етмай кўрланинг тагига уриб кетдим.

... Игнанинг устида ётгандек беҳаловат тонг оттирилик. Азонда қўзим илинганд экан, биринчи йўлакда яшовчи ўсмирнинг йиглоқи овозидан уйғониб кетдим.

— Ебди-ку покришкани! Қайси қасофат қилди бу ишни? Эссиз «Муравейим». Камерини кесгандан кўра олмайсанми бутун бошли мотороллерни. Баллон топиладими энди. Онажон қаранг, ишонмасангиз... — дерди зорланаб.

Хузур қилиб керишдим. Тунда юрган қўшниларимга чинор умрини тиладим-да, оҳиста қўзимни юмдим.

Шундан бўён уйимиз оллида мотороллернинг қулоқни батанг қиладиган овози эшитилмайдиган бўлди.

## ТЕЖАМКОРЛИК

Корхонамизда ўта қурумсоқ, топганини бола-чақасигаям миннат билан егизадиган, қандай юмуши бўлмасин идоранинг ёки бирорнинг ҳисобига бажариб олишга тиришадиган одам ишлаганди. Исми Қулфиддинми ёхуд Зулфиддинмиди, аниқ

эсимда йўқ. Исли жисмига монанд, хонанишин бўлиб ўтирап, йўлақда кам кўринар, чиқса ҳам тамаки хумор қилганда пайдо бўларди.

Сигаретини ярмигача чекиб боргач, тупуги билан ўчириб ичкарига олиб кириб кетарди. Янаги чиққанида сигаретнинг қолтан ярмини тутатарди.

Ундан қулгили, шу билан бирга аянчли хотиралар қолди.

Мен у билан ёндош хонада ишлардим. Бир куни эрталаб унинг хонаси ёнидан ўтаётгандим, ичкаридан электр устаранинг бир маромда фириллаши эшитилди. Ҳайрон бўлиб эшикни очдим. Қулфиддин (ё Зулфиддин) иштиёқ билан соқол оларди. Мени кўргач, устарани ўчириб, кўришгани юмшоқ кўлинини чўзди.

— Ҳа, Қулфиддинбек, уйда ток бўлмай қолдими?

— Борийди. Лекин соқол олишгаям ток кетказиб ўтираманми, дедим. Соқол-мўйловни бундан сўғин идорада оламан. Ҳарна бўлсаям тежалгани...

Соат ўн иккilarга яқин, унинг рад қилишини билсан ҳам, тушликка таклиф этмоқчи бўлдим.

Хонасидаги стол устида электр чойнак вақирлаб қайнар, газета саҳнида икки дона қанд билан тўрт-беш бўлак нон турарди.

Кулфиддин мени хушламайгина қарши олди.

— Қани, юринг, чўзма лағмон олиб бераман. Мукофот пули тегди, — дедим унга.

— Сиз бораверинг. Энди ишхонада овқатланаман. Биласиз, улов ҳақи қимматлашган. Уйга бориб келгунча уч сўм кетади. Бунинг устига уйимизда баллонли газ. Тугаб қолса, бир ойсиз ололмаймиз. Ҳарна бўлсаям тежалгани...

Шундай қилиб, Қулфиддин қарийб ҳар куни ишдан кейин ҳам қоладиган, хонасида кийимларини дазмоллайдиган, маҳсус асбоб ишлатиб нималарнидир пайвандлайдиган, ҳатто баъзан электр парма билан алланарсаларни тешадиган бўлди.

Каттагина маош олувчи хотини ҳам ҳар хил шаҳарлардан у-бу нарса олиб келиб сотиб «савобли тижорат»га аралашиб юрувчи Қулфиддиннинг бу қадар зиқналигидан идорамиздагилардан кўпи нафратланар, айримлар ачинар, яна бирорлар эса... хайриҳоҳлик билдиради. Бошлиғимиз ҳам майдакашлик қилмайин деса керак, унга бирор дашном бермасди.

... Одатдагидек ишга келиб, шляпамни илгакка илаёт-гандим, хонада алланима тарақлаб, кимдир ё нимадир турсиллаб полға қулади, чироқ лип этиб үчди-қолди.

Чиқасолиб Құлғиддиннинг хонаси әшигини итардим. Ичкаридан қулғланган эди. Шу орада бошқа ходимлар ҳам түпланиб қолиши. Рақами ноль билан башланадиган ҳамма телефонларга шоша-пиша қўнгироқ қилинди.

Кўп ўтмай ҳар ёқдан сиренасини чалган, «милт-милт» чирогини ёққан «Тез ёрдам», ўт ўчириш машиналари этиб келди. Йўл ҳаракати тўхтаб қолди, томошаталаблар қўпайиб, ҳар хил миш-мишлар болалаб кетди. Ўт ўчирувчилар нарвонларию чангакларини тахт қилар, оқ лиbosлилар кислород баллонини кўтаришган, бир сержант бола ерни исказ из оловчи итни стаклаган...

Хонанинг әшигини бузишга қарор қилинди. «Қароқчи чоллар» киносидагидек бир давангир йигит аввал тисланиб тисланиб кейин югуриб келди-да, эшикка ўзини урди. Қипиқдан зичлаб ясалган эшик лант очилиб кетди.

Ўртадаги стол ёнида Құлғиддин ётарди. Оёқ-қўллари ёйилган, бир қўлига электр сим ўралиб қолган. Каттами-кичикми, ишқилиб фожиа рўй бергани аниқ эди. Тажрибакор, тадбиркор одамлар кўп экан. Уни бир амаллаб ҳушига келтиришиб замбилга жойлаштиришди...

Құлғиддин шу олиб кетилганича уч ой шифохонада ётди. Тузалганидан кейин ишга қайтмади.

Бир вақтлар унга қарашли хона әшиги михланиб, маҳкамлаб ташланган: унга кирадиган мард йўқ. Эшик олдидан ўтаётганлар ҳам ҳадиксираб қадам ташлашади...

## ТОМОША

Чироқ ўчиб экранга нур тушгач, ёнимдаги жойнинг эгаси келди. У ўзига қулай даражада ўрнашиб олди-да, катта ишни улдалагандек «ух» тортиб кўйди.

Бироздан сўнг унинг энгашиб юзимга тикилаётганини сездим. Бурилиб қарадим. У оғзини қулогита етказиб тиржайди:

— Ие, Эшпўлатмисан?

Бош иргаб Эшпўлатлигимни билдиридим. У маҳалламиизда вайсақилиги билан ном чиқарган Мамат гапдон эди.

— Кўринмай қолдинг жигар. Қаерларда катта бўлайпсан? — Мамат қўлимни пайпаслаб топиб қисиб қўйди.

— Ўқища...

— Ўқиб тўғри қиласан. Шу замон кимники – билимлиниги бўб қолди. Бизлар ўқимадик. Ўтириб-ўтириб энди афсус қиласман. Жойига тушармиди...

Мамат жавраб турибди, эътибор қилаяпманми, йўқми парвосига ҳам келмайди. Киножурнал тугаб, фильм бошланди. Шу заҳоти Мамат тиззасига бир урди:

— Ие, занғар, кечаги кино-ку! Билганимда кирмасдим. Ўлгидай зерикарли. Охирида уч-тўрт одам ўлади, тамом. Бори-йўғи шу.

Орқада ўтирган аёл Маматга оҳиста:

— Оғажон, илтимос... халақит бераяпсиз, – детан эди. Мамат ҳиринглади.

— Ишонмадингизми, жоним опам. Ҳализамон кўриб ишонасиз.

Экранда бир қиз пайдо бўлган эди. Маматга яна жон кирди:

— Ҳой анавини қара. Кўшниларинг Саломат пучуқнинг ўзи-ку! Ўлайин агар ўзи!

Ёнингда бирор бидирлаб тургач, экранга қараганинг билан кинонинг маъносини тушунмас экансан. Мен ҳам шу қўйга тушдим. «Мамат қаерданам кўра қолдийкан шу кинони. Акс ҳолда тинч ўтирамиди».

Гапдоннинг жаги очилган эди.

— Ҳов анави шляпали одам ҳозир иккинчи қаватдан кулайди, – деди у бармоғини экранга бигиз қилиб, у айтмаса шу воқеа содир бўлмайдигандек. – Шунча балаиддан ийқилсаям ўлмайди қиззиталоқ.

Сабрим тугади. Гапдонга шивирладим:

— Мамат ака, кетдик. Қизигамас экан...

У суюниб кетиб, дарҳол турди.

— Ана бу – ўғил боланинг гапи. Тўғри бизникига борамиз. Ариққа ташлаб қўйганим бор. Икков майдалаймиз. – Шундай дея томогини чертиб қўйди.

Энгашиб ташқарига чиқдик. Маматнинг чағир кўзларига тик қараб дедим:

— Сиз жўнайверинг. Мен кинони кўриб бораман.

Гапдон мақсадимни англаб, тўнфиллади:

— Дақыллатдигим?! Ичкарида айтсант чиқиб кетмас-мидим. Сенинг урғ-аймогинг тузук эмас-да ўзи.

У жаҳл билан бурилиб жүнали. Воқеани кузатиб турган назоратчи Холиёр бобо қулимсиради:

— Бинойи қылдинг. Асли унга шу керак эди...

Ичкарига қайтиб кирганимда шляпалик одам иккинчи қаватдан қулаёттган эди...

## ТИРТИҚ

Тақдир тақозоси билан құшни туманга күчдик. Ҳайдовчи бола тажрибасиз эканми ёки йүл нотекислик қылдими, ҳар қалай күч ортилған машина қаттық силкиниб кетди. Зарб билан сандиққа урилдим. Унинг тунука қирраси чап ёноғимни тилиб юборди.

Жароҳат жиғдійроқ экан, иккі-үч кун қасалхона нонини ейишга түғри келди. Яра тузалдию «чиройликкина» тиртиқ қолди.

Янги күчиб келған одам бекор юравермайди-ку. Ишга кириш ииятимни дилга туғиб пахта заводига бордим:

— Демак, ишга кирмоқчи экансиз-да. Майли...

Директор шу сүзлар билан кутиб олди.

У ұхжатларимни оларкан, юзимдаги яра изига ажойи-ботта қарагандай узоқ тикилди. Меннат дафтарчамни очиб күрмасданоқ сұради:

— Эски жойингиздан нега бўшатиши?

— Ўзим бўшадим. Кўчадиган эдик.

— Кўчириб юбориши, деяверинг-да.

— Ахир...

— Кечирасиз, ука, бизда бўш жой йўқ. Ҳафа бўлмайсиз.

У чап ёноғимга яна ҳадиксираб қараб қўйди.

— Ишчилар керак, деб газетага эълон берган экансизлар-ку.

Директор жавоб бермай стол тортмасини кавлай бошлади. Салдан кейин «ҳалиям турибсанми» деган мальнода қараб қўйди. Чиқиб кетишим лозимлигини, гарчи кечроқ бўлса-да, англадим.

Асли қасбим монтёрлик. Шу сабабли алоқа бўлимига равона бўлдим. Бониلىқ дабдурустдан:

— Судланганмисиз? — сұради ёноғимга қараб.

Чақкаларим лўқиллаб кетди. Кўз олдимда қизил-яшил доиралар чарх ура бошлади.

— Сиздан сўрайпман?

— Нималар деяпсиз, ўртоқ бошлиқ? Ахир...

— Нима «ахир». Юзингиз айтиб турибди-ку, кимлигингизни.

Вужудимни даҳшатли ғазаб чулғаб олди. Муштларим беихтиёр тутилиб кетибди. Қичқириб юбордим. Унга воқеани тушунтиromoқчи бўламану оғзимдан яланг:

— Би, би, би, — деган товуш чиқади, холос.

Бошлиқнинг ранги пахтадек оқариб кетди. Телефонга қўл чўзиб қичқириди.

— Яқинлашма безори! Милиция чақираман ҳозир! Сен билан пичноқлашадиган бошқа. Ҳа!

Умримда бирорвга қўл кўтармаган одам «безори» номини олиб ингичка бўлиб чиқиб кетдим. Кўчмай кетай, негаям орттиридим шу тиртиқ қургурни. Худди пичноқ билан атайлаб тилингандай.

Энди нима қилсан экан? Топдим! Қурилиш идорасига бораман-да бошлиқ ҳузурида юзимни кафтим билан бекитиб тураман. Сабабини сўраса «шу. тишим кечадан бери оғрийди» дейман. Вассалом. Агар яна шубҳаланишса-чи? У ҳолда бизни қўчириб келган ҳайдовчи болани гувоҳлик учун топишга тўғри келади.

### ЯНГИ «TOFA», «ТАРВУЗ ШЕРИК» ВА БОШҚА «ҚАРИНДОШЛАР»

Норқобилнинг бўлим бошлиғи этиб тайнинланганлиги ҳақида буйруқ чиқди. У ишни қабул қилиб, ҳужжатларни тартибга солаётган эди, эшик бош сиғар даражада очилди. Ҳисобчи Жонбўта аканинг бодрингдай чўзиқ калласи кўринди. «Ижозат берадиларми?», дей сўради назокат билан. Рухсатни ҳам кутмай кириб, ним таъзим қилди-да, Норқобилнинг ўнг кўлига ёпишиб уни кичкина, майин кафтлари орасига олди.

— Ассалому алайкум, жиянжон! Соғлиқларингиз яхшими? Опамлар, яъни табаррук волидантизнинг вақтлари хушми?

Норқобил унинг табассумидан энсаси қотди. Ҳисобчи эса бир кетмон уриб богининг ўртасидан ҳазина топгандай кувониб бидилларди:

— Жиянжон, шу десангиз, директорнинг буйруғини эшитиб бирам суюндим-ей. Буям бизнинг баҳтимиз, ахир. Э, э, шошманг жиянжон. — У Норқобилнинг бурни тагидан ниманидир ихлос билан чимдиг олиб, ерга ташлади. Норқобил ҳам хижолат бўлди, ҳам гаши келди. Ҳисобчи буни сезмай бидирлади:

— Сергалигим қурсин. Дарвоҷе, мартаба қутлуг бўлсин?

Илгари зўрга салом-алик қиласиган кимсанинг сермулозаматлигидан Норқобил ҳайрон қолди. Жонбўта ака Норқобилнинг елкасига беозор шапатилаб давом этди:

— Балли, жиян, балли. Ҳа, айтгандай, чой-пой керак бўлса, ўзимга... жиян хизматдамиз. Ҳай, мен борай. Рухсат беринг.

«Тоға» Қия юриб чиқиб кетди. Норқобил оғир юқдан халос бўлгандаи давомли «уф» тортди. Яна қофозларни титкилаётганди, эшик «тиқ», «тиқ» этди.

Хонага тилла тиш қўйдирганидан буён илжайиб юрадиган техник Аширбой кирди. Қуюқ аҳвол сўрагандан сўнг тўсатдан гинахонликка ўтди:

— Норқобил ака, қарийб ҳамсоя бўлатуриб бизнигига чиқай демайсиз. Мамаша кеча айтдилар, бир-биримизга амаки эканмиз. Оталаримиз қирқинчи йили шерикликка тарвуз экишган экан. Ҳар тарвуз бўлган экан-ей. Ишдан кейин бизнигига. Мамаша тайнинлаб қолдилар... Бир пиёла чойимиз бор, амакижон. Бўптими? Хўп дедингизми?

Норқобил Аширбойнинг илтижоли кўзларига қараб беихтиёр «майли» деб юборди.

Бўлим мудиригининг дастлабки куни ҳақиқатан ҳам сермаҳсул бўлди. Норқобил идорасидан тағин учта «қариндоши» билан топишиди. Йўл-йўлакай укали ҳам бўлди. Бу почтачи эди. Ҳат-хабарларни ўз вақтида олиб келиб турганлиги учун Норқобилнинг онаси уни «ўғлим» деяркан.

Эй Норқобил, янги вазифангда ишлайверчи, яна қанча тоға, бўла, аммаваччаларинг билан топишаркансан?

## ИЧМАСЛИКНИНГ «КАСОФАТИ»

Ичкиликбозликдан етти йиллик «тажриба»га эга бўлган Мақсадали тўсатдан ичишни ташлади. Тиб аҳдларининг телевизор, радиода чиқишилари, газетада босилган «Шиша

и чидати аждаҳо» деган мақола таъсир қилдими ё тўкилиб битаёзган обрўсининг охирги томчиларини асраб қолгиси келдими, ишқилиб ароқ ичишни тўхтатди.

Үйига одатдагидан жуда эрта қайтди. Бундан ҳайрон бўлган қўшнилар изидан пичирлашиб, айримлари анчайин раҳмдиллик билан қараб қолишиди. Тауфлисини ўзи ечиб, эшикни оҳиста очиб кириб келган эрини кўриб Ойбаланд чўчиб тушди:

— Ҳа, дадаси, тинчликми? Бугун сал бошқачароқсиз?!

— Тинчлик онаси. Ҳамиша тинчликдан берсин. Бугун эринг қарчигай стакан билан хайрлашиди. Тақвимга белгилаб қўйишинг ҳам мумкин. Ҳар йили шу кунни оиласвий байрам қиласмиз. Қалай?

Ҳар кунгидек хавотир ичидаги бурчакка қисилиб турган болалари ҳам ниманидир, яхши нарсани ҳис қилишиб яна ўйинларини давом эттиришиди.

— «Ташладим», дедингизми? Вой шўрим. Энди қўни-қўшниларнинг юзига қандай қарайман? — деди дилида туғиб турган барча аччиқ гапларини юзага чиқаролмай қолган Ойбаланд. — Кимдан азият етди, сизга? Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, ташлайверасизми. Эрталаб: «Рўзгорнинг мазаси қочди. Сизам эркакка ўхшаб вақтида гўшт-мой олиб келсангиэчи», деганимга шунчами?! Айтувдим қўювдим-да. Худога шукур, ҳеч нимадан камчилигимиз йўқ...

Хотини гўдрана-ғўдрана ошхонага чиқиб кетди. Бир коса совиган шўрвани Мақсудалининг олдига жаҳҳол билан қўйди. «Кўтар овқат-повқатингни. Бир-иккида дуруст таом едирганимидинг, менга» деган серзарда гапни кутиб жимгина ўтирди. Аксинча, Мақсудали шўрвани шапур-шупур ичиб қўйди. Буни кўриб болалар ҳам:

— Ойи, бизгаям шўрва беринг, — дея тихирлик қилишиди.

Ойбаланд уларни жеркиб солди:

— Ҳозиргина еганларинг ҳам шундай шўрва эди-да. Энди тотли бўлиб қолдими!

У «бир камим шумиди. Ароқни ташлатан бирор, балога қолган мен», деган қиёфа билан овқатни иситишга турди.

...Овқатдан сўнг ота-болалар ўйни бошларига кўтариб роса шўхлик қилишиди. Бири Мақсудалини «от қилиб» кишинатган, бири сочидан тортган. Фақат Ойбаланднинг ичита минг ваттли

лампочка ёқсаям ёримасди: «Эртага ишхонасидаги хотинлар эрларининг ичиб келиб кўрсатган «хунар»ларидан керилиб тапиришса у нима дейди. Шамсиддиннинг отаси ҳушёр келди», дейдими. Ҳаммалари ўртага олиб майна қилишар. Бу кўргилик нимаси энди?»

Эртасига Мақсадали тушда ошхонага эмас, уйига йўл олаётганидан ҳамкаслари ҳайрон қолишиди:

— Ҳа, ёрилсанг-чи, уйингда хотиржамликми? Бола-бакра омонми? — ташвишланиб сўради ёрдамчи иқтисодчи Рихситилла.

— Хотиржамлик. Ичишни ташладим. Бундан кейин сизлар билан ошхонама-ошхона бошлапиб юрмайман, — жавоб берди Мақсадали оғир гуноҳдан фориғ бўлгандек севинч билан.

— Ҳой ўртоқлар, эшитдингларми. Бир улфатдан жудо бўлибмиз. Эсиз ёшгина эди, орамиздан бевақт кетди. «Фаол ичувчи, меҳрибон шишадош. Қанча тортсаям уйини топиб борадиган сезгир ўртоқ эди. Унинг хотираси қалблари-мизда...»

— Бачканалик қилманг! — Рихситилланинг гапини кесди Мақсадали қовоғини уйиб. — Ташладим: тамом, вассалом!

Ҳамкаслар ғамгин тарзда ундан узоқлашишиди.

Тушдан кейин Мақсадалини бошлиқ йўқлатди. У ҳар доимгидек эгнини қисиб эмас, балки ғоз юриш билан бошлиқ ҳузурига кирди. Бошлиқ телефонда кимгadir: «Хўп, хўп, акаси бўйидан. Сиз айтдингиз, бизда жон қолдими. Майли хорижники бўлса хорижники-да», деярди лабининг таноби қочиб. У Мақсадалини кўргач сұхбатдоши билан апил-тапил хайрлашди. Турқи ўзгариб, деди:

— Жамоанинг орасига совуқлик солиб юрганишсиз. Бугун тушликда ресторонда нега кўринмадингиз?

— Мен, шу десангиз, уйга...

— Уй-пуйингизни билмайман. Қадамингизни билиб босинг. Уят бўлади. Ичмай қўйибди, деб эшитдим. Икки марта умумий йиғилишда «ичкилиқбоз» деб муҳокама қилганимиз малол келдими. Расмиятчилик учун эди-да, оғайни. Индинга фаррош Роҳила холанинг уйида бўладиган ўтиришдаям «Ичмайман», дерсиз ҳали. Кекса хизматчи, қирқ йилдан бўён касаба уюшмаси аъзоси нафақага чиқяпти. Танангида ўйлаб кўринг. Тантанани бузиб ўтирманг тағин.

Мақсудали бошлиқ хонасидан каловланиб чиқди. Хоналар бирин-кетин ёпилаётган, иш куни тутаган эди. Ҳамкаслари у билан хайрлашмасдан «Афанди бир куни...» дейишиб жүнаворишиди. Кетишаётиб Мақсудалини латифага қўшиб юбориши шекилли, хохолашиб бараварига орқасига қарашди. Мақсудали қадамини секинлатди. Йўлда ароқ дўкони сотувчисига дуч келди.

— Кеча савдомиз бир шишага кам бўлди, акажон. Бошқадан олдингизми ё «яримта»ни. Мендан бирор хафарчилик ўтдими ё. Доимий мижоз ҳам шунаقا бўладими, — деди у лўмбиллаб.

Савдонинг камайишига сабаб бўлган «доимий мижоз»имиз миқ этмай ўтиб кетди.

Уйлари олдидаги шийпончада уч овора биттани майдалаб ўтирган ҳамсоялари уни кўриб участка милиционеридан яширгандек яримлаб қолган бутилкани оёклари орасига олиши...

... Мана қарийб бир ойдирки. Мақсудали «оддий одам»га айланган. Эски улфатларининг кўпи саломлашмайди. Хотини ҳар куни йиғламсираб хархаша қиласди: «Бошқа эркаклардай лоақал бирор кун деворга суюниб келсангиз бўлмайдими. Ишхонамдаги аёлларнинг таъналаридан ҳам тўйиб кетдим. Уйимиздан идишоёқнинг синган товуши, кўчага ҳайдаб чиқарилган болаларнинг йигиси эшитилмай қолганига ҳам анча бўлди. Ўғилларингиз «танга беринг», деб жон-ҳолимга қўйишмайди. Соттирай десам уйда бўш шиша топилмаса. Биламан, биздан безиб юрибсиз. Ёмон бўлсам жавобимни беринг. Кетаман».

Мақсудали ўзини оғирликка олади. Ҳар кеч ўртanca ўғлининг «Ойи, отам нега ичмай қолдилар-а? Синфи-миздагилар менга кун беришмаяпти: «Ичмаснинг боласи», деб. Шундай бўлаверса, мактабта бормай қўяман...» деган минғирлаши остида аста уйқуга кетади...

## НАЗАРИ ПАСТ ЎФРИ

Рухсорбек одатдагидек эрта турди. Дўконига барвакт бориши керак: тонг саҳардан харидорлар гўзапояси бўлинаётган далага йигилган одамлардек тўпланишиб қолишгандир.

У кийиниши учун ички хонага кириб, михлангандек қотиб қолди. Кўча тарафга қараган деразалардан бирининг пишиқ

маъдандан ясалган гулчин панжараси ўйилган, ҳарир пардалар шалвираб қолган. Уйга ўғри киргани муқаррар эди.

Рухсорбек жон ҳолатда деворга сезилмайдиган қилиб ўрнатилган пўлат сандиқнинг калитини ахтариб топиб қулфига солди. Ичкаридаги тахлам-тахлам пуллар, ноёб ашёлар бутун эди.

Бир мунча енгил тортган Рухсорбек сервантни ағдартўнтар қилди. Ҳар қайсиси бир қизнинг қалинига арзийдиган биллур идишлар, нархи осмон қадар баланд жиҳозлар ҳам жой-жойида.

Навбат шифоньерга келди. Ундаги нақ Хитой бозоридан келтирилган ялтир-юлтур матолар, кўп бегуноҳ жониворлар мўйнасидан тикилган пўстину пальтоларга қўл тегизилмаган.

Рухсорбек энди хийла хотиржам бўлиб диван тагига разм солди. Қоронги экан, ҳеч нарса кўринмади. У бир фаррошнинг йиллик даромадига тенг келадиган пулга олинган қандилни ёқди. Ёнмади, электр йўқ экан. Яна ўчибди-да. Ҳар ҳафта, кўпинча кечаси икки-уч бор ўчмаса бўлмайди, бу электри курғур ҳам.

Рухсорбек ёқай деб қирқ йиллик қадрдони – лампа чироқ турадиган бурчакка қаради ва инграб юборди.

Назари паст ўғри келиб-келиб керосин лампани ўмарид кетган экан!

## ФАРОЙИБ ШАХМАТЧИ

Шифохонага ҳар хил табиатли одам тушар экан. Ҳамхонамиз паканагина, серҳаракат Маллаев ҳам шундайлардан. У аллақаердан ранги ўчиб кетган шахмат топиб олган. Жон-ҳолимизга қўймай ўйнатади. Ютқазса тиззинглайди.

Тезда унинг феълига тушуниб олдик. Унга ўйинни устмавуст бой берадиган бўлдик. Фолиб Маллаев энди бизни писанд қилмай, бошқа палаталарда турнир ўтказиб келадиган бўлди.

Янги bemor келди-ю Маллаевнинг, айниқса, бизнинг оромимиз кетди. Тунд баҳарали, танлаб чекадиган, новча бу одам нўрлик Маллаевнинг кўзини очирмас, «кишт», «мот» деб турарди.

Бечора Маллаев туни билан у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб, игна ютгандай уйқу нималигини билмай чиқар эди. Юракдан чиқариб урган «оҳ»лари қалбимизга тиғдек қадаларди. Бинойидек соғайиб келаётган, «насиб бўлса янаги ҳафта чиқаман», деб юрган Маллаев яна чўқди-қолди. Врачлар ташвишга тушиб унинг атрофида гирдикапалак.

Барибири энди аввалги Маллаев йўқ эди.

Кунларнинг бирида Маллаевнинг рентгенга кетганидан фойдаланиб тунд башарани ўртага олдик. Икки соатча тавалло қилиб, уни бир марта ютиб, икки марта ютқазишга қўндиридик. «Софайиб чиққанларингиздан кейин чинакамига ўйнайсизлар», дедик.

Гапимиз ерда қолмади. Маллаевнинг рақиби гоҳ «кўрмай қолиб» фарзинини текинга берар, гоҳ жўрттага шоҳини сиртмоққа солиб қўярди. Бу унга оғир ботса керак, ютқазганида башараси кулранг туста кириб кетарди.

Маллаевни кўрсангиз. У нақ саккизинчи қитъани кашф қилгандай оғзи қулоғида. Врачлар ҳам унинг тез тузалаётганидан хурсанд эдилар.

Дарвоқе, мен тезда шифохонадан чиқиб кетдим. Яқинда Маллаев яна оғирлашибди, деб эшийтдим: тунд башара бизга берган ваъдасини бузганга ўхшайди.

### ЭСГА СОЛАСИЗ-ДА...

Йўлланма билан ишга келган куним эди. Бошлиқ ҳузурига кирдим. Пуфак ютгандай қорин кўйган, соchlарини фарқ очиб тараган ҳаракатчангина киши экан. Менинг тасаввуримда эса у узун бўйли, кенг пешонали, ўзига ярашган мўйловли киши бўлиши лозимдай эди. У пишиллаб ҳужжатларимни кўрди-да, деди:

— Эртадан буйруқ берамиз. Эсимга соласиз.

Бош иргаб чиқиб кетдим. Кабинетни кўздан кечирар эканман, ўйлардим. «Талабчан кишига ўхшайди. Кўл остидагиларни сергакликка ўргатар экан, шекишли. Менга «Эсимга соласиз» дегани «ҳозирдан эс-хушиングни йиғиб юр, мен шуни истайман» деганимикан?»

Хаёлларимни телефон жарангти тит-пит қилиб юборди. Иккиланибгина гўшакни кўтардим.

— Алло!

— Турдиевман. Ҳокимиятданман. Бошлиғингизнинг телефони ишламаяпти, шекилли. Кириб айтинг, эртага түккізда мажлис!

Бошлиққа кириб айтдим. У бурнини жийирган эди, құзойнаги күтарилди. Ҳарсиллаб минғирлади:

— Яхши. Эрталаб сакқизда эсга соласиз-да..

Бир оздан сұнг яна телефон жириңглади.

— Индинга бошқармадан комиссия боради. Қобил Зобиловичга айтинг, документларни тайёрлаб қўйсин.

Қобил Зобиловичга кириб бу гапни ҳам етказдим. У тағин бурун воситасида қўзойнагини тўғрилади.

— Индинга эсга соласиз, келишдикми?

Бу сафар бошлиқнинг ўзини телефонга чақириб қолиши. Каттароқ раҳбар бўлса керак, қироат оҳангига мулоим гапирди.

Қобил Зобиловичнинг олдига анча бетакалуф кириб уни сўрашаёттанини айтдим.

— Ҳозир, плашимни кияй. Чиқаман. Эсимга соласиз-да... Унинг бурни жийирилди. Мен эса бу таҳлит эсар бошлиқнинг олдидан анграйиб чиқиб кетдим.

## «МАЖЛИСИЙ»

«Мажлисий» деганимиз «Қиссаи Сайфулмулук» дос-тонини битган классик шоир эмас, идорамиздаги учинчи ўринбосар Чоршанби Файзиевич. Шўртант нарсага бошқоронги бўлган хотинлардек, мажлисга жуда ўч. Иккичу одам сұхбатлашиб турган бўлсаям регламент белгилагиси, шу йиғилишга раислик қилгиси келади. Идорамиздами, бошқармадами, ҳокимиятдами, хуллас, қаерда йиғилиш чақирилмасин, олдин шу киши сезади. Хонама-хона кириб хабарлаб юради. Йиғилишга айтиб чиқиб кетса ҳам баҳарнав эди, у ялпайиб ўтириб олиб, мажлисда нима масала кўрилиши, кимлар мақталиб, кимларнинг «пўстаги»га таёқ тегиши, юқоридан кимлар қатнашиши ҳақида оғзининг таноби қочиб ахборот беради. Унинг шундай ташрифларидан кейин кўпчилик севинса, аксариятнинг қўли ишга бормай қолади. Танқид эмнинг игнасию, аммо баданни оғритиб санчилади-да.

Мажлисийни йиғилиш куни күрганмисиз? У мажлиста айтилган одамларнинг барчаси жамулжам бўлгач, ҳайъат столига яқин келиб, ўзи яратган гулзорга ифтихор билан разм солтан боғбондек, залга суқланиб кўз югуртиради. Бирорлар билан бош ирғаб саломлашади, кимгадир маъноли кўз қисади, аллакимга ёнидаги шеригини имлаб кўрсатади. «Ўртоқ Салмонов, шу ердамисиз», «Эшон ака, қийналмай етиб келдингизми?» деган кўйи «йўқлама» ўтказиб олади.

Хуллас, у анжуманнинг гули. Адлия кишилари сингари барча йиғилишларга бир хил кийимда келади. Қоп-қора костюмининг кўкрак чўнтағидаги учи атайлаб чиқариб қўйилган блокнотнинг бир варафи, ўнг кўксидаги олий маълумот нишони, холдор галстутию пианинонинг қопқоғидай ялтиллаган туфлиси унга ўзгача чирой беради.

Йиғилишларда президиумнинг олдинги қаторларидан жой олиб, мажлис очилаётганда чуқур «ўй»га толганча блокнотига нималарнидир – «зарур нарсаларни» қайд этиб ўтиради. Анча хаёлга чўмиб яна ёзади. Ўчиради. Ёнидаги кишига энгашганича пичирлаб бир нималарни келишиб олади. Столдаги графиндан стаканга озгина сув қуяди-да, тағин жойига суриб қўйишини «унутади». Бу йиғилиш давомида қалам чертиб-чертиб залда «тартиб сақлаш» учун керак.

Мажлисий ҳар бир йиғилишнинг охирроғида сўз олади. Унинг номи эълон қилингач, залдагилар енгиллашиб, эркин тин олади. Лекин улар янглишган бўладилар. Негаки, Мажлисий бир соат вақтларини олишини билмайдилар-да. У гапни халқаро аҳволдан бошлаб, мамлакат, вилоят ҳамда туман ички аҳборотига ўтади. Шундан кейингина «Барча қатори идорамиз аҳил жамоаси ҳам...» дея масалага қўчади. Сўзини тугатгач, қарсақлар босилгунча бир зум минбарда ҳаяллаб, сўнг ним таъзим қилади-да, жойига бориб ўтиргач, пешонасини бизга таниш ҳаракатлари билан обдон артади. Ёнидаги кишига кулимсираб, маърузасининг баҳосини тасдиқлатиб олади.

Ёрдамчи бухгалтер Эрмат ака Мажлисий тайинлаб кетган йиғилишлардан бирига қатнашолмай қолди. Мажлисий жўжасини бургутга олдирган она товуқдек ҳурпайиб ўтириди. Maxsus сўз сўраб, Эрмат аканинг гўрига сиртдан роса фишт қалади. «Димоғдор одам. Маъмуриятни менсимай

күйди. Жилла қурса мажлис ҳайъатини, шу ерда йиғилган сиз қора күзларни ҳурмат қиласа бўлмасмиди. Принципга тўғри келмайди, деб баҳолайман буни. Менинг шахсий фикрим шу! Аммо буни сизлар, энг аввало муҳтарам бошлиғимиз Басир Носирович ҳам маъқуллайди. Биз шубҳасиз...»

Ҳозиргина номи тилга олинган Басир Носировичнинг йўғон овози Мажлисийнинг томоғидан ғиппа бўғди:

— Эрматали ака мендан сўраб кетган. Тоғдаги жияни вафот этган.

Мажлисий бир зум қаловланиб қолди. Ёмғирда қолган полапондек, елкасини қисиб олди ва минғиллади:

— Бандачилик бу, бироқ йиғилиш аҳлиниң ҳурмати...

— Бўлди, бас қилинг. Вақтингиз тугади, — чўрт кесди раислик қилувчи ўрнидан шахт кўтарилиб.

Мажлисий минбардан бемалол тушаётганида залдан сўнти киши шошилиб чиқаётган эди...

Турдош иккита идора бирлаштирилиб, бошлиқ ҳам ўзгарди, шароит ҳам. «Мажлисий» энди кадрлар бўлимини бошқаради.

Боплиқ бош мутахассисларни ҳузурига чақирди. Гарчи таклиф қилинмаган бўлса-да, Мажлисий ҳам сабоққа кечиккан талабадек эшикни қия очди. Эътибор беришмага, бир бурчакка қисилди. Бошлиқ «беш минутлик»ни очаркан, Мажлисийга нигоҳи тушиб, пешонасига ажин тушди.

— Чоршанба ака, сиз бораверинг. Янги ишчилар келган. Шуларнинг ҳужжатларини расмийлаштиring.

Мажлисий офтоб урган ниҳолдек шалпайиб кўзларини жовдиратди.

— Ижозатингиз билан... Айтсан... Икки оғизгина сўз тайёрлаб кирганман...

— Айтилган ишни қилишга ўрганиш керак, ўртоқ Файзиев! — бу гал бошлиқнинг овози таҳдидли эди.

Мажлисий безгак тутгандек қалтираб чиқиб кетди...

Яқинда Мажлисийни автобусда кўриб қолдим. Биздан «ўз аризасига биноан» бўшаб кетганига уч ойдан ошган. У мажлисбоп кийимида орқа салондагиларга қўлларини пахса қилиб жаварради.

Унга ўзимни сездирмасликка уриниб дастлабки бекатдаёқ олдинги эшикдан тушиб қолдим.

## ИМПРОВИЗАЦИЯ

Үртамиёна актёр Набиқүзиев саңнага чиқадиган бўлди. Хотинининг гапини икки қилмайдиган эр – Ҳалим ролини ўйнайди. Режиссёр хавотирда. Хизмат кўрсатган артист Боқиев бетоб. Набиқүзиев унинг дублёри, аммо шу ролда саҳнада кўринмаганди. Ишқилиб эпласа яхши-я.

Мана Набиқүзиев – ландовур эр томошабинлар ҳузурида. Унинг ҳийла шошиб қолгани зоҳиран сезилиб турарди. Режиссёрининг интичка бўйни, кафтдек пешонасида совуқ маржонлар ялтиради.

Қадамларини журъатсиз босаётган, овози гуноҳкор боланикидай қалтираб чиқаётган Ҳалим хотинини кўриши билан ўзгарди-қолди. Сал букик қадди тикланиб, ўзи виқорли тус олди. Сўлғин юзларида ўқтамлик, жасорат жилваланди. Асар бўйича хотин: «Ҳей, юмшоқ супурги. Аммамнинг бузофига ўхшаб ўтираверасизми!» деганида, Ҳалим: «Не қилай, пойингиз остидаги пойандозман», деб ўзини хокисор тутиши керак эди. Аммо унинг лабидан: «Нима дединг, яна бир қайтар! Сени нақ отангнинг остонасида кўрсатаман!» деган газабли сўзлар отилиб чиқа бошлади.

Залда бирданига қийқириқ, кулги бошланди.

Режиссёр кузги баргдек титраб кетди. Чўнтағидан валидол олиб қурий бошлаган тилининг тагига ташлади: «Айтмадимми. Қовун туширди. Ўзимам сезгандим. Кечаги тушим беҳуда эмас экан».

У стулга беҳол чўкиб қолди.

Саҳнада даҳанаки жанг давом этарди. Режиссёр чап кўкрагини фижимлаб кузатиб турди: «Ҳозир Ҳалим чамадонини олиб чиқиб кетади. Йигламсираб уч марта «хайр» дейди. Асарнинг авж нуқтаси бу. Ие, бу қанақаси! Нега Ҳалим лаш-лушларини йиғиштирумаяпти. Аксинча, сатанг хотини: «Бўлди, жонимдан тўйдим. Кетаман. Учта тоғдек оғаниниларим кўчада қолдирмас», деб фифон қилаяптими! Бу диалог оригиналда йўқ эди-ку?! Нималар бўляпти ўзи! Шарманда қилди. Набиқүзиев! Асли бугун спектаклни қолдириш керакмиди! Томошабинлар олдида нима деган одам бўлдим! Ықтидорли режиссёр, саҳна оламининг паҳлавони деган мақтовлар қаерга кетди энди! Тамом! Ҳаммага мазах бўлди. Ана одамлар роса кулишяпти.

Режиссёрнинг хаёлларини яна қарсаклар тулдуроси «тит-піт» қилиб юборди. Қараса, зал оёққа туриб Набиқўзиевни олқишиламоқда, у саҳнани тарқ этган бўлса-да, мухлислар қайта таклиф этишарди.

Режиссёр энди тушунди. Чехраси ёришиб кетди. Қалбида Набиқўзиевга эҳтиром уйғонди. Беихтиёр ўзи ҳам қарсакка кўшилди.

...Дарвоқе, қобилиятысиз саналиб келаётган Набиқўзиевнинг бугунги муваффақиятида зигирдаккина сир бор. Сатанг аёл ролида чиққан артистка унинг хотини бўлиб, Набиқўзиев саҳнада устунлик қилган эди.

# ҲИКОЯЛАР



## БИР КОСА СУВ

Июль кунларининг бирида отам билан молхона деворини тиклаётган эдик. Мен капча белда лой узатар, отам эса пахса уради.

Күёш елкага аччиқ игна санчмоқда. Бу ғашимни келтирап, иш тезроқ тутасайди, деб беҳаловат бўлардим. Бўғотдаги жуфт мусича «Буларга нима зарур экан, офтобда куйиб» дегандай жимгина бизга тикилади. Уларнинг сояда ўтириниларига ҳasadим келади.

Тупроқ кўчадан велосипедли нотаниш одам ўта туриб, ёнимизда тўхтади. «Ҳормангизлар», деганича келиб отамга кўл чўзди. Отам кўришгани билагини тутди. Соқолли бўлса ҳам, ёшроқ эканлиги билиниб турган киши илтимос билан деди:

- Ака, яхтай сувларингиз бўлса, ичсак...
- Сувдан кўра чалоб ичиб кетинг.
- Иш зарил, ака. Раҳмат.
- Майли, хушингиз.

Отам шундай дея менга қаради. Ишдан сал бўлса-да, узилганимдан хурсанд ҳолда уйга югурдим. Кўздан сув олиб келиб соқолли кишига тутдим. У «ҳо, балли йигит» дея косани олди. Сўнгра бир қултум сув билан оғзини чайқади-да косадагини симирди. Белидан гулнинг нусхаси чекилган қийифини ечиб юзини, бўйини артди. Кейин «Раҳмат, сувдай сероб бўлингизлар», деб йўлига равона бўлди.

... Орадан икки ойча ўтди. Кунларнинг бирида ҳовлимиз эшиги тақиллади. Чиқдим: ёзда сув сўраган одам эди. У кулиб саломлашди.

- Лойчи йигит, ака уйдами?
- Ҳа.
- Ҷақириб чиқинг...

Отам чиқди. Улар илиқ кўришишди.

- Ака, танидингизми. Ёзда учрашгандик.
- Ие, танимай нима. Қани ичкарига тортинг...
- Раҳмат, ака. Яқинда ўғилни уйлаяпмиз. Болаларингизни олиб борасиз. Бормай қолманг. Лойчи йигит, сиз ҳам...

Кўйнидан бир даста таклифнома чиқариб, бирини отамга узатди.

Велосипедини бардам ҳайдаб кетаётган киши орқасидан отам анча қараб турди-да, менга маъноли кулимсираб қўйди.

Мен эса бир коса сув туфайли отам билан нотаниш амаки ўртасида нимадир, яхши нарса — меҳр риштаси пайдо бўлганини фаҳмлаётган эдим.

## НИҲОЛЛАР

Сатторларнинг оиласи бу ерга кўчиб келганида узун поездни эслатувчи икки қаватли уйнинг олди яйдоқ эди. Дов-дараҳтларга меҳр қўйган Саттор «бир қишлоқнинг аҳолиси жой бўлган» уйда қишини бетоқатлик билан кечирди. Баҳор келгач отаси билан бозордан бир қулоқ ниҳол олиб келиб уй олдига экди. Бештаси — уч ўрик, икки шафтоли амал қилди. Саттор саҳар туриб ярим чақиримдаги «бетон тўнли» каналдан чепаклаб сув ташир, ҳали мўйлови сабза урмаган боғбоннинг ҳаракатларини пешайвондан кузатиб турган ҳамсояларининг лоқайд назарлари остида ниҳоллар тагига қуярди. Қувур сувидан суғоришга кўнгли бўлмас, хлори ниҳолларни қуригади, деб ўйларди.

Қишлоқдан гўнг келтириб тупроққа солди. Кучатлар теграсини тезда турли ўт-ўланлар босди. «Ниҳолларга мадал бўлади», деб уларни чопиб ташламади. Парвариши яхши бўлдими, дам олиб ётган ер узоқ кутиб фарзанд кўрган онадек кўчатларни ардоқлаб етиштириди. Улар қувур сувига ҳам «ўрганиб қолишли». Саттор мактабдан қайтгач баргларнинг шивир-шивирига маҳлиё бўлиб елим ичакдан дараҳтларнинг бош бармоқдай таналарини ювади. Ўрик, шафтолилар зилол ҳовузда чўмилган дуркун қизлардек яшнаб кетардилар.

Кўп ўтмай дараҳтлар ёнида қўлбола ўриндиқ пайдо бўлди. Дам олиш кунлари қўшниларнинг гурунгларию «кишт», «мот» деган овозлар эшитиладиган бўлди.

Қишилари – совуқ еллар эса бошлаганида күчатлар ростакам дараҳтларга айланғанди. Саттор уларнинг танасига полиэтилен қофоз ўради. Теварагини пастаккина панжара билан айлантириди.

... Ҳаёт тақозоси билан Сатторнинг отаси вилоятга ишга тайинланди. Күчиб кетадиган кунлари Саттор дараҳтлар билан хайрлашаётгандай уларнинг атрофида хомуш айланиб юрди. «Аттанг. Яна бир-икки йил турсак, бу ерни боғ қилиб юборардим», дея хаёлидан кечирди.

Ойлар ўтди. Ёз охирларидаги Сатторнинг йўли шу томонларга тушиди. Икки қаватли уй жойлашган кўяуга кирди. У улуғ бир воқса олдидаги тургандай ҳаяжонда эди. Қадрдан бўлиб қолган уйларига яқинлашаркан, қотиб қолди.

«Ие, дараҳтлар қани?! Аnavи катаклар нима? Товуқхона. Наригиси-чи? Чала иморат... Ўрик, шафтолилар қани?».

Сатторнинг дараҳтлари ўрнида оқ бронза рангга бўялган тунука сарой турарди! Ўсмирнинг аъзойи баданига титроқ кирди. Сарой ёнидаги кўк тусли «Жигули» олдидаги каттакон очқич ушлаган тепакал, бадани хамирдек кўпчиган киши уймалашарди. Сатторнинг кўзига у яқин одамини қатл этаётган жаллодга ўхшаб кўринди.

Саттор киприклари намланганини бирор-ярим пайқаб қолмасин, деган ўйда кўзларини тезгина артди-да, шиддат билан ортига қайтди.

Унинг кўксидаги интиҳосиз алам, тунука сарой эгасига, собиқ қўшниларига нисбатан қиёслаб бўлмайдиган нафрат ўйғонганди.

## ЎЧМАС НОМ

Уч тут тоғ этагидаги юз-юз йигирма хонадонли қишлоқ. Қайси йилидир баҳор серёмғир бўлди. Қишлоққа бот-бот сел келиб турди. Энсизгина дарёнинг қирғоқлари оч қизғиш лойқа билан қопланиб ётди. Сел томир-томири билан қўпорилган дараҳтлар, турли ҳайвонларнинг маслиқлари, ҳарилар ва яна алланимабалоларни оқизиб келарди. Салмоқли талофат кўрилган эмас. Шундай бўлса-да, қишлоқ хотиржам ухламасди.

Якшанба кечта яқин ҳавонинг қовоғи осилди. Кўкка қуюқ, қора булат ҳоким бўлиб, довуччадек дўл аралаш

ёмғир ура бошлади. Кишилар ҳовлидаги лаш-лушларини ичкарига, молларини құрага солишта шошилишди. Дүл ҳадегандай тиндию лекин ёмғир әлакдан савалагандек майдалаб турди.

Абдусамад зоологиядан берилған мавзуны тағин бир ўқиб чиқди-да, ҳарбийдаги акасига хат ёзди. Столнинг устини йиғишистириди. Елласига ёмғирпүшини ташлағанда ташқарига чиқди ва юраги ҳаприқиб кетди. Дарё тарафдан кучли шовуллаш – сел даракчиси эшитиларди.

Абдусамад марказий күчата чиқди. Күча юзи ғайритабиий ялтирап, сув босғанди. Сув шитир-шитир қилиб ёйилар, йўл четидаги ўзаноя ғарами тагидаги сичқон инларига қўйиларди. Абдусамад снгилгина шиппакда турганини энди пайқади. Оёғи сувга ботиб бадани жунжиқди. Беихтиёр ёмғирпүшга маҳкамроқ ўранди. Қоқ тепада кучсизгина момақалдироқ гулдиради. Салдан кейин ўн-ўн беш афсонавий дев наъра тортгандай гулдурос қулоқни батанг қилди. Ёмғир шарроси кучайди. Чақмоқ само бағрини тилди.

«Наҳотки Учтутни сел босса. Унда уйлар, одамлар нима бўлади?» Абдусамад гуп-гуп қулаётган уйлар, селда қолган қишлоқни кўз олдига келтириб даҳшатта тушди. Селнинг нималарга қодирлигини Менгнор момодан эшитган. Етмишлардан оштан, Менгнор гиламдўз деб машҳур бўлган момонинг уйида ёлғиз қолгани Абдусамаднинг лоп этиб эсига тушди. Момонинг келини Муҳтарам икки кундирки, туфуруқхонада кўзи ёрий олмай ётибди. Вилоятдан доктор чақиртиришибди. Ўғли Бердиёр эса туфуруқхона эшигига бойлаб кўйилгандай, ичкаридан чиққаннинг оғзига термулиб ўтиради.

«Менгнор момонинг ҳоли нима кечди экан? Уйи қишлоқнинг четида, дарёга ёndoш. Тез хабар олишим керак!» Абдусамад сувни шалоплатиб дарё тарафга югуриб кетди.

Селнинг шовуллаши тобора яқинлашарди. Абдусамад туртина-сурина Менгнор момонинг ҳовлисига этиб келди. Дарвоза очиқ, ҳовли юзини анчагина сув босган. Товуқлар катагига сув кирган шекилли, кўрқа-писа қуқулашади. Айвон тагидаги мотоциклнинг суюнчиғи ерга ботиб қулади. Абдусамад уйнинг эшигини тортди. Очилмади. Жон-жаҳди билан тақиллата бошлади. Ниҳоят калит шақирлаб, эшик очилди. Кампирнинг боши кўринди.

- Бердиёрмисан, келдингми, чирогим?
- Йўқ, Менгнор момо, мен Тоғай аканинг ўғли Абдусамадман. Тез бўлинг, сел босаяпти!
- Ҳи, и, и... — кампир алланарсаларни пиширлаб каловланганича калишини тополмай тимирскиланарди.

Абдусамад момони етаклаб чиқди. Сал юришгач қадам босиш осонлашди. Уйларда чироқ ёнган, эркаклар шошилинч ариқча қазишарди. Абдусамад кампирни уйларига киритиб, зудлик билан орқага қайтди. Юргилаб Менгнор момонинг ҳовлисига етиб келди. Уй биқинидаги молхонани очиб, сигирни ташқарига ҳайдади. Жонивор «хиш-хиш»лаб пишқириб боланинг измига бўйсунди.

Абдусамад уйнинг очиқ қолган эшигини ёпиш учун қайтди: «Агар ёпмаса сув ичкаридаги бор нарсани оқизиб чиқади».

Сув тўпиқдан юқорилаган, олға юриш хийла мушкул эди. Абдусамаднинг кўз ўнгидаги касалхонанинг оппоқ тўшаги, қийналиб ётган Муҳтарам, бедорликдан кўзлари киртайиб қолган Бердиёр тавдаланди. Уларни ўйлаб кучига куч қўшилгандай бўлди.

Эшикни ёпгач Абдусамад кўчага интилди. Ҳовли бетида узун-калта тахталар, чала ёнган ўтин қолдиқлари, мол тезаклари сузиб юрарди. Абдусамад анча толиққанини ҳис этди. Шундай бўлса-да, илгарилайверди. Катта кўчадаги сел оқими босилган қадамни орқага кетказарди. Абдусамад сал нафасини ростлаш учун тўхтади. Елкаси билан деворга сунди. Қанча турганини билмайди, деворнинг оғаётганини... кеч пайқади. Эски девор залвар билан нуради. Навниҳол вужудни остига олди...

Қалбларни эзib юборадиган момоқалдироқ гумбурлади. Қоп-қора осмон бу фожиага айбдордек қовофини баттар уйиб олди. Сел манфур мақсадига етгандай аста-секин кучлизланди.

... Абдусамаднинг жасади эртасига топилди. Дафн куни мактабда дарс бўлмади. Номи еттинчи синф рўйхатида абадий қолдирилди.

Айтгандай, Бердиёр билан Муҳтарам ўғилли бўлишди. Менгнор момо Абдусамаднинг номи ўчмасин, деб чақалоқقا унинг исмини қўйди.

## ҚОТИЛ УСТА

Отаси уста Шоберди билан ҳовлига кирганида, Жуман чорпояда мушугини силаб ўтиради. Машхур устани эргаштириб келганидан Хушбоқ aka мамнун кўринарди. Жойидан иргиб туриб салом берган Жуманга одатдагидан қувноқроқ овозда деди:

— Ота ўғли, бобонгизнинг қўлини чайдиринг...

Жуман эски бўлса ҳам ярқиратиб қўйилган мис обдастадан устанинг қўлига уч марта сув қўйди. Қўли ҳалоллатилганидан бўён унга шундай ҳукуқ берилган. Унинг чақон ҳаракатларини отаси ифтихор билан кузатиб турди. Хушбоқ aka Жуманнинг меҳмонлар қўлини ювдиришни ёқтирап, ўн тўртга қадам қўйган ўғлининг одобида улуши борлигидан хушнуд эди.

Меҳмон сўрига чиқиб беқасам кўрпачага чордана қургач, Жуман дастурхон олиб чиқди. Дастурхон ёзилиб, тўнглаган қовурдоқ ва чой келтирилгач, отаси Жуманни ҳам сўрига таклиф этди. Отасининг иродасига кўра у чорпоя четига омонатгина ўтириди.

Бу тараддулларга боятдан бери жимгина тикилиб ўтирган мушуги келиб Жуманга аввал боши, кейин танаси билан суйкалди. Дастурхонга қараб чўзиб миёвлади. Уста Шоберди бир бўлак гўштнинг суягини ажратиб мушукка ташлагач, норози оҳангда: «пишт, отинг ўчтур», леб нарига ҳайда-ди. Жонивор қоқ суякни исқади-да, тағин ғамгин миёвлади.

Жуман чидолмай катта бўлак гўнитни олиб сўридан пастга ирғитди. Мушук бир ҳамлада уни олиб панага югурди.

Хушбоқ aka хижолатпазлик билан қовоқ уйди. Уста Шоберди мазмунли томоқ қириб, чойни қайтара бошлади ва ўртадаги жимликни бузди:

— Ит, мушук деган нарсанинг раъйига қарасант, насибангни оғзингдан олишдан ҳам тоймайди.

Хушбоқ aka яширин ғазаб билан ўғлига қараб қўйди. Жуман муз тортиб сўридан тушди. Отасининг таъқибли нитоҳи остида уйга кириб кетди...

... Уч кундирки, уста Шоберди девор тикламоқда. У гоҳ Жуман, гоҳ Хушбоқ aka узатиб турган гиштларни акро-

батлардай абжирлик билан илиб олиб одам бўйи бўлиб қолган деворга қўяр, иш орасида: «Жавзо кирса саратонни қайтаман...» деб хиргойи қиласди. Шундагина унинг қалин қовоқлари сал очилар, понага ўхшаш сарғиш соқоли орасидаги жийдаранг лабларидан ғайритабиий, ярашмаган табассум учарди.

У масъул кишилардек белгиланган вақтда тушликка чиқарди. Уста дастурхонга «эгалик» қилгач, Жуман дастлабки кундаги воқеани эслаб, тушлик тугагунча мушугини ичкари хонага қамаб қўярди. Мушукнинг аянчли, айни маҳалда юракка ваҳима солувчи овози анчагача эшитилиб, сўнгра жим бўларди. Тушлик тугагач, уста Шоберди ишга уннаб кетарди. Хушбоқ аканинг: «Уста, пича қуёш қайтсин. Иш қочиб кетадими?», деганига одатдагидай жавоб берарди:

— Дам олиб ётаверсам, қапамни қаердан топаман?

Ҳар кунгидек уста тушликка тайёрланаётганида Жуман мушугини ахтариб қолди. Ҳеч қаерда кўринмади. «Сичқон-пичқон овлаб юргандир-да», деб ўйлади бола. Бошқа изламади.

---

### ҲАССОС ЖУРНАЛИСТ

1983 йилда эндигинна ташкил этилган туман газетасига ишига келганимда Муртоз Тўрақулов муҳаррир, унинг ўринbosари Ҳўжамурод Тоштемиров эди. Ҳўжамурод ака ёзган ҳажвия, мақола, ҳикояларни машинкада кўчириб улгуролмасдик.

1984 йилдан сўнг Ҳўжамурод ака ёзганларининг деярли барчасини ўзим машинкада терганман. У киши ажойиб табиатли инсон эди. Кейинчалик газета муҳаррири лавозимида ишлаганида ҳам ҳеч кимга қўйол муомала қилимас, мабодо ишга кеч қолсанк ёки бирор ножўя хатти-ҳаракат қилсанк, кўзойнаги остидан бир қараб қўяр эди. Ана шу биргина нигоҳ биз учун етарли бўларди.

Ҳўжамурод ака кўп на хўп ёзарди. Унинг ҳажвиялари газетамизнинг ҳар бир сонида, ундан ташқари, «Муштум» журналида ва бошқа марказий газеталарда тез-тез чоп этиларди.

Мен ана шундай иқтидорли, ҳассос журналист билан бақамти ишлаганимдан ҳозиргача фахрланиб юраман.

*Саодат Қобулова,  
«Ангор ёғдуси» газетаси ходими*

Уста ҳовури чиқиб турган қайнатмага ёғли патир тўғраб егач, устидан чалоб симирди. Бир оз ёнбошлагач, ишга турди. Янги девор олдига ўрнатилган «ёғоч эшак»ка чиқиб, баргимон андавасининг қирраси билан гиштни иккига бўлди. Ярми устанинг қўлида қолди, иккинчи бўллаги ичкарига тушди. Шу пайт қулоқни тешгудек кўрқинчли овоз эшитилди. Ҳали эшиги қўндирилмаган хонадан боши қип-қизил қонга бўялган мушук югуриб чиқди. Бошини силкитиб ўзини ҳар томонга ура бошлади.

— Кўринмади десам, сояни топган экан-да, энағар, — деди уста баланддан. — Калласига ғишт тушди шекилли...

Мушукнинг жон талашиб қилаётган ҳаракатларидан чўчинқираб ёнига йўлай олмай турган Жуманга бу гап: «Хайрият, ниҳоят бошига ғишт тушди», дегандек эшитилди. Устага қарамасликка интилиб мушукни ушламоқчи, бафрига босмоқчи бўлди. Қўлини узатиб бирдан тортиб олди: жониворнинг ўнг кўзи хонасидан чиқиб кетган, бир қулоги юлиниб, осилиб ётар, мажақланган калласи анорни эслатарди. Мушук бошини тупроққа бир неча бор ишқаб, жон-жаҳди билан олдинга югарди. Жуман изидан чопди.

Мушук забт билан бориб ўзини товуқ катагига урди. Иссиқдан танглай қоқиб турган товуқлар бесаранжом қақиллашди ва ҳар томонга тарқалиб кетишли. Ичкаридан мушукнинг типирчилаши бир муддат эшитилиб туриб, тинчиб қолди.

— Тамом! — деди Жуман изтироб ичида.

Кўзларига иссиққина ёш қўйилиб келди. Боши лўқиллаб, қовоғининг устида санчиқ пайдо бўлди. Кимгадир таҳдид қилаётгандай кичкина муштлари тугилди. Унинг борлиғи даҳшатли фазаб оғушида эди.

— Ие, катта-матта йигит йиғлаляптими?

Устанинг кинояли товуши Жуманнинг вужудини титратиб юборгандай бўлди. Ҳам аччиқ, ҳам алам чулғовида ортига қаради. Уста Шобердининг юзидати хотиржамлик, хижолатсизлик унинг ҳозир-ҳозир қаҳқаҳа уриб юборишини билдиравди.

— Бир ҳаром пишаккам шунчами? Думидан ушлаб чиқариб ташла. Ажали етса одам ўлаяпти-ку! — деди уста лоқайдгина.

— Ундај бўлса... ўлинг ўзингиз! — дея қичқирди Жуман ва қаттиқ ўкраб юборди.

Отасининг: «Ҳей, тилинг кесилгур, ў chir овозингни!» дегани элас-элас қулогига чалинди. Шахт ўтирилиб, чопганича ҳовлидан чиқиб кетди.

... Уста ишини тутатиб кетмагунча Жуман қўшни қишлоқдаги момолариникда юрди. Отасининг бир-икки марта: «Юр энди, укаларинг соғиниб кун бермаяпти...» деб борганига қарамай қайтмади. Устага қўзи тушса, мушугининг ваҳший қотилини кўргандай бўларди гёё.

## ТАҚДИР ҲУКМИ

Уста Чўтмат қишлоғимизнинг обрўли, айтган гапи инобатсиз қолмайдиган кишиси эди. Катта-кичик маъракаларда унга тўрдан жой кўрсатиларди. Молнинг пишган калла-почаси дастурхонга кўйилса уни уста Чўтмат тақсимларди. «Устали эл тузалар, устасиз эл бузилар», деганларидек, қишлоғимиздаги барча уйларнинг деворида уста бармоқларининг изи бор. Уни узоқ-яқинлардаги қишлоқлардан ҳам йўқлаб келиб, олиб кетишарди. Устага уй тиклатганлар эса «Бизнинг уйни кимсан уста Чўтмат қурган, мен фишт узатиб турганман» ёки «Уйимизнинг пойдеворига устанинг қўли теккан», деб ғуурланиб гапириб юришади.

Унинг ҳақида: «Уста Чўтмат улоқчи отдай ишлайди» дейишади. Лимонсимон носқовоғини йирик тишларига «тиқ», «тиқ» уриб, тилининг тагига нос ташлаб, сурп белбоғини сувда чайқаб олгач бошига танғирди-да, униқиб кетган яктагининг енгини шимариб сапчадек билакларини яланғочлаб ишга тушиб кетарди. Инсон қўлининг нималарга қодир эканлигини шунда кўриш мумкин эди. Уста ҳар бир михни алоҳида эътибор билан қоқарди. Ўлчаб-нетиб ўтирас, қийиқ қўзини қисиб бир чамаларди-да, ишини битирарди. У шошилмас, бироқ чаққон ишларди.

Бургут бурни думалоқ юзига унча ярашмайдиган, сийрак қош уста камгап эди. У аҳён-аҳёнда бир ичакузар гап қилиб қўяр, атрофдагиларнинг хохолашларига парво қилмай ишини давом эттираверарди. Уста кўп ҳақ сўрамас, лекин қанча берсалар ҳам қайтармасди. Унинг яна

бир қизиқ одати бор эди. Мабодо жаҳлига тегсангиз, у қошларини чимиради-да «Хе отангнинг...» деб уёгини айтмай туради. Сиз, бопладиган бўлди-ку падаримизни, деб юрак ҳовучлаб турсангиз, у «оғзига палов!» деб «сўкишини» охирига етказарди. Уста сўкишни шундай қойиллатардики, кўплар қайта эшитиш учун унинг жигига тегарди.

Ана шу уста Чўтмат аллақаердан янгигина аравачали мотоцикл сотиб олди. Буни эшитиб қишлоқдагилар мамнун бўлиши:

— Мотоциклни уста Чўтмат минмай ким минсин?!

— Тўрт фиддираклиси ниам олса арзийди устага. Кудрат тайёрловчининг ўн беш яшар тирранчаси «ИЖ»да юриптию...

Уста мушукдеккина улоқ сўйди, қўни-қўшнини чақириб мотоциклни «ювди». Йигилганлар «буюрсин», «Осмондаги қушдан ўзғир бўлсин», дейишиб истак билдиришиди.

... Мотоцикл келди, оиласда учинчи фарзанд туғилгандай бўлди-қолди. Уста унга пишиқ гиштдан алоҳида уйча ясад, устини шиферлади. Ҳатто ичита электр ўтказиб қўйди. Хотини Барчин опа: «Туробнинг отаси менга кундоши олиб келган», дерди шўхтина кулиб.

Ўриндиқларига қизил чий баҳмалдан ёпқич қопланган мотоциклни уста кўчага онда-сонда ҳайдаб чиқар, бозор-ӯчарини эса яёв қилиб келаверарди. Мотоцикл миниб чиқиладиган куни алоҳида тайёргарлик кўриларди. Уста уни аввал ҳўл, кейин қуруқ латта билан обдон тозалар, текширган бўлиб сигнал тугмачасини босиб «дит», «дит»латиб қўшниларни безор қиларди. Сўнгра тўё бир тавақасидан сигмайдигандек катта дарвозанинг иккала қанотини ҳам очгач, улуғворлик билан мотоциклни ҳайдаб чиқарди.

Кўчадан қайтгам, мотоциклни терлаб-пишиб тозалар, бу ишга ўғли билан қизини ҳам сафарбар этарди. Ярқиратиб артилгач, уста бир-икки қадам орқага ташлаб кўзларини қисиб разм солар, кейин фаҳр-ифтихор билан жойига киритиб кулфлаб қўярди. Кечалари устанинг уйқуси бузилиб, яқин орада бузоқлайдиган сигирдан хабар олгандай мотоциклни текшириб қўяр эди.

Бирор билан суҳбатлашиб қолса, мотоциклдан гап очар, унинг фазилатларидан майдалай бошларди. Буни ҳамма билиб қолган, қишлоқда: «Уста мотоцикл жинниси бўлиб қолибди», деган гаплар тарқалганди.

Илгарилари эшик ўрнатиш, деразага ойна қўйиш сингари ишларга пул узатилса қўл силтаб қўядиган одам энди бир гишт қўйиб, болғани бир ишлатсаям қўлга қараб турарди.

Ёдгор муаллим уйининг шифтини янгилатадиган бўлди. Зарур материалларни идорама-идора қатнаб топгач, уста Чўтматни уйга айтиб келди. У фанер, ёғочларни синчков харидор назари билан кўздан кечиргач, шифтга қараб мин-ғирлади:

- Бу ерда ками ўн минг сўмлик иш ётибди...
- Ўн минг сўмлик дедингизми? Сал ошгандай бўлдими...
- Ҳа, қулоғингта ёқмадими? Инсоф билан айтдим.

Томиримсан. Хабаринг бор, мотоцикл олдик. тушдик хийла нарсага. Бу ёғи катта рўзғор...

Улар келишомлами. Уста қайтиб кетаркан, тўнғиллади:

— Икки қофозни ис билсанг сенга ким қўйибди уста чақиришни, боди.

Ёдгор ремонт идораси билан шартнома боғлаб, шифтни арzonгинага қоқтириб олди. Лекин уста билан бўлган воқеа унинг кўз ўнгидан кетмасди: «Қизиқ, рўзғори бут, ишидан икки юзлаб олиб турган бўлса, хотинининг колхоздан топадиганичи?! Мотоцикл олганига бели букилдимикан? Йўқ! Уста бир-икки жойда: «Кишида улов бўлгани яхшиякан. Насиб бўлса ўғил еттинчига ўтсин, ўзига лойиқ мотоцикл олиб бераман», деб гапирган.

Мотоцикл олинган йилнинг ёзида уста ҳаддидан ошди. Иссиқ-илимдан фойдаланиб, уй қураман деганлар кўпайгач, унинг уйидан одам аримай қолди. Уста эвини қилиб ишидан икки ойга жавоблашди. У мижозларга жуда баланд нархнинг дарагини айтар, буни эшифтгач кўплар туриб кетишарди. Уста «қани» деса «мана» дейдиган бир-икки пулдордан бошқа талабгор чиқмади.

Ёзниг жазирама кунларидан бирида устанинг нақшиндор эшиги тақиlldади. Бўсағада бош яланг, майкачан Райимқул мироб кўзларини жавдиратиб турарди. Устанинг энсаси қотди: «Баччағар, яна сув жанжали билан келган шекиlli. Сув танқис

йили рўзага оқаётган ариқни томорқасига бурганида шу сўтак правлениега масаласини қўйдирган эди-ку».

Райимқул мироб энтикиб деди:

— Ёрдам беринг, устажон. Шўримиз қурий деб турибди...

— Ҳа, ёв босиб келаяптими? Тушунтиранг-чи!

— Кичкинамиз пашибадори ичиб қўйибди. Ўлим ичи бўлиб ётибди. Районга обормасак...

Уста воқеани фаҳмлади. Бир кўнгли рози бўлмоқчи эди, бироқ районнинг узоқлигини ўйлаб, кўзи қиймади. Чунки мотоциклни бехуда уринтироқчи эмас, харидор чиқса сотиб машина олиш фикри бор эди.

— Иложи йўқ! Мотоцикл бузук. Передни калисанинг ўқи синган. Нима мендан бошқада кўлик қуриб кетибдими?!

Райимқул мироб устанинг юзига бир қаради-да, этагига ўт туташгандай Болта тракторчиникига югарди...

Эртасига Райимқул миробнинг уйидан «Вой болам э-э-эй», «Жувонмарг кетган қўзим э-э-эй», деган эркак кишининг йўғон товуши, аёлларнинг уввоси эшитилди. Уста шу пайтда мотоциклини тоғ тарафга елдек учираш кетар эди...

Қаршидан «виз-виз» эсаётган ипакдек майин шабада одамнинг ёшига-ёши қўшаман дейди. Уста тезликка қизиқдими, ҳаволаниб кетди. Фойибона куч унинг бармоқларига қувват қўшар, уста газни тобора оширади. Мотоцикл олдинга интилгани-интилган эди. Уста юқ машинасини, эскироқ «Волга»ни қувиб ўтаркан, ҳайдовчиларга мағрур кўз қисиб қўярди.

Йўлнинг икки қанотида ястанган далалардаги қизжувонларни кўриб уста тағин ияқ кўтарди. У йўл четидаги огоҳлантирувчи белтига эътибор бермай газни «вант» қўйиб борарди.

Ана у кўприкдан ҳам ўтди. Сўнгра даладатиларга тағин бир ғолибона назар ташламоқчи бўлиб, ўнгга қаради. Шу аснода мотоцикл ўлжага ташланган қарчигай мисоли пастга тик шўнғиди. Унинг филдирлари ўнқир-чўнқирга тушиб зарб билан устма-уст силкинди. Руль устанинг қўлларидан юлқиниб чиқди. Мотоциклнинг аравачали томони ердан куч билан шахт кўтарилиб чапга оғиб кетди. Сўнгра ақлхушини йўқотган соҳибининг гавдасини остига олиб, учоёғи осмонга қараб қолди. Олдинги филдирак ўз ихтиёрича

айланиб-айланиб ниҳоят тўхтади. Оппоқ шўртанг тупроққа бензин аралаш лоларанг қон бир маромда оқа бошлиди...

Тушга яқин устанинг эзилиб кетган жасади ҳамда рули қийшайиб, фараси синган мотоциклни олиб келишди. Гарчи узоқдаги қариндошларига хабар кетган бўлса ҳам, об-ҳавони ҳисобга олишиб дафнни пешингта белгилашди.

Кўп одам йиғилмади. Устанинг жасади қабрга туширилар экан, ўрта ёшли кишилардан бири нарироқдаги ҳали тупроғи куримаган тепачага сездирмай қараб олди-да: «Марҳум қандай одам эди?» деди негадир тезгина. «Яхши одам эди» деган икки-уч овоз эшитилди кинилар тўпидан.

Бу руҳсиз, қуруққина гап қачонлардир, бундан юз йиллар олдин ўтиб кетган киши ҳақида айтилғандай эди.

## БЎСАҒАДА

Қишлоқ йигинидан котиб бола чиқиб: «Эртага уйингиз бузилади. Бугун машина берамиз, янги уйлардан бирига кўчасиз», деб кетди. Буни эшитиб Мақсад момо бир тутам бўлиб қолди. Осонми ахир, шунча йил кириб-чиққан эшигидан ажралиш.

Кампир ичкарига киришгаям ҳоли бўлмай, бўсағада ялпайиб ўтириб қолди. Тоб ташлаган, деворлари қор-ёмғирда ювилавериб оқариб қолган лойшувоқ уйига мунғайибгина термилди. Қадрдон уй соҳибасининг ўйини англағандай янайам мушфиқ кўриниш олгандай бўлди.

«Бузилади!» Кампирнинг ботиқ кўзларига филт-филт ёш келди. Докарўмолининг учи билан артди. Бўлмади. Иссик-қина ёш қўйилиб келаверди. Кампир қийғини ҳовучлаб юзига босди-да, кичкина елкасини силкитиб тўйиб йиғлаб олди. «Бирор-ярим кўрмадимиқан», деган хаёлда атрофга тез назар ташлади. Яқин орада ҳеч ким йўқ, уч оёқли темир ўчоқ олдиди ётган оғир карвон ит бекасининг изтиробига тушунолмай бошини оёқларига қўйганича тикилиб ётарди. «Ит йилига икки ёш яшайди, дейишади, Олапар ҳам йигирмаларни қоралаб боргандек».

«Эртага бузилади!» Котиб боланинг гапини ўйлаб Мақсад момонинг кўз ўнгига яқин ўтмишдаги воқеалар жонланди...

...Қандай маشاққатлар билан қурилган эди бу уй. Саккис күнлик келинчак Мақсад липпа уриб лой тепган, тупроқ ташиган эди. Күрт-қумурсқага тиним бор, эри Эшбойда тиним йўқ эди. Кимлар билан ёқама-ёқа бўлиб сув ҳайдаб келар, хандакда лой қорар, елкасига жазираманинг игнаси қадалиб гишит қуярди. Уй тикланди. Эшбой аллақаердан хари топди. Тўқайдан қамиш ўриб келиб томга босди. Устидан ҳўл тупроқ ташлагач икки марта сомонсувоқ қилди.

Эшбойнинг ўтай онаси тўйдан кейин: «Бир бошинг икки, икки оёғинг тўрт бўлди. Каминг йўқ. Сен ҳам эркакка ўхшаб бўлак бошпана қил», деди. Отаси Пардабой ҳам «Тўғри гап шу» дегандек ерга қаради. Эшбой ҳамиятли йигит экан, тўнини елкасига ташлади-да қишлоқ четидан жой танлаб чайла тикди. Уй битгунча шунда туришди.

Кунларнинг бирида Эшбой хандақдан лой чиқараётган эди, ўтай укаси ҳамёндаккина халтада қатиқ олиб келди. «Онам бериб юборди. Чалоб қилиб ичар экансизлар», деб «ҳамён»ни узатди. Мақсал ялт этиб Эшбойга қаради: Олайми, йўқми? Билиниб турибди, олмоқчи. Бояқиш ёзнинг бошидан буён бир ҳўплам чалоб кўрмаган-да. Эшбойнинг меҳрибон онасидан қолган ўзи етаклаб боққан сигирнинг бир халта қатиғи энди раво бўлибди-да.

— Ука, қайтариб олиб бор. Онанг қурут қилиб қўйсин. Қишида шимиийслар.

Бола бу гапни онасига бориб айтгач, у қўшниларига деди: «Бўйнинг сингур Эшбой қатиқли халта билан боламнинг бошига урибди. Бурни ерга теккудай бўлиб ишлаб ётибди. Чалоб ичиб қувватга энсин десам, худодан топгурнинг қилигини кўрмайсизларми. Энди чалоб ичгунча заҳарни ичсин».

Уй битди. Кичкинагина зиёфат қилиб кўчиб киришиди. Үнга отаси ва ўтай онаси гарчи айтилган бўлса ҳам келишмади. Уйнинг ҳали иши кўпі экан. Эшбой кумшувоқ қилди, оқлади. Уста Маматқулни айтиб келиб печка қурдирди.

Қишини кун санаб ўтказишгач Эшбой далага чиқиб кетди. Үғиллари ҳам шу уйда дунёга келди. Оқсоқоллардан бири гўдакнинг қулогига аzon айтиб отини Бойқобил қўйди.

Оила ўзини тиклаб олган, эр-хотин шод эдилар. Бу шодлик асов дарё устига нари-бери қурилган кўпприк мисол омонат экан. Зўр этиб кўпприк синди. Уруш бошланиб фарб қонга белангач, Эшбой ҳам биринчилар қаторида шинел

кийди. Мақсад қўлида бола, кўзида ёш, дилида армон билан Эшбой кетган томонга тикилиб қолди. Эшбойнинг хайрлашувдаги қиёфаси Мақсаднинг ҳамон кўз олдида. Сарғайиб кетган кийим Эшбойга ярашмас, худди форма қисаётгандай ноқулай ҳис этар, ўсинқираган соқол-мўйлови тагидаги қовжираган лаблари зўраки табассум қиласарди. У зоҳиран хушчақчақ кўринса-да, ичи қизиқ, кўнгли ғаш. Атрофига зимдан тикилар, керакли кишини тополмай хит бўларди. Перрондагилар орасидан оғасини ахтарар, жўнашга оқ фотиҳа олмоқчи эди.

Жўнашга буйруқ берилгач, у Бойқобилни қайта-қайта упди. Юзига қадалган дагал тукдан бола ғашланиб йиглаб юборди. Эшбой кўзлари қизарган, соchlари паришон хотинига бир зум тараддузданиб қаради. Билакларини енги устидан қаттиқ қисди-да, хирқироқ овозда деди:

— Ўзингга эҳтиёт бўл. Бойқобилни одам қил. Ноң-насиба тортса эсон-омон қайтаман...

Мақсад гарди рўмолга туғиб келган нонни икки қўллаб Эшбойга тутди. Эшбой энгашиб тишлади. Мақсад нонни авайлаб рўмолга ўради. Шу нонни ҳалигача сақлади!

Эшбой ватонга чиқаркан, отасини излаб яна бир бор назар ташлади. Учратмагач елкасидан оғир юқ босгандек букилиб ичкарига кириб кетди.

Дастлабки ойларда хат узилмай келиб турди. У Москва яқинида жанг қилаётгани, яқин орада бошқа жойга алмашишлари мумкинлиги ҳақида ёзарди. «Қон бериб қон, жон бериб жон оляяпмиз. Икки марта қирғинбарот жангни кўрдим. Кейингисига ўттиз киши кирган эдик. Ўн бир киши омон чиқдик. Яратганинг ўзи сақлаб менга зиён етгани йўқ. Бир марта немис билан чоргўз бўлиб қолдим. Бети отникайдай чўзиқ, бурни сўррайган, кўзига ойнак тақсан экан. Мени кўриб чинқириб юборди-да, автоматини тўғирлаб қолди. Отгунча бўлмай автоматимнинг кўндоғи билан шакарак томирига шундай урдимки, бўкириб юзтубан йиқилди. Жони чиқмаган экан, командирнинг ертўласига ҳайдаб келдим. Командишимиз бу билан тиллашиб зарур маълумотларни билиб олибди. Мени медалга ёзишди...» Шу сатрлар Эшбойнинг сўнгги мактубидан. Кейин хат келмади.

Мақсад умидини узгани йўқ эди. Лекин «Қора хат» олди. Унда Эшбойнинг разведкада минага дуч келиб ҳалок

бўлгани маълум қилинганди. Мақсад чўкиб қолди. Кўнглида шу хабарга ҳамон шубҳа сақланар, Эшбойсиз яшашни тасаввур этолмас, келажаги қоп-қоронғи мавҳумликдан иборат бўлиб туюларди. Уйдаги ҳамма нарса Эшбойни эслатарди. Мақсадга қачондир Эшбой орқадан келиб кенг кафти билан кўзларини беркитадигандай, таниб қолмасин деб ҳатто нафас олмай турадигандай туюларди. Шундай пайтда илкис орқасига қарап, аъзойи баданидан мажол кетгандай шалвираб, бўшашиб қоларди. Бир-икки ойда чеҳраси кузги япроқдек сўлиди.

... Одамзод чидар экан. Мақсад ҳам бевафо тақдирининг кўргиликларига елка тутди. Эшбойсиз ўтган давр пешонасига ажинлар туширди. Сочини оқقا бўяди.

... Уруш тугади. Идора олдиаги симёғоч учидаги радио карнайдан шўх қуилар эшигина бошлиди. Боши омонлар уйига қайтишди. Тўйлар бўлди, ўша қора хат чин экан, Эшбой қайтмади.

... Умр оқар дарё. У ёқдан бу ёққа қарагунча Мақсад олгмиш тўртта кирибди. Тез қариди. «Кампир», «Мақсад момо» дейишларига аллақачон кўнишиб кетган. Эшбойнинг руҳи ҳурмати кийтан кўк кийими ҳам энди ўзига муносиб бўлиб қолган. Сиймосига аллақандай улуғворлик кўшади. Жамоа хўжалиги нафақа беради. Бунингиз ҳам бирор нарсага дард қолгани йўқ. Ҳар келганда Бойқобил олам жаҳон пул ташлаб кетади.

«Бузилади!» Ҳеч қурмаса Бойқобили ёнида бўлса эди. Уям узоқда. Беш йилликни тугатиб тоғ-тошларда ишлаб юрибди. Ернинг қаъридан лампа мой қидиармиш шекилли. Фақат икки невараси момо билан.

«Янги уйга кўчиб ўтасиз». Бу биринчи таклиф эмас. Қишлоқ оқсоқоли ҳам, раис ҳам кўп қистаган. Мақсад момо қайсарлик қилган: «Уйим ҳали бардошли. Мен-ку уй сўраганим йўқ. Аввал сўраганларни рози қилинглар».

Энди эса ноилож. У замонавий уйларни ёмон деётгани йўқ. Кўрмай юрибдими, қишлоқнинг ярмидан кўпи гишкори уйларда яшаётир. Фақат Эшбойнинг қўли теккан қадрдон уйидан силжиш ... осон эмас!

Кўча томондан эшитилган машина сигнали Мақсад момонинг хәёлларини тит-пит қилиб юборди. У «Ё, пирам ...» деб қўзғалувдиямки, шўх ҳайдовчи бола Чўтбой кириб келди:

— Ассалому алайкум, она. Қалай, уйингиз билан сирлашиб бўлдингизми? Менга буйруқ берилган, ўтиrint машинага. Ўй танлашга.

Кампир ғойибдан келгандек тетиклик билан кўчага чиқди. Унинг ботиқ кўзларида аллақандай қатъият бор эди.

## КИРҚИЛГАН ИЗ

— Касалдан ўл-да қутул, ёмондан қоч-да қутул, деган эканлар. Амаки, шаҳардан бош сиққундай жой топиб беролмайсизми? Кўчмасак, тоза иложи йўқ!

Муродилла Очилнинг эзилиб айтган гапларини хомуш ўтириб эшилди. Унга уясидан тушиб кетиб чирқиллаб ётган полапонга қарагандай нигоҳ солди. Бироқ нимадандир жаҳдланиб кетди:

— Курк товуқдай ҳурпайиб юргунча ота-онанг билан муроса-мадора қил. Ўгай она бир сенинг пешонангга битганми?! Неча-нечовларни кўрдим, дуппа-дуруст яшаб кетаяпти-ку. Менга нима дейсан, отангга айт, жойлаштиурсин. Катта идорада ишлайди. Бир сени удда қилолмаса ундайнинг боридан йўғи!

Муродилланинг гаплари, суғуртада инспектор бўлиб ишлайдиган отасини пичинг аралаш ўртага қўшиши Очилнинг бағрига дудама ханжардек «шиф» этиб ботиб кетди. Кўзлари қисилиб, қовоғи солинди. Думалоқ юзи қорайиб, вужуди бир тутам бўлиб қолгандай туюлди. «Миқ» этмай тик дастурхоннинг ҳошиясиға тикилиб қолди.

Муродилла ошириб юборганини пайқаб, ичиди ўзини койиди. Ўғли билан неварасининг авзойини кузатиб ўтирган Қизлартўра момо гапга аралаши:

— Муроса қил, дейсан, ўғлим. Отинг ўчгур Нурия билан муомала қилиб бўладими? Лақقا чўғ бўлган тандир косовку, у. Уч ойдан бери Сожида бечоранинг бошига ит азобини солади. Шу ёшга кириб бундай тили заҳар, кўли югурикни энди кўришим. Қачон қарама, Сожидага зугум қилиб тургани турган. Ҳеч қурмаса икки кундан бирида қовоғини очса дев урадими у тайтувни. Шу бола бир жой топиб бер, деганига сенам замбурдек чақиб олдинг. Олти йил бўлди, шаҳарда ўтирасан. Сендаям ҳамсоя-памсоя бордир. Бирга ишлай-

диганларингдан суриштири. Буш уй бўлса шу гўдаккиналарни обориб жойлаштири. Шуларнинг аҳволига қараб менинг ҳам куним калта бўлиб бораёттири...

Қизлартўра момо «гапим тамом» дегандай тезгина дастурхонни йиғиштириди. Пиёлаларни шақир-шуқур бир-бирига кийиштириди. Кўрсаткич бармоғи билан хум чойнакни кўтариб нариги хонага чиқиб кетди. Муродилла ҳам сал тараддуланиб тургач, ёзги шляпасини илгакдан олиб онасининг изидан чиқди.

Очил хонтахтата тирсаклаб ўтирганича қолди. «Амаким номардлик қилди. Қўлидан келиб турган ишдан ажалдан қочгандай қочди. Ўзи менинг жойимда бўлармиди, биларди. Шуни айтаркан-да «танаси бошқа дард билмас», деб. Жуда бўлмаса ҳовлисига кўчириб борса оғиримиз тушармиди. Менам, Сожидаям ишлаб кунимизни кўриб юрибмиз-ку. Кейин бошқа уй олиб жойлашиб кетардик. Ҳай майли. Бир гап бўлар. Жуда бўлмаса... кейин кўрармиз», дея ўйлади.

Ҳовлида момосининг «хўш, хўш, жонивор», деган мулойим овози, соғилаётган сутнинг сирли сатилга бир маромда шовуллаб тушаётгани эшилди. Очиқ деразадан шабада кириб осма тақвим варағини шитирлатди. Сўнгра ҳарир парда билан ўйнаша бошлади. Очил чап муштига иягини тираб, ўзига ором бермаётган воқеалар ҳақида хаёл суро бошлади: «Момоси тўғри айтди. Ўгай онаси ҳаддидан ошган».

Уни эслаганда Очилнинг кўз ўнгига Азим пичоқ-фурушининг ёғ босиб йилтираган юзи, довувчадек ям-яшил кўзларию беўхшов кулгига мойил малларанг лаблари келади. Қизлартўра момо Нурияning дарагини дастлаб ундан эшилган. Хотини қилтомоқдан ўлиб, бир ўғил, бир қиз билан рўзгори тўзиб қолган ўғли Қулмирзанинг аҳволини ўйлаб, аввал икки эрдан ажралган Нурияни келин қилишга рози бўлган эди. Нурия шу хонадонга тушиб келгач ўн-ўн беш кун ўтказиб «пўст ташлади». Нағмаларини бирма-бир чиқара бошлади.

Қулмирзанинг Нурияга меҳри ўзгача эди. «Мегажин, боламни кашмирига иссиқ қилдириб олган», дерди Қизлартўра момо. Очил ёки синглиси Розия Нурияга сал гап қайтарадиган бўлса, Қулмирза болаларини жеркиб ташларди. Бирда Қизлартўра момо орага тушиб балога қолди. Нурия қутуриб:

«Иккинчи бор бу қадаминг билан останамни ифлос қилма, алвасти», деб қарғади.

Нурияning феъли баҳор селига ўхшайди. Қизлартұра момо «У тикилганини тек қўймайди», деярди. Ўгай онасининг қилиқларига Очил кўнишиб кетган. Лекин Сожида келин бўлиб келганидан сўнг қийналадиган, бир қадар уядиган бўлиб қолди. Бахтига Сожида шунчалик соддаки, ҳатто буни анқовликка ҳам йўйиш мумкин. Ана шу фазилати Нурия билан ойча тотув яшашига имкон берди. Бироқ, тотувликнинг тезда ниҳояси кўринди.

Кунларнинг бирида Розия анор узаётганди, Нурия кўриб пишқириди:

— Анордай қирчин бўлгур, нимага узаяпсан?!

Розия саросима ичида тўғрисини айтиб қўя қолди.

— Сожида янгам илтимос қилувди. Онаси касал экан...

Сожиданинг тобора эътиборли бўлиб бораётгани Нурияга сингмай юрарди. Ундаги ўзгаришларга, доғ тушган юзига, тўлиша бошлаган қоматига ҳасад билан қарапарди. Шу боис овози хириллаб ўшқириди:

— Сожидант билан қора ерга киргур, бер бүёққа анорни! Сенлар дараҳт кўкартириб қўювдингми? Онасига эмиш. Гўрдами, у маззангнинг ўзига керак. Ҳей, нордон тусаган кўнглингга доғ тушгур!

Нурия Розиянинг қўлидан анорни юлиб олди:

— Бошимга битган бало бўлдинг, сен чиллакоёқ ҳам. Ноним ичингни оғритаётган бўлса энди кўзимга кўринма. Ўлиб топган янгангнинг бўсағасини ялаб ёт. Кўзинг портта чиққур!

Розия югуриб бориб Сожиданинг кишини энтиклирувчи ҳид келиб турган кўксига бошини қўйиб хўнграб юборди:

— Бермади... анорни...

Сожида Розияни анорга юборганига афсусланди. Қандайдир қатъият билан қайнисинглисини етаклаб Нуриянинг олдига борди. У ҳовуридан тушмаган экан. Қўлидаги белни четга иргитиб қичқириди:

— Икковлашасанларми менга! Гўштимни титасизларми. Келинглар, нега қараб турибсанлар... Тўқоллар!

Сожида гап билан ачитиб-ачитиб олмоқчи эди. Аммо бояги ўқтамлигидан асар ҳам қолмади. Оёқларидан мажол кетаётганини ҳис қилди. Чўккалаб қолмаслик учун оҳиста

қадам ташлаб уйи томон юрди. Розия шарпасиз унга эргашди.

Уйта киргач, Сожиданинг кучи кўзига етди. «Бу хонадонга келиб кўрганим шу бўлдими? Ота-онаси шу мақсадда узатган эдими? Улар бутунлай бехабар. Эшишиша бир кун ҳам қўймас бу ерда. Ё ўзим кетсаммикан? Очил акам нима бўлади? Розиячи? Одамлар нима дейди. Билмаганлар оғзи билан эмас, бошқа жойи билан кулмайдими? Оғир бўлишим керак. Оғир тошни сув оқизмайди».

Шуларни ўйлаб Сожида кўзларини артди. Розияни бағрига маҳкамроқ босди. Очил ишдан қайтди. Уларни қўриб бир зум михлангандек турди-да, «Нима гап» деб сўради. Розия ўпкасини босиб ололмаётган янгасига қарай-қарай воқеани тушунтириди.

Очилнинг битаёзган ярасига нохосдан тиф теккандай бўлди. Отилиб уйдан чиқди. Нурияning овози эшитилаёттан ҳовли эшигини очди. Нурия шанғиллаганича кострюолдаги қатиқни сурп халтага бўшатарди.

— Опа, бизларни тинч қўясизми, йўқми?

Очилнинг бу сўзлари ҳайқириқдек янгради. Мўмин-қобилгина боладаги ўзгаришдан Нурия чўчиган бўлса-да, сездирмади. Кострюолни зарб билан ерга қўйди. Атрофга қатиқ сачрали.

— Ҳа, қўймаганда қўлингдан нима келади. Сен яхши бўлсанг онангнинг бошини ермидинг?!

Очилга бу гап айилдек ботди. Сўниқ овозда деди:

— Мен онамнинг бошини еган бўлсам, сизда бош ейдиган ҳам йўқ!

Ичида «шу гапнинг ўрнимиди. Аёлнинг гапи бўлди» деб кўнглидан кечирди Очил.

— Бекафан кўмилгур етимча, нима дединг? Яна қайтар!

Эшик очилди. Кулмирза ишдан қайттанди. Уни қўриб Нурия авжига чиқди:

— Манови бойловсизни қаранг! Бошимга таёқ кўтариб келиб ўтирибди. Икковимизниям бир кечада сўйиб кетмоқчи эмиш, беспадар.

Буни эшиятган Очил бошига гаврон теккандек гарангсиб қолди. Кулмирза эса буни айбига иқорлик, деб тушунди. Сўзлари тишлари орасидан сизиб чиқди:

— Менинг бўйнимга пичоқ тишқайдиган ўғилнинг илоё умри калта бўлсин!

— Ота, ишондингизми шу гапга? Ишонманг!

Қулмирза эътибор қилмай ичкарига кириб кетди. Нурия ҳам эрининг изидан кириб эшикни тарсиллатиб ёпди.

... Очилнинг хаёлларини Қизлартўра момо бўлди:

— Ҳалиям ўтирибсанми, болам? Ўзинг бирор гумини қазмасанг, бу сўликлардан фойда йўқ.

Момосининг гаплари Очилга қанот бўлгандай туюлди. Илдам ўрнидан қўзғалди. Автобазага бориб бошлигидан жавоб сўради: «Чўлга кетмоқчиман, рухсат берсангиз». Бошлиқ яхши ҳайдовчиidan ажралаётганини билса ҳам уни олиб қолол-маслигини сезиб жавоб берди.

Очил чиқа солиб дуч келган машинага ўтириди-да, янги хўжаликка жўнади. У кабина ичиди тиржайиб силкинаётган «шайтонча»га тикилиб ўй суриб борарди: «Момоси тўғри айтди. Амакисининг ҳовлисига кўчириб бормаганида жон бор. Қулмирзанинг кўнглига қаради. Отаси бирда бўлмаса бирда «ўғлимни айнитиб олиб кетди», дейиши аниқ. Ўзини оқлаш учун ҳам айтади. «Уйдан ҳайдадим» дегандан кўра «бировлар бездириб олиб кетди» дегани яхши-да. Майли буёғини ҳам кўраверайлик. Чўлга одам керак. Сожидаям ишга қиради. Дарвоҷе, Сожида кўнармикан? Нега кўн-масин. Нима бўлаётганини кўриб турибди-ку. Розия ҳам бойлаб кўйса тургидай эмас. Униям олиб кетамиз. Қийин-чилик бўлса ўтиб кетар. Отам шу хотини билан яшаб кетармикан? Минг қылсаям кеча ноҳақлик қилди. Кейин ўзи тушуниб қолар. Менинг эса узоқроққа кетишдан бошқа иложим йўқ...»

Очил чўлдаги хўжаликка бориб хужжатларини рас-мийлаштириди. Уй олди. Шу куннинг ўзида хўжаликдан машина олиб Сожида билан Розияни кўчириб келди.

Қишлоқда: «Қулмирзанинг ўғли отасининг оқ фотиҳасини олмай кўчиб кетибди», «Очил оқпадар чиқди», «Бола тўғри қилибди. Ўтирадими, Нурияning тепкиси остида» деган гаплар тарқалди.

Орадан уч йил ўтди. Очил қишлоққа кам келар, шундаям момосиникидан қайтарди. Момоси «Нурия ит феълидан тушган», деб кўярди. Бунта Очил эътибор қилмас,

Нурияни эсламасликка интиларди. Момосининг айтишича, Кулмирза тез қариби. Отасининг номини эшитганда Очил бир хиёл бўлар, сиймоси кўз олдидага гавдалана, сўнгра илғаб бўлмайдиган парда уни Очилнинг нигоҳидан тўсарди.

Нурия икки марта чала туғибди. «Ота-болани айирганинг бири икки бўлмайди. Чақалоқ «инга»сига зор ўтади», деган гап эшитганида учинчи бор оғироёқ эди. Унинг ҳаловати қочди: «Очил билан Сожидага борсаммикан? Мендан ўтибди, ўшланда сизларга меҳрим зўрлигидан гапириб эдим. Ахир муіспук ҳам боласини тишлаб қўтаради. Энди ярашайлик, десаммикан».

Кунлар ўтиши билан бу фикр қатъий қарорга айланди. Кулмирзага маслаҳат солган эди, уям жўяли бирор нима демади.

Ниҳоят, Нурия бетини қалин қилиб йўлга чиқди. Чўлдаги хўжаликка етгач суриштириб «Очил шопир»нинг уйини топди. Эшикни ўғилчасини кўтарган, бўлиқ елкали жувон очди. Бу – Сожида эди. У Нурияни дафъатан танимади. Бироқ, жодули кўзлар ўзгармаган, улар Нурия ҳақида гувоҳлик бериб турарди. Сожиданинг ранги қум сқарди. Нурия ўзини йўқотмай унинг кифтига қоқиб кўришди. Болага қўлларини узатди. Бола нотаниш холадан ётсираб юзини онасининг кўкрагига яширди. Нурия ҳар сўзига асал қўшиб уни ийдириб олди.

Уйга киришиди. Қимматбаҳо жиҳозлар, чўғдек гиламлар Нуриянинг аллақаерини жизиллатди. У девордаги суратлар орасида Розиянинг расмини кўриб ўта мулойимлик билан сўради:

- Вой, Розия кўринмайди.
- Термизда. Институтга кирган. Ҳафтада бир келади, – оҳиста жавоб берди Сожида.

Нурия катта сумкасини кавлаб гапириди.

- Бу йигитчага анор олиб келдим. Айтгандай оти нима, полвоннинг?
- Беҳзод.
- Мана, Беҳзодбой, момонгиз сизга анор олиб келди. Манг.

Чойнакдай анорни оламан деб бола қўлидан тушириб юборди.

— Нима қиласынгиз, овора бўлиб.

Сожида шундай дедиую ёдига «лоп» этиб анор юқеаси тушди. Ёрилиб ёқутдек доналари кўриниб турган анорлар унинг устидан кулишаётгандек эди. Нурияning «Оворачилиги борми. Парваришнага сизнинг ҳам қўлингиз теккан», деганини эшитмай ҳолсизланиб ўрнидан турди.

Нурияning «Қўйинг, келинжон, чой-пой тараддул қилиб ўтирганг», деганига қарамай газни ёқди. Шу аснода Очил тушликка келди. Ошхонада Сожидадан ниманидир сўради. Сожида айтди. Кейин эшик ёпилди.

Сожида дастурхон кўтариб кирди. Нурия дарҳол сўради.

— Кимдир келдими, айланай?

— Ҳа, Беҳзоднинг отаси...

— Ие, нега кирмади. Келганимни айтдингизми... — безовталанди Нурия.

— Айтдим. Иши зарил экан. Жуда кеч қайтармиш...

Нурия чўғ устида ўтиргандай бўлди. Икки чаккаси лўқиллаб оғриди. Қулоқлари ёнида нимадир, овози ўткир нарса қаттиқ чинқиргандай бўлди. Деворга беҳол суянди. «Кирмади. Билиб туриб кирмади. Мени кўрага кўзи йўқ. Лоақал эшикдан бош суқиб салом ҳам бермади. Унутмабди. Энди кечирмайди. Ишдан қайтишини кутсамикан? Ялиниб-ёлворсан, «менга эмас қорнимдаги бир парча этга раҳминг келсин», десамикан? Кечиравмикан? Ярашармикан. Йўқ! Мендан ўтгани кечиримли эмас. Унинг жойида бошқа бирор, менинг ўзим бўлганимда ҳам шундай қиласдим. Энди бу ерда қололмайман. Бу уйдан ўз изимни ўзим қирқсан эканман».

Нурияning бошидан бир зумда шу ўйлар кечди. Сожиданинг «Ўтиринг. Ошга сабзи босдим. У кишиям келиб қолар», деган манзиратига қарамай қўзгалди.

Унинг вужуди худди бегонаникӣдай эди. Бирданига ўн-ўн беш йилга қариб кетганини ҳис қилиб, юраги орзиқди.

Нурия кетди. Дастурхон ёнида олти дона анор Қолди.

# ҚИССАЛАР





## ҮТОВ

Улжамол момонинг киприклари жуфтлашган экан, сим каравот гичирлашию қизи Тұхтатошнинг инграганидан уйғониб кетди. Тұхтатош биқинини ушлаб түлғонар, айни маҳалда инқилларди.

— Ухламай мен охир бўлай, яна санчдими, болам? Ҳозир қизлардан бирорини чақираман. Уколингни қиласди.

Момо шундай дея хонадан чиқди. «Қизлардан бири» ҳам мизғиган экан шекилли, туриб келиши қийин бўлди. Ярим кечада уйғотилганидан чўзиқ юзида норозилик зоҳир бўлиб кириб келди. Изидан момо кўринди. Ҳамшира ҳомуза тортди. Йўғон тортиңқираган овозда сўради:

— Ношпа борми? Бешлик игнангиз-чи?

Момо тиқирлана-тиқирлана айтилганларни топиб берди. Номозшомда катта сумка кўтариб дори сотиб юрган йигитдан шуларни олиб қолгани яхши бўлган экан.

Момо ҳали-ҳануз қўли келишмаётган ҳамширага жовдиради:

— Ойнажоним, сенинг қўлинг бариникидан енгил. Шунинг учун сенга айтдим.

Ҳамшира бу мақтовдан ҳаволанмади: момонинг барча ҳамшираларга шундай дейишини биларди. У ўз ишини қилиб бўлиб, индамай чиқиб кетди. Момо изидан алқади:

— Ўғил-қизинг кўпайсин, илоё!

Эмдан кейин Тұхтатошнинг жони ором топғандай бўлди. Тўлғонишлари қолиб, ўрнига чўзилиб, онасига термилиб ётди:

— Бугун ётганимга неча кун бўлди, эна?

— Олти кун бўлди.

— Байрам қандай ўтдийкан?

— Ўтгандир-да...

— Биз тиккан ўтов ҳам ўрин олгандир?

— Олса олгандир, итим биладими? Шуни гапирма менга.

— Нимага ундаи дейсиз? Ўтовнинг созларини топгу-  
нимизча қанча овора бўлдик.

— Овора бўлмасак ҳам бўларкан. Икки ўртада сен бундай  
касофатга йўлиқдинг.

— Шой бўлиб кетаман, эна.

— «Насиб бўлса», деб гапир...

Улар индамай қолишиди. Иккаласи ҳам хаёл уммонига  
шўнғиган эди.

\* \* \*

Эрта баҳорда ҳосил байрамими, пахта байрамими, ишқилиб  
қандайдир тантана бўладиган кун арафаси эди. Жамоа хўжалиги  
раиси хотин-қизлар кенгashi раиси – хушрўйгина жувон билан  
Улжамол момонинг ҳовлисига кириб келди. Буташрифдан момо  
жуда севинди, фуурланди: пича маланглигиям бор-да! Ташриф  
маъноси шулки, момо қишлоқнинг энг чевари бўлгани боис  
шаҳар марказидаги номи салобатли майдон четига ўтов тикади.  
Ичида ўзи ўтириб, ўтган-кетганга меҳмоннавозлик кўрсатади.

— Ўрин олсангиз, мукофотиям бўлади, — деди лобар жувон  
кулимсираб. Шунда оғзидағи тиллалар ялтираб кетди.

Буни эшитиб момонинг кўз олдига ким-нимальар келди.  
Дарҳол рози бўлақолди. Журъатсизгина сўради:

— Ўтовни тикка қилишга ёрдамчи берарсизлар? Тўхтатош  
икковимизга қолиб кетмас-да.

— Хотин-эркак аралаш тўрт киши етадими? — сўради  
раис сахий раҳнамолардек.

— Етадиям. Кўпайлашиб уринсак, бир чойдиш қайна-  
гунчалик гап, — деди момо дафъатан катта бисотга эга бўлиб  
қолгандай юраги ҳаприқиб.

У шунча одамга бошот бўлишини ўйлаб энтиқди.  
«Қишлоқда мен тенгилар озми. Жупар дўстим, Қизларбиби  
кайвони, Жангил қудағай, янги кўчиб келган Норкумуш  
опалар ҳам ўтовни бинойидай тикади-ку. Шулар қолиб менга  
айтишиди, иззат қилганидир-да шу. Кўп эмас, оз эмас, ўттиз  
йилдан бермаган хўжаликнинг иссиқ-совуғига аралашиб  
келаяпман. Бригаднинг самоварчилигидан пенсияга чиқдим.  
Кўйинглар уни, гавдаб қолган бир момо бўлса, қўлидан нима  
келарди, дейишмабди, шунисига шукур. Ўтовни бир яшна-  
тайки, кўрган «вой, маладес» десин.

\*\*\*

Улжамолнинг ўзиям ўтовда тугилиб, шунда вояга етган. Ота-боболари түякаш, ўзига тўқ одамлар эдилар. Улар аъзо бўлған туячилик ширкати ҳозирги автохўжаликлар вазифасини бажааради. Түякашлар турли юкларни бу манзилдан у манзилга етказишар, меҳнатлари эвазига косалари оқарди.

Туя деган жонивор бензин, эҳтиёт қисмлар, баллон талаб қилмас, янтоқзор бўлса кифоя. Ширкат ихтиёрида юздан зиёд тия бор эди. Йигирма-ўттиз уйли түякашлар аҳил яшашар, сафарга кетгандарнинг бола-чақалари ҳолидан хабарлашиб туришарди.

Улжамоллар беш қиз, ота-онасининг давлатлари етарли, аммо ўғилдан қисилган эдилар. Биринчи қиз туғилганида севинишди: онасига ёрдамчи бўлади! Иккинчиси дунёга келганида пича ташвишланиши: отасига кўмакдош кутилган эди. Учинчи қизлари таваллуд топганида саросимага тушишиб, ҳамон ўғилга интиқ эдилар. Бу қизалоқнинг исмини иримиға яраша Ўғилмурод Қўйиши.

Агар исм бирор нарсани ҳал этса, тўртинчи фарзанд ўғил бўлиши лозим эди. Эвоҳ, яна қизли бўлишиди. Оти ўзи билан – Қизларбас.

Ота-онанинг бошлари ҳам, гўё гуноҳкорлардек, айбли иш қилгандек юришади. «Ўғилни ҳам, қизни ҳам Худойим беради», «Бир хил қизлар ўғилдан устун бўлади», дейиншиб таскин-тавалло айтишган овулдошларининг юпатишлари уларга худди ажува қилишгандай туюлади.

«Бир хил қизлар ўғилдан авло бўлади», деганлари айни Улжамол ҳақида эди. Унинг оламга келиши қийин кечди. Онаси Ойсифат бойвучча ярим кун дард еди. Икки-уч хотин-халаж, ўзини кайвони, бунаقا ишларга корафта санаганлар унга парвона. Туя тортиб, Термизга кетган Абжал чопағон пичоқ-мичогини ҳам ташлаб кетмабди. Ойсифатнинг баҳтига Шерободда уч кун ёта тўйлаган Норжамол қушноч келиб қолди. Келасолиб офтоба сўради. Гезгина таҳорат олиб, Ойсифат бойвучча қийналиб ётган ўтовга кириб, сифинишига тушди:

– Айланайин Парвардигор, эгачимнинг мушкулини осон қил. Ўғилми, қизми, эсон-омон қўлига олсин!

Норжамол қүшнөч пахта билан Ойсифатнинг кийимлари устидан силади. «Абжалбойнинг ҳам калласи ишламас экан, хотинининг ой-куни яқинлигини билиб туриб, тuya тортиб кетганини қаранг», деб ғудраниб кўйди.

Сўнгра Ойсифатнинг елкасидан кучиб, далда берди:

— Худо де, эгачим, бўшашма. Қайтайлик, сен билан бизнинг вазифамиз-да тувиш. Киндигини ўзим қесаман. Менга ўхшаб тайтув-тайтув гапириб юрадиган бўлади.

Норжамол қүшночнинг эсига алланима тушди шекилли, ўтовдан ташқарига ҳам бемалол эшистиладиган қилиб ҳайқириб юборди:

— Худой кўтарсин, бизни. Ҳаммамиз ҳам бунча эсар бўлмасак. Нега бирортанг туйнинг жунини эсга солмайсан. Мен ўлгур-ку шошиб қолибман, сенларга нима бўлди? Куруқ лаловлашсанлар, Ойсифатнинг дарди қочиб кетади, демайсанлар ҳам. Улғўзи қудагайнинг қизи, отинг нимайди, ҳа, ҳа Холдон, бор болам, туйнинг жунини бир дўгоба сувга чайиб, сувини тезда бу ерга олиб кел!

Күшночнинг амри зудлик билан ижобат бўлди. Холдон косани Норжамол қүшночнинг хиёл қалтираётган қўлига тутқазди. Ўтов ичини момонинг мунгли овози қоплади:

— Айланайин Парвардигор, шуни бандам дессанг ўзинг мадад бер! Қизим, кўзингни чирт юмиб, косадагини ичиб юбор. Ма, ма, болам. Ана, ана. Ҳу яша! Айланайин, азиз авлиёлар. Термиз ота. Сулаймон ота...

Күшночнинг овозини чақалоқнинг «инга-инга»си босиб кетди...

Туя жунининг хосияти билан бу сергалва дунёга ташрифи тезлашган бир парча эт — Улжамол эди!

\* \* \*

Ўн-ўн бир ёшларгача ҳам Улжамол опалари, тенгқур қизлар билан эмас, ўғил болалар билан ўйнар, мол боқар, ҳатто кураш тушарди. Чиллик, ошиқ ўйнаб, устун келганида бавзи болалар фирром қиласа, уларга дашном берарди:

— Ҳа, чидолмадингми? Ўйинда йиглаган кал бўлади.  
— Қизнинг жони қирқта, ўғилники ўнта бўлади, кайпанг.  
— Фирром қилгунча, бор, бетингни юв. Яласа, ўнта кучук тўяди...

Болаларнинг ўйинлари ҳам кўп эди. «Кес-кес», «Оқсуяк», «Фоз-ғуз-бир пиёла туз», «Яшинмачоқ», «Дуррама»...

Баҳор келгач, бу ўйинлар сони янада ошарди. Кўкламда ўғил-қизлар тилла балиқнинг елкасини эслатувчи қирга чиқишиб, момоқаймоқ, хўжаилки, каврак, мушткети, кўкгул, калпиёз, қум зардак териб ейишар, буталар орасидан жон ҳолатда отилиб чиқадиган товушқонлар кетидан таёқ отишар, беҳуда қувишарди. Болаларнинг тиниб-тинчимайдиганроғи қовоқари ёки қўгаларнинг қўзогини тўзғитиб қочарди.

Улжамол болаларнинг «кулдиргич»ни кавлаб топиб, уни товонларига эзғилашлари билан сира келишолмасди. «Кулдиргич» деганиmallаранг, миттигина, меҳнаткаш жонивор бўлиб, ерда ўқувчилар сиёҳдонига ўхшаш уя ясар, тупроқ ичига кўмилиб яшар эди. Онда-сонда уясининг аллақаерида пайдо бўлиб, тепага тупроқ отиб ётарди. Болалар «сиёҳдон»ни кўргач, тупроғини кавлай-кавлай «кулдиргич»ни топиб олишар, унинг қонини қотиб кетган товонларига суртишарди. Шундай қилинса, ҳар қандай ландовур бола ҳам чопқир, югуришга моҳир бўлармиш... Қанча-қанча «кулдиргич»лар қони катта-кичик товонларни «безади», лекин бу товонлар соҳибларидан бирортаси ўзғир бўлиб чиқмади.

Улжамол шу жониворларни ҳимоя қилиб, бўлажак югурагонлардан кўпларининг лаб-лунжини шиширган. Шу боис ҳар баҳорда икки-уч бола «кулдиргич»дан қимоб бўларди.

Эҳе, ўша даврлардаги қир-адирларни қўяверасиз. Қизғалдоқлар, полвонбошлар, итузумлар, замбуруғлар, чучомомалар, сиз билан биз аллақачон номларини эсимиздан чиқариб юборган, қизилми ё кўкми китобга кирган, эндиғи авлод умуман билмайдиган ўт-ўланлар қоплаб ётарди. Итузумга бир тўйтган сариқ касалга чалинмайди, деган гап юрарди. Тошбақалар вазмин ҳаракатланар, сон-саноқсиз қалтакесаклар у ёқдан-бу ёқса тинмай қатнар, болаларнинг юрагига ваҳм солиб, турли илонлар кўриниш бериб қоларди. Янтоқларга ёпишиб олган жизловуқларнинг жўр овози оламни тутарди.

Улжамолларнинг асосий ўйинжойи салкам бир гектарни эгаллаган, икки қаватли уйдек тепалик эди. Тепалик олд оёқларига улкан бошини қўйиб ётган баҳайбат шерга

үхшарди. Унинг ҳар жой, ҳар жойи кавланган бўлиб, сопол парчалари сочилган эди. «Сомон шляпали, қора қўзойнакли кишилар бир ҳафта қазишиб, ҳеч нарса тополмадилар шекилли, индамай жўнаб кетишди», деб эслашарди ёши катталар.

Ана шу тепалик ҳозир ҳам бор. Атрофи пахтазор бўлиб, поёноб сув унинг теварагига тушаверганидан мўъжазгина тўқайзор ҳосил бўлган. Тепаликнинг ярмигача зах чиқиб бориб, «баҳайбат шер»нинг қаддини чўқтирган. Неча асрлар гувоҳи, не-не аждодларимиз, дўсту душманларимиз қадами теккан маҳобатли «шер» ҳозирги авлодларимиз шу кўйга туширганидан ғамбода бўлиб сукут сақлади.

Шу тепаликка ёндош ерлар ўзлаштирилаёттанида қизиқ воқеа рўй берган деб нақл қилишади.

...Баланд-паст ерларни бульдозер билан текислашарди. Яқингинадаги қишлоқдан бир киши чиқиб, унинг ишини томоша қилиб ўтиради. «Ерни рандалаётган» бульдозер изида бир нарсалар қуёшда ярқиллаб кетди. Уни кузатиб ўтирган бир киши юргургилаб бориб қараса, йигирма-ўтизистча олтин танталар!

Улар бульдозернинг залварли «оёқ»лари остида парчаланиб кетган қадимий қўзачадан тушган эди. Ҳалиги одам ҳадиксираб бульдозер тарафга, теварак-атрофга аланглади. Бульдозерчи ҳеч нарсадан хабари йўқ, бамайлихотир ишини давом эттиради.

Олтин топган қачондир, кимдандир эшитганига амал қилиб, бош бармоғини тищлаб қонатади-да, қонини олтинлар устига томизади. Бунинг маъноси: шу топилдиқлар ҳаппаҳалол уники бўлди, дегани экан.

Шундан сўнг у танталарни апил-тапил йиғиштириб чўнтағига солди. Киссасини устидан ушлаганича уйига шошилади.

Бу ҳақда хотинига, ҳеч кимга оғиз очмай, танталарни елим халтага солиб, уйидан узокроққа — одамлар назари тушмайдиган жойга кўмади. Хотинига сездирмай, унинг оғзи бўшроқ эди, танталардан оз-оздан олиб данғиллама уй қурди, енгил машина олди.

Ночорлик билан тўла хайрлашиб, эндиғина фаровонлашиб бораёттанида фалокатта йўлиқди. Кечаси ҳазинаси кўмилган жойни очиб, бир-икки танга олаёттанида илон чақди. Уйига машинасини

бир амаллаб ҳайдаб келиб, останага йиқилганида аъзойи-  
бадани қўм-кўк шишиб кетган, тили калимага келмас эди...

Шундай қилиб, ердан топилган хазина тағин ерга  
қўмилганича қолиб кетган. Шуни айтадилар-да, эгасига вафо  
қилмаган – бошқага вафо қиласими, деб. Устига минг марта  
бармоқнинг қони издирилган билан ишлаб топилмаса насиб  
этмас экан-да.

Йиллар, эҳтимол асрлар ўтади... Бояги киши яшириб  
кетган, қаердалиги фақат унга ва Яратганга аён бўлган  
дафинани яна кимдир топиб олади.

Унга ҳам буюармикан?

\* \* \*

Отаси Абжал чопафон от билан туяга меҳр қўйган. Бу  
хислатлар Улжамолга ҳам юқсан, нортугулар, лўклар, харвоналар  
орасида bemalol юраверади. Бўталоқлар, айниқса унинг эрмаги.  
Кўзлари бирим чиройли. Онасини бир ярим йил қўймай эмиб  
юради. Жуда нозик бўлади, қурмагурлар. Ўзи туя зоти жуссаси  
катта бўлгани билан анча мўрт. Қалтироқ йиқилса, бирор  
жойини синдириб олиши оппа-осон.

Йиқилганида олдидা «ҳайт», «ҳайт» деб ўтиришдан ўзга  
чора йўқ. Шунда секин-аста туриб кетади. Машхур мақол  
шундан қолган бўлса керак-да.

---

### АЖОЙИБ РАҲБАР ЭДИ

Мен жуда кўп ўшилар матбуотда, түгрироги, Термиз туман,  
кейинчалик Ангор туман «Илгор» газетасида бош ҳисобчи вазифасида  
ишлаб, Ҳўжамурод акадек самимий инсон, истеъододли журналистни  
ҳаётимда кам учратганман.

1976 йилнинг 16 сентябрида Термиз туман газетаси  
таҳририятига шига келганимда, Ҳўжамурод Тоштемиров қишлоқ  
хўжалик бўлими мудири эди. Табиатан хуичақчақ, беозор бу инсон  
қайси даврада ўтирасин, албатта ҳазил-мутойиба авжиди  
бўларди, ҳеч ким зериқмасди. У қизиқ-қизиқ воқеаларни,  
ҳангомаларни шу қадар жонли тарзда ҳикоя қилиб берардики,  
кулавериб ичакларимиз узулгудай бўлиб кетарди.

Ўша, биз Ҳўжамурод акадан айрилган кун то ҳануз ёдим-  
да...

Туя қирқ йилча яшайды. Шунинг ўттиз беш йиллари одамнинг корига ярайди.

Кузда лўкларнинг ороми қочади. Масти тарқагунча ундан кўрқулик. Онаси Ойсифат бойвучча туя сутини соғишга моҳир. Қимрон, ёф қилишда ундан ўтадигани йўқ. Туя жунидан алламбалолар тайёрлайди.

Отаси ёз бошланди, дегунча туя пешоби билан оёқларини ювади. Қарабсизки, ҳар қандай қалин пойабзал кийганда ҳам ёз бўйи оёқ терламайди.

Ана шу Абжал чопағон билан Ойсифат бойвуччанинг кенжা қизлари ўғилшода Улжамол бўй етиб турибди. Бойсунда Ойбарчин бўлса, тұякашлар овулида Улжамол! Тенги чиқса текин бериладиган, сарвиқомат бир ҳилқат.

Тенги чиқди: куёв бўлмиш ҳам бетона эмас. Ота томонидан тогасининг йўлбарсадай ўғли Эшқора. Улжамол билан кечагина бирга ўйнаб, бирга мол қайтариб юрган бўз бола. Кийгани устига, егани оғзига ярашади.

Яхши қиз ўз овулидан чиқмайди. Энди чиқди «вечер»ларда топишиш, қизларнинг ота-оналарига безрайиб «Мен фалончини хоҳладим. Шунга берсаларинг берганларинг, бўлмаса қўшилиб қочиб кетаман», ёки «Ўзимни у қиласман, бу қиласман» дейишлари. Эл-юртнинг ҳаловатини қочириб, ярим кечагача гусур-гусур «вечер» қилиш, ерни чангитиб «зикр» тушиш, радиокарнай деган топилмай кетгур матоҳни

---

1998 йилнинг 8 май куни одатдагидай ишдамиз. Ҳўжамурод ака хонамга кирди-да: «Альбина, сизнинг ёзувингиз чиройли. Тошкентга бориши учун битта сафар гувоҳномасини ўз қўлингиз билан ёзиб беринг», деди.

— Ҳўжамурод ака, Сизнинг ёзувингиз ҳам жуда чиройли, — дедим мен.

Ҳўжамурод ака байрамдан сўнг Тошкент сафарига отланган, янги асарларини нашириётга топишишини, Ўзбекистон Ёзувчилар ююшмасига учрашишини мақсад қилиб қўйған эди. Ўша куни ҳаётининг сўнгги куни эканини сезгандек, у ҳамма қариндошишникига кириб чиқади, ҳаттотки, чегара туманида яшаётган ва шифохонада даволанаётган сингилларининг ҳолидан хабар олади.

Ха, Ҳўжамурод Тоштемиров ажойиб инсон, серқирра ижодкор, уни ҳамиша соғинч билан эслаймиз.

Альбина Миннигалиева

бақыртириб қўйишлар энди урф бўлди. Ҳали чилласи бошланмаган келиннинг юзи тапрайиб тўйнинг тўрида ўтиришию келин-куёвлар ибо сақлаш ўрнига лапанглаб ўйинга тушишлари ҳам энди расм бўлди.

Ишқилиб шу қилиқларнинг охири баҳайр бўлсин!

... Бугун Улжамол ота-она уйини тарқ этади. Туякашлар овулида тўй.

Узоқ-яқиндан меҳмонлар гурас-гурас келаяпти. Кўйлар сўйилиб, қозонлар билқилаяпти.

Тўйга қачонлар эди тайёргарликлар кўрилгани. Абжал чопағон Зарабоғдан бир заргар бобони уйидаги ҳафта сақлаб, Улжамолга шокиладор сирға, ақиқ кўзли билакузук, зебигардон ясаттириб, ҳақига икки тўқли берди.

Ойсифат бойвучча бир талай овсинлари, қайинсингилу овулдошлари билан напрамач, бўғжама, қурлар, ойнахалта, қошиқлов, тузлиқ сингари буюмларни қўлдан чиқарди. Қанча гилам, ҳасали пўстак, такъматларни айтмайсизми.

Келинга атаб балхи рўмол, маймунғози рўмол, фижим рўмол, қазна рўмоллар олиб келинган. Куда-қудағайларга беқасам тўнлар, тик желаклар, адрес чопонлар тикирилган...

Улжамол келинни роса ясантиришди. Аввалига у дутоналари қўлини силтаб ташлади. Келинлик лиbosларини улоқтириди.

Бундан ҳеч ким ранжимади. Чунки ирим шундай.

Унга ситорали кўйлак кийдиришиб, пешонасига сил-сила осишиди. Бўйнига гарданкаш тутишиб, ҳайкалу мунчоқлар билан безатишиди. Қимматбаҳо узуклари, латибаси, ҳапамату нўғойи кавуши ярашиб турган ўн етти-ўн саккиз ёшлардаги санамни кўз олдингизга келтирдингизми? Бу – Улжамол бўлади.

Дутоналари тегишишиади:

– Оting ўчгур. бир зўр келин бўлдинг-ей. Йигит бўлганимда ўзимдан ортмас эдинт.

– Зўрлигини бир ҳафта ўтгач биласан...

– Нагма қиласан бунча, ичингда-ку ўлиб турибсан, тезроқ Эшқорамни кўрай деб... Бирор айтган экан «Куёвимни кўргунча куйиб-ўлиб бораман», деб...

Келин тўрсаяди. Ёлғондакам бирор-яrimни муштлаган бўлади. Ўтовни қизлар қийқириги босади...

Хозирги келинлар тўй кийимини бир кечага аллақанча пулга сотиб олишади, дейишади. Бу лиbosларни ўзидан олдин

кимлар кийган, улар соғлом бўлғанларми-йўқми, ишлари бўлмайди. Бу ижара кийимларни ундан аввал енгилоёқ, ўзини кўп оғушларга ташлаганлар ҳам этнига тортмаган деб ким кафолат бера олади?

\* \* \*

Күёвнинг уйи унча узоқ эмас. Шу ердан янги тикланган ўтов кўриниб турибди.

Керагалари олтмиш бошли, кигизлари кўм-кўк, кўзни яшнатади. Кўк қоракўл қўйнинг кузги қирқимдаги жунидан босилган кигизлар. Бу кигизларни босиш учун Эшқораларникида неча бор ҳашар бўлган. Билаги йўғон йигитлар кигизларни тобига келтиришиб думалатишган.

Ўтовнинг чийлари олтиндек товланади. Тўқайдаги қамишлардан сараланиб олинган.

Келин учун нортуя ҳозирланиб, устига яп-янги гиламлар ёпилди. Бўйнига, тўрт оёғига аломат қўнғироқлар осилди. Жаранглаганида дилни қитиқловчи оҳанти йироқ-йироқларга кетади...

У пайтлар ҳозиргидек «Нексия», «Дамас»лар бормиди, ёронлар! Туя тұякашнинг оғир-енгил, иссиқ-совуқ кунларида ҳам, узоқ-яқин йўлларида ҳам садоқатли ҳамроҳи эди. Эндики келин-куёвлар талтайиб кетган: «тўйимизда бунча машина хизмат қылсин, икки-уч видеочи тасвирга олсин, фалон даста санъаткорлари келсин!».

Бир тўйда қатор кетаётган, сигнали юртни бузиб бораётган машиналардан бирининг олдига ёпилган сўзана ипни узилиб, олд ойнани қоплаб қолган деб гапиришади. Шу машинада келин-куёв ва уларнинг ҳамроҳлари бор эди.

Ҳайдовчи ҳеч нарсани кўрмай қолиб, машинани йўл четидаги бетон устунга бориб урган. Машина ағдарилиб, ичидагиларнинг бари жувонмарг бўлган, дейишади.

Шундайлардан Худонинг ўзи асрасин!

...Нортуяда Улжамол келин бўлиб бораётир. Олдида амакиларидан бирининг аёли – миқтигина хотин, туяга минавериб уддабурон бўлиб кетган янгаси ўтириби. Улжамол унинг йўғон белидан маҳкам ушлаган. Туянинг атрофида ўғил-қиз болалар чувиллашади. Ортида эса қуда-қудағайлар, тўй иштирокчилари сиполик билан одимлашади.

Улжамол түя устида оҳиста йиглаб борарди. Йигининг астойдил эмаслиги ҳеч кимни ҳайратга солмайди. Таомили шунақа!

Бир гурӯҳ йигитлар, ўсмирлар узун ходани кўндалант қўйиб йўлни тўсиши. Буни «боқон тутиш» дейдилар. Улар куёв томон билан бироз мунозара қилиши. Сийлов камроқ бўлди шекишли, «Боқон»ни истар-истамас четга олишаркан, пўнғиллашибди:

— Бечора Улжамол, зиқналарга келин бўпти, бизга лоақал битта қўзи ҳам беришолмади-я.

— Шоулоқнинг жойига эллик сўм узатишнияпти. Ўла, қурумсоқлар.

— Бундан кейин биздан келин олганларингизни кўрибмиз! Кудалар ҳам бўш келишмади:

— Йигитлар, оз дейсизлар, эллик сўмга Жарқўргоннинг бозорида учта қўй беради.

— Камини тўйга бориб ейсизлар.

— Куёв ўзларингизнинг ошноларингиз. Шуни қўймангизлар...

Ўтов ёнида нортуюни чўктиришибди. Улжамолни бақувват қўллар (Эшқораники, аниқ билди) тушириб олди.

Момолар, янгалар жийда, парварда, туршаклардан сочқилар сочишибди. Болалар талашиб териб олишибди. Келин тарафдан келган қудаларнинг эгнига пича-пича ун сепган бўлишибди.

Икки жойга ўт ёқилган. Келиннинг олдига чиққан онаси Турдигул чевар Улжамолнинг қўлтиғидан тутиб ўтлар орасидан олиб ўтди. Дарвоқе, олдига чиққан оналар хусусида. Маҳалладати обрўли аёллардан ёки қариндошлардан бири келиннинг олдига чиққан онаси қилиб тайинланади. Унинг эри эса тутинган ота саналади. Тутинган она ва ота келинга бир умрлик ҳомий, ҳамдам.

«Тушишгандан тутинган афзал» бўлиб кетишади кўпинча. Келин бу аёлни она, эркакни эса ота дейди.

... Турдигул чевар Улжамолни чор тарафга таъзим туттирди. Олқишилар эшитилди. Сўнгра ўтовга авайлаб олиб кирди.

Ўтов ичи сепда келган буюмлар — қурлар, зардеволлар, турли жиҳозлар билан аллақачон безатилган, тўрга алвон чимилдиқ осилганди. Буни кўриб Улжамолнинг юраги ҳаприқиб кетди...

Ичкари исиб кетганди. Шунинг учун бир томондаги чийларни таҳлаб, керагаларни очиб қўйишиди. Керагалар қўзанакларидан болалар қарашиб «Ана келин, ўтирибди», «Вуй, хушрўй экан» деб шодон қичқиришиди.

Ўтовга ҳузурбахш шабада кирди. Турдигул чевар Улжамолга сал дам бергач, уни яна ташқарига олиб чиқди. Навбатдаги урф-одатларни бажо келтириш лозим эди.

Турдигул чевар Улжамолни таъзимга энгаштириб қайнота-қайнона, овсинлар, қайнағаю қайнилари, қайнингиллари, меҳмонларга келин салом бердири. Шунинг эвазига ваъдалар олинди:

— Келинимга бузоқли сигир, ўнта қўй, тикиш мосин бераман, — салмоқдаб гапирди қайнота Кўчкинбой.

— Мен бўлса ўрмаксоз, тароқи гилам, супра, енгса, рапида бераман, — сахийлик қилди қайнонаси Кунсулов.

Қайн-қайноғалар ҳам мард кетишиди:

— Бир хум чойнак, ўнта пиёласи билан...

— Катта ҳамиртовоқ...

— Шерободнинг кўзасидан иккита...

Келиннинг бетидаги чимматини олишга талабгор болалар нариёқда баҳслашишади. Бу шарафли иш қайнилардан бири, тўрт-беш ёшлардаги — қалмоқ башара, сих сочли болакайга насиб этди.

У кўлига тутқазилган ўқлов билан Улжамолнинг юзидағи дока чимматни оҳиста кўтарди. Атрофдагилар шодланиб кулишиди. Турдигул чевар чимматни ўша боланинг белига боғлаб қўйди.

Улжамолнинг қўлини бир товоқ унга ботиришгач, келин ўтов биқинидаги ўчоқقا ихлос билан мой томизди.

Барча маросимлар бажо бўлгач, Турдигул чевар Улжамол — қиёматлик қизини ўтовга олиб кирди. Иккаласи ҳам хийла толиқкан эдилар.

Ташқаридан меҳмонларнинг баланд-паст овозлари, хизматда юрган ёш-ялангларнинг бесаранжом товушлари, Чоршанби бахшининг «Алпомиш»ни берилиб айтаётгани эшитилиб турарди.

\* \* \*

Уларнинг тўйлари бўлиб, никоҳлари ўқилгани эллигинчи йилларнинг ўртасида эди. Улжамолнинг эсида: ўша йили қаттиқ ёғингарчилик бўлиб, Ангорни сел босган эди.

Улжамол қирқ кун ўтовдан чиққани йўқ. Эмин-эркин ўсган одамга бундан-да зўр азоб бўлмаса керак. Турдигул чевар, дугоналари келиб сұхбатлашиб ўтиради. Улар Улжамолнинг янчмишни хуш кўришини билиб, дарҳол шунга уннаб кетишарди.

Янчмиш учун энди тандирдан чиққан иссиқ нон даркор. Уни обдан майдалаб, товоққа солинади-да, сариёққа аралаштирилади. Бурдаларнинг тафтида эриган сариёғ кўшилгач, ажиг бир егулик пайдо бўлади...

Дугоналарининг сұхбатлари орасида «Иби, уялмайсанми, шундай нарсаларни сўрашга», «Бунинг нимасига қизиқасан?», «Ўл, ҳали келин бўлсанг биласан», деган гаплар тез-тез эшитилар, сўнг қулги кўтариларди.

Эшқора ҳам тия тортади. Келиннинг чиллалигини ҳисобга олишиб, уни кўп узоқларга юборишмайди. Турмушлари бир маромда кечётган эди, фамилияси «Куруқ чўп» деганта ўжаш юрт каттаси шундай фармон беридики, одамлардаги ортиқча моллар олинсин, Амриқодан ўзиди кетишимиш керак, деб. Шу бўлди түякашлар ширкати ҳам барҳам топиб, унинг аъзолари бошқа касбларга ўтиб кетдилар.

Улжамол билан Эшқора жамоа хўжалигига ишлай бошлишди. Топиш-тутишлари ҳеч кимницидан кам эмас. Лекин фарзандлари турмай, диллари кўп хира бўлди. Тўнғичлари яшаб кетганида ҳозир қирқ ёшдан ошарди. Кетма-кет тўрт ўғил-қизни тупроққа беришди. Умри узоқ бўлиб, ўзидан кўпайтуп Тўхтатош уларнинг кўзга суртгандари бўлди.

Тўхтатош бир яшар эдими, ундан ўтганниди, оиласининг бошига кулфат тушди. «Занг» каналидан хўжаликка бир ариқ сув очиб, отлиқ келаётган Эшқорани мудроқ босади. Фўзага дори сепаётган сап-сариқ самолёт пешинги парвозга кўтарилаётганида оти ҳуркиб кетади. Эшқора унинг устидан учиб кетиб, анча бехуш ётади. Одамлар хабар топишганида у чалажон, оти атрофида айланиб, пишқириб-пишқириб кўярди.

Эшқора «әлға күлкарғы, олишли түй қилиб, Тошкентдаги Ҳалима Носировани олиб келолмадим», деган армон билан кетди. Дағнан куни, еттиси, қирқи, ҳатто йилида ҳам Сурхон ва Қашқадан гапта етар тұякашларнинг бари ҳозир бўлди.

\* \* \*

Эмдан жони тинчиган Тўхтатош анча эскириб қолган кўрпачага ёзилган дағал чойшабнинг бир чеккасини гижимлаб ухлаб қолди.

Хонада иккалови. Учинчи кароват соҳибаси – рангпар аёл икки бор сариқ касал бўлган. Энди истисқодан қийналади. Унинг изидан келадиган ўғли ҳунар мактабида ўқииди. У деразадан бир қараб, бурнини ҳавасга тортгандек тураверади. Аёл бир кечага жавоблашиб, уйига қўшни вилоятдан келган қудалари билан «иияк уриштиришга» кетган.

«Мен, маланг бўлмай ўлайин, бу бирамай қизга ҳам жабр қилдим. Уй тикмасам, ўлиб бораётувдимми? Бирор сал илиқ гапириб, пона қўйса, учеб кетавераман. Бу одатим энди ўлганда қолади», ўйлади Улжамол момо.

Унинг кўз олдидан байрамга тараффуд ташвишлари ўта бошлади...

... Ўша куни хўжалик раҳбарларини кузатиб кўйгач, келинлигидан хотира бўлиб қолган ўтовининг анжомларини кўздан кечирди. Чанг-чунгини қоқишириди. Тўхтатош ҳам отзи-бурнини рўмоли билан боғлаб унга ёрдамлаши.

– Насиб этса ана шу рўмолинг янги бўлади. Ўрин олсак, мукофоти бор экан, қизим.

– Мукофоти бултургидай бўлса, худой есин, керак эмас. Эсингиздами, «Фахрий ёрлиқ» деган қаттиқ қофоз беришган эди.

– Ношукурлик қилма, тойсин! Катталар шуни бизга раво кўрибди, раҳмат! Момохол, Қизлархонлар ҳеч нарса ололмай, қуруқ қайтишди-ку. Эдирангламай ўқларнинг чангини сурт. Индамаганга ҳаддингдан ошиб, гап гапирадиган бўлиб бораяпсан...

Тўхтатош «миқ» этмай ишини қиласкерди.

Инденига момони қизи, ўтов-пўтови билан шаҳар Марказига аравачали тракторда «аллада азиз» қилиб кўчириб боришиди.

Бу ерда ҳам иш қайнаб ётган экан. Бошот күп, бир-бирига ақл ўргатиб, каттаси кичигига күрсатма берип юрибди. Бирор нарса устида тортишиб қолишса, нарироқдаги уч қаватли бинода ўтирган оқсоқолдан сүраб келишадими-ей.

Улжамол момо тайинланган жойга ўтовни тиклай бошлади. Уларга изма-из етиб келган икки ҳамқишлоқ аёл – Ҳурбиш, Қизман, тракторчи Тошанлар күмаклашди.

Дастлаб керагалар тикка қилинди. Одатда керагалар қирқ саккиз, эллик икки, олтмиш бошли бўлади. Буларники ҳам олтмиш бошли. Уларни бир-бирига маҳкамлашгач, эшикни ўрнатишиди. Тошан бир-бирига чандиб боғланган тўртта ўқ билан чанғароқни азот кўтариб турди. Аёллар ўқларни чанғароққа тез-тез қадаб, бир томонини керагага боғлай бошилашди. Олти-етти ўқ, шу жумладан, эшик устига жойлаштирилган етим ўқлар ҳам чанғароққа қадалгач, Тошанинг кераги бўлмай қолди. У терини арта-арта четга чиқди.

Ўқларнинг барчаси қадалиб, тизмалар маҳкамлангач, кигизлар ёпилди. Белдов, тоғобчилар кигиз устидан жой олгач, жуда ярашиб тушди. Чанғароққа туйнук ташланди, чий тутилди. Керакли қозиқлар қоқилди, боғланадиган жойлари боғланди.

Қарабсизки, турли миллатдаги кўчманчи қавмларнинг қадимий манзили бўлган росмана ўтов таҳт. Ичидаги юкоёқ, обдаста, жунтароқ, хумра, ўчоқ тош, ёрғунчоқ, куви сингари юзлаб ашёлар жой олди.

Бу ишларга шаҳарнинг турли элатларга мансуб фуқаролари, бола-бақралари эринмас томошабин эдилар.

«Тушдан кейин комиссия тайёргарликни кўрикдан ўтказар экан», деган хабар келди юқоридан. Ҳамма баттар бесаранжом бўлиб қолди. Чунки ҳамма нарса шай деганда ҳам қайсиdir иш чала қолган бўлади-да.

Комиссия тушдан кейин келмади. Номозшомда ҳам дарагини солмади. «Ҳеч ким ҳеч ёқقا кетмасин. Баривир кўрик бўлади», дейишган бўлса ҳам, Улжамол момо Ҳурбиш, Қизман, Тошанларга жавоб берди: «Бизнинг ҳовлига ҳам қараб-қараб кўйингизлар».

\* \* \*

Ўтовнинг олдида она-бола қолишиди. Булар ҳам боягилар билан кетишиша бўларди, аммо иккиланишиди: шаҳар жой, ҳар хил одам бор. Ўтовни беафтор қилиб кетишадими...

Улжамол момо бошқа хўжаликларнинг қўшхоналарини ҳам кўриб қайтди.

— Айланиб сер солдим. Бизнидан ўтадиган ўтов кўрмадим. Қараб тур ҳали, бизга биринчи ўрин тегади.

— Ўрин, ўрин деб эсингиз кетди-да, эна.

Она-бала дока рўмолга туғиб келинган нон ва жийда билан тамадди қилишиди. Сўнгра уйнинг олдига шолча ташлаб бақамти ўтиришиди. Нимани гурунг қилишни билишмайди. Кун бўйи югур-югурлардан чарчаган Тўхтатош онасининг тиззасига бош кўйди.

— Катта-матта қиз ташқарида ётасанми, уйнинг ичига кир, ул-бул нарсани тўшаб ёт. Ҳаво совияпти. Пича ўтириб менам кираман. Икковимиз ҳам ҳозир кириб кетсак, комиссия келиб қараса биз йўқ. Ҳе, ўлинглар-эй, демайдими.

Тўхтатош ўтовга кириб ялангқават кўрпачага чўзилиб, устига тикиш машинада қавилган камзулини ёпинди.

Момо қанча ўтирганини билмайди, шу томонга келаётган кишилар қорасини кўриб сергак қотди. Булар — ҳаяжон билан кутилаётган комиссия эди.

Комиссия икки эркак (улардан бири ўзларининг раиси), уч аёлдан иборат экан. Улар жуда хушнуд эдилар. Момога яқин келишганида улардан ароқ, атир, тандир кабоб ва тағин алланималарнинг иси анқиди.

— Салом, момашка, — деди улардан бирори — чарм камзуллиси. Каттакони шу бўлса керак, ўзига ишонч, виқор билан турарди.

— Алайкум ассалом, — жавоб берди Улжамол момо ҳам ғурур, ҳам ҳадик аралаш. — Келингизлар, кўрингизлар, ойнажонларим.

— Ойнажонларингиз мана булар. Қалай, ўхшайдими? — деди аёлларни кўрсатиб каттакон.

Ҳазилим боп тушди деб ўйлади-да, хохолаб кулди. Аёллар қиқирилашди.

— Ўтов нечево, ҳа? — атрофдагиларга қаради чарм камзул.

— Яхши, Бори Қориевич, —чувиллашди «ойнажонлар».

Улар мамнун ҳолда ўтиб кетишиди. Сал нарироқقا боришгач, аёллардан бири нозланиб: «Бори Қориевич, одамлар қараб туришибди» деде вижирлади. У лорсиллаб қочган, чарм камзул қувган бўлди. Яна қийқириқ кўтарилиди.

«Садағаси кетай, бир хил эркакларнинг ишига тавба дейсан. Ҳалиги хотиннинг ҳам бойи бордир, болалари бордир. Шундай ишларнинг касри ўзларига эмас, бегуноҳ болаларига уриб кетармиш», деде хаёлдан ўтказди Улжамол момо.

Момо йигиштириниб, ўтовга кирганди. Тўхтатош уй-қусираф сўради:

— Комиссия келиб кетдими, эна?

— Кўмайнундай комиссияни. Ҳа, келиб кетди. Нима қизифи бор сенга? — момо негадир жаҳланиб кетди.

— Сўраганиям қўймайсизми... — хафа бўлди қизи.

— Мана сўрадинг. кўнглинг тинчидими? — деди момо ҳамон аччиғи тарқамай.

Қиз онасининг нима жин урганини била олмади. Бошқа савол бермади.

Момо бир пўстакни ёзиб, унга чўзилди. Шу ётишида тонг саҳарда Тўхтатошнинг «Эна, эна, эна деяпман» деган зорланишидан уйғониб кетди.

— Ҳа қизим, бунча «энан»лайсан?

— Белим оғрияпти. Еб бораётти.

— Ноқулай ётиб қолгандирсан? Шуникидир?

— Йўқ, қимирлаёлмайман. Иситмам ҳам бор, эна.

Момо кафтини Тўхтатошнинг пешонасига босди. Ҳарорати баланд эди. Момонинг юраги «шув» этди. Кимнималар хаёлидан кечди.

«Ҳали бу кўргилик бормиди, бошимда. Ўл сен, малингсирамай. Уйда сидирғи урчуғингни йигириб ўтирумайсанми. Ўтов тикиб гўр бўлдингми. Бу киши мукофот олар эмиш. Оласан ҳали, каттасини. Бултур ҳам мукофотга деган панжи қўй «жилдир кетди» бўлиб, раисникида сўйилди-ку. Ўл эмасда, бул эмас, ўзингни ўққа, чўққа уриб юрасан. Ёлғизгина қизингни мукофотга алиштириб ўтирибсан-а. Асли пешонанг тирттайган ўзи сенинг».

Момонинг шууридан шу изтиробли ўйлар ўтди. Нима қиларини билмай, униккан гарди рўмол билан Тўхтатошнинг бошини танғиб қўйди.

Улжамол момо «Бегона шаҳарнинг ўртасида, бирорни танимасам, кимга бош уришни билмасам», деб икки дунёси қоронгу бўлиб ўтирганди, фуқаролар йигини раиси Тиркашевни Худо етказди. Унинг эскигина машинаси ўтов олдига пўриллаб келиб тўхтади. Ўчганидан кейин ҳам нимадир «пок» этиб кетди.

— Қайтиб ётибсизлар? Кеча хабарлашолмадим. Афғондан бир оёқ бўлиб қайтган жиянимиз бор эди-ку, шу тўй қилди. Бошида турмасак, уят.

У тўйдан қатпатирнинг орасига гўшт, қуйруқ солиб, олиб келган экан. Бу ердагиларнинг гўшт-қуйруқ ейдиган ҳоллари йўқ эди. Касалхонага жўнашди.

Йўл-йўлакай Тиркашев «Қаердан бўлса ҳам пича бензин топишимиз керак. Бўлмаса қишлоққа қайтиб кетолмайман. Йўлдаги ҳамма колонкаларга шланг ўраб қўйилган», деб гапириб борди.

Касалхонага киришган эди, поликлиникага буюришди. У ердагилар беморнинг ҳужжатларини, қаерданлигини сўрашди. Қишлоқдан эканлигини эшитиб, «ўз туманларингизга борингизлар» дея гапни калта қилишди.

Туманда Тиркашевнинг таниш ҳакими бор экан. Тўхтатошни жойлаштириб, онасини ҳам олдига ётқизиши.

— Ўтов тикилганича тураверадими? — сўради Улжамол.

Тиркашев кулди:

— Эй, ўтовга алағда бўлманг. Бузиб, ҳовлингизга олиб келиб соламиз.

\* \* \*

Тиркашевнинг таниш ҳакими, кампирбетли киши Тўхтатошнинг буйраги шамоллаганини маълум қилиб, Улжамол момога кўп дориларни ёзиб берди:

— Биздан топиладиганларини ёзмадим. Қизларимизга айтсангиз, беришади. Охирида ҳисоб-китоб қиласиз-да, — деди у мулойимлик билан.

Момо ҳайрон қолди: «Қизлари қаердан оларкан? Уларнинг дори заводи бормиди? Ҳали булар оламжаҳон пулни айтишса керак. Катта қайноғаси Эшмир полвонга айттириб, уйдаги танани соттирмаса бўлмас. Жон омон бўлса, мол топилади».

Бу ернинг қизиқ одатлари бор экан. Қайси ҳамширадан дори-дармон олсангиз, дарҳол ўша билан соз бўлиб қоласиз.

Овқат тарқатувчи, селкиллаб юрувчи аёл ҳар косага қүш насибасидай нарса солиб беради. Беморхона овқатларига Тұхтатош сира ўрганолмади.

«Ич, егин» деган сайин иштаҳаси нари кетади.

Ҳамқишлоқлар, қариндош-уруғларни худо ёрлақасин. Бири кескан ош, иккінчиси сутпалов, учинчиси пиёва, тағин бири нонтүшама олиб келади. Улжамол овқатлардан истисқо аёлга ҳам манзират қиласы. У авваллари тортиниб турди. Кейинроқ кострюль очилиши биланоқ құлинин ювіб келадиган бўлди.

— Кизингизга «Бисептөл» ёзишибди. Олиб келасизми ё ўзимизда боридан ишлатаверайнми? — эшикдан бош сұқди ҳамширалардан бири — укувсизгина пардоз қилгани.

— Ўзингдан қиласы, ойнажоним. Пулини мендан оласан.

Укувсизгина пардоз соҳибасига шу гап етади: ошкора севиниб кетди.

Тұхтатош сезиларли даражада тузала бошлади. Ёш, ҳаётта ташна вужуд хасталикни тез енгмоқда эди. Кейинги икки кунда касали бир марта хуруж қилди, холос.

Хол сұрагани келиб туришибди. Раис билан хотин-қизлар сардори қорасини ҳам соглани йүқ. «Уларга ҳам осонми. Эл ташвишлари билан ҳакиқлашиб юришігандир», деб үйлади момо. Тұхтатошни келиб күришга улар бурчли, лекин шунга тамизлары етмаёттанини Улжамол кампир англамайди.

Кизику тузалди. Ўтов нима бўлдийкин. Тиркашев гапида туриб, эсон-омон ўтовни ииғидириб уйига олиб бориб қўйдими?»

Момо шу хаёлларга андармон бўлиб турганда қизи:

— Вой белим-ей, деб ингранди.

«Миянг суюлгур кампир, қариганда мукофотга бало бормиди» деде койинган Улжамол момонинг кўзларидан ёш томчилади.



## БОБОЁРОВНИНГ ЖИЯНИ

### I

Тоғамни танисангиз керак? Ие, бошингизни сарак-сарак қиласызми? Наҳотки калта бўйли, штангачиларникидек миқти гавдаси тұнкарилган қайиқчадай қорнининг изидан эргашиб бораётганга ўхшаш, пича ҳовлиқиб юрадиган кишини сира учратмаган бўлсангиз? Хизмат машинасининг орқа ўриндиғида иягидан юқориси кўриниб ўтирадиган, шляпасини фаслга қараб алмаштирадиган одамга ҳеч кўзингиз тушмаганми?

Хокимнинг олтинчи муовини, кимсан Бердиёр Бобоёровични билмасангиз. Яна қўлларингизни кенг ёзиб, бошингизни сал орқага ташлаганча елка қисдингиз-а. Бўлмаса эшитинг. Бизнинг тоға масъул шахслардан. Катта-кичик ҳайъатларда ўз ўрни, серҳашам идораси, қабул соатлари, бешта, йўғ-ей, учта телефони, биллиардники сингари кенг столи бор.

Мен тоғамнинг бош, яъни катта жияниман. Айтишларича шу дунёning ташвишларига шерик бўлганимга уч кун тўлганида тоғам эзгу тилаклар билан исмимни «Яхшибой» қўйиб берган экан.

Йиллар ўтиши билан менинг ёшимга ёш, тоғамнинг эса мансабига мансаб қўшилаверди. Мактабга борган чогимда у қўкаламзорлаштириш идорасининг мутасаддиси эди, ўнигчига ўтганимда... Бунисини юқорида айтдим шекилли. Тоғам бир куни мактабимизга келиб-кетган эди, ўқишни битирадиган йилим «Бердиёр Бобоёровичнинг жияни» бўлиб ўқидим.

Ростини айтсам, «каттакон раҳбарнинг қариндоши» деган унвон билан юриш ўзимга ҳам бир қадар хуш келарди. Тенгқурларимнинг ортимдан ҳавас, ҳасад аралаш шивирлашиб қолишлари, қўли бўшади дегунча пешбанди билан елпиниб, «вой, ёниб кетдим-эй» деб зорланиб ўтирадиган буфетчи холанинг лапанглаб келиб мени навбатсиз жўнатишлари, директоримизнинг илтифотли муомалаларидан гуурланиб қўярдим.

Айни маҳалда бу ҳолдан ўнғайсизланиб кетардим. Синфдошларимнинг мендан ҳадиксирагандай узоқлашиб кетишаётгани, ўзларини тортишлари ҳам ташвиш, ҳам хижолатта соларди. Танаффусда чақчақлашиб туришганида мен ҳам даврага суқилмоқчи бўлсан, қайнаб турган қозонга бир чеълак совуқ сув ағдарилгандек суҳбат бир зумда тиниб қоларди. Ёнимдаги бола ҳам «бу ердан доска яхши кўринмаяпти», деб бошқа партага ўтиб кетди.

Физикадан янги муаллим кирди. Ҳаммамизни биринсирин турғазиб, исм-шарифимизни сўраб таниша бошлади. Галим келгач, туриб «Яхшибой Қулиевман» дейишга оғиз жуфтлаётган эдим, жиккаккина Қулсоат «Бу киши Бобоёровнинг жиянлари бўлади», деса бўладими. Бутун синф кулиб юборди. Бирорнинг чўнтағига қўл тиқаётганда тутилган кишидек қип-қизариб кетдим. Асли шу Қулсоатни иқим суймайди. Қачон қарасант ўйингоҳдан бери келмайди, ўқишилари доим «беш». Ўтган куни тогамнинг машинасида келаётганимни кўрувди. Шунинг алами бу.

Ўқитувчи столга бир шапати тушириб синфни тинчиттгач, Қулсоатга ўқрайиб кўйди. «Ана энди кўраверасан, ичи қора» дэя хаёлимдан кечириб кўйдим. Шундай бўлса-да, Бобоёровнинг жияни эканлигимдан негадир хафа бўлиб кетдим. Ўқишини тамомлагунча бундай хафагарчиликни бир неча бор бошдан кечиришга тўғри келди.

## II

Мактаб йиллари ҳам ортда қолди. Қўлга шаҳодатнома теккач, кўп синфдошларимдек олий билимгоҳларнинг эшигига ўзимни ургим келмади. Қалбимнинг бир четида сақлаб юрган пинҳоний ниятим бор эди. Миршаб бўлмоқчи эдим. Буни ҳеч кимга, ҳатто онамга ҳам ошкор қилмаганман. Синфдошларимни майна қиласи, деб чўчисам, онамни рози бўлмайди, деб ўйлардим. Жасур изқуварлар, даҳшатли жиноятчилар билан яккама-якка олишувда устун келган кишилар ҳақидаги кинофильмлар, китоблар менинг жоним эди. Маҳалламиз нозири Шоқосим аканинг зарҳал белгили либоси болалигимдан мени ром қилган. «Улгайгач ўша кишидай паҳлавон қоматли мелиса бўламан», деган қарорни дилимнинг тўрига жо қилганман.

Келажақда ўзимни ички ишлар ходими қиёфасида күрар, чигал ишларни ҳам қийналмай фош қилар, баъзан икки-уч безорига қарши юзма-юз келиб қолар, уларни шарқона якка кураш усули билан ерпарчин қилиб ташлардим...

Орадан беш-олти кун ўтказиб, түппа-түғри ички ишлар бўлимига кириб бордим. «Йўли бўлган йигитнинг янгаси олдидан чиқади», деганларидек, шу куни Шоқосим ака навбатчи экан. Тараддуланиб тургандим, унинг кўзи менга тушиб, ойнаванд дарчадан ёнига имлади. Саҳрова адашганда карвонга йўлиқдан кишидек севиниб унинг олдига яқинлашдим.

— Ҳа, Яхшибой, нега келдинг, ўғлим. Тинчликми?

— Тинчлик. Мени ишга олингизлар, — девордим дабдурустдан.

— Ишга дейсанми? Қойил азамат! — Шоқосим аканинг тақадек мўйлови остидаги лаблари кулгидан ёйилди. — Уйдагилар билан маслаҳатлашдингми?

— Йўқ ҳали... Кўнишади улар... — дедим ҳам илтижоли, ҳам журъатсиз овозда.

— Оббо, ўзинг-ку дуруст йигитсан-а, буёғи законний бўлмабди-да, — Шоқосим ака оғрингандай бўлди.

— Аввал ишга олинг. Онамларни унатаман... — дедим бетоқатланиб.

Кўнглимнинг бир чеккасида аллақандай гумонлар илдиз ота бошлади.

— Биринчидан ишга мен эмас, бошлиқ қабул қиласди, — дўриллади Шоқосим ака қатъият билан. — Иккинчидан ҳеч қурмаса Бердиёр Бобоёровичга бир оғиз айтиш керакмиди...

«Яна Бобоёров! Қаерга бормайин бу ном кетимдан қолмас экан-да. Миршабликка олиш қўлидан келмас экан, тўғрисини айтавермайдими. Нима қиласди тоғамни аралаштириб. Энди менам мустақил одамман. Битириш кечамизда директоримиз шу гапни қанча тақрорлади, ахир».

— Ундей бўлса, бошлиқ билан гаплашаман. — дедим Шоқосим акани менсимаган оҳангда, асабийлашиб.

— Ихтиёргинг. Бошлиқ ҳам «Яхшибой қачон келиб мен билан гаплашаркан», деб кутиб ўтиргандир.

Шоқосим аканинг тақасимон мўйлови яна ҳаракатга келди. Бироқ кулгисини сездирмай давом этди:

— Лекин... Ҳарбийда бўлганинг йўқ-ку. Бизга хизматдан кейин олишади. Қоида шундай! — чертиб-чертиси гапирди у.

Кўлтиғимда омонатгина турган тарвузим сирғалиб тушиб кетди.

«Эҳ Яхшибой. Яхшибой! Бунисига нима дейсан энди. Бу Шоқосим аканинг «Ҳали гўдаксан, сенинг йўлинг ҳу наритиси эди-ку» дегани эмасми? Шунисига келганда ақлинг етмабди-да, «жасур изқувар». Бугуноқ ишга жойлашиб, уйга яп-янги либос кийиб бориб онангни, қолаверса, тоғангни тоза ҳайрон қолдирмоқчи бўлгандинг-ку. Тоғангнинг «Бу жиян бошдан-оёқ меники. Ўзим одам қиласман, имзоси бутун шаҳарга, вилоятга юрадиган киши қилиб чиқараман», деб катта кетганига «муносиб зарба» бермоқчи эдинг-ку. Энди бу хабарни эшигтгач сени роса мазах қиласар.

Яхшибиси билмагани дуруст. Шоқосим ака айтиб қўйса-чи? Ҳоланг билди, олам билди, деганларидаи ҳаммаёққа овоза бўлиб кетса-чи? Синфдошлари, Кулсоат ҳам эшигиди. Кўрган заҳоти қўлинин чеккасига тираф салом берар. Шоқосим акадан илтимос қиласай, зора гап орамизда қолса».

— Шоқосим ака, жон Шоқосим ака. Ҳозирги гап-сўзларни онам билан тоғамга сездирманг, — дедим ўлкам тўлиб.

— Хўп! Бизнинг касбдагилар бундан катта сирларни ҳам сақлай оладилар! — қувлик билан жилмайди у.

Ҳал қилувчи ўйинни бой берган шахматчидай хомуш судралиб чиқиб кетдим.

### III

Ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб яна қаршингиздаман. Бир ярим йил «Бобоёровнинг жияни» деган таъналардан йироқ юрдим.

Ҳарбийга ўз аризам билан кетаётганимни онамга нақ жўнайдиган куни айтдим. Тоғамга-ку сира учини чиқарганим йўқ. Бирор важ билан қолдириб юборадими, деган хавотирда эдим. Хизмат жуда яхши ўтди. Чегарачилар қисмига тушиб қолдим. Бир марта таътилга келиб кетдим. Қисм қўмон-донлиги икки марта уйимизга раҳматнома юбориби.

Таътилда эканимда тоғам келиб тўлишган бўй-bastimga, кўксимдаги турли нишонларга сохта хотиржамлик билан назар ташлади.

— Мудофаа бўлими билан гаплашиб, сени хизматнинг энг қизғин жойига жўнаттиргандим, агар билсанг. Чиниқиб қайтсин деб шундай қилдим, — деди у кўзларимга қарамасликка ҳаракат қилиб.

Мен маъноли томоқ қириб, кулимсираб онамга қараб қўйдим. Онам эса ҳеч нарсадан бехабар қўшиб қўйди:

— Яхшибой жўнаётганда сиз Чортокда эдингиз. Қайтиб келиб гаплашгансиз-да, а?

Тотам ўзини эшитмасликка олди...

Ҳарбийлик йилларим бўш вақт топдим дегунча китобга мук тушардим. Хизматдан сўнг ҳуқуқшунослик факультетига қириб, олий маълумот олмоқчи, сўнгра милицияга ўтиб кетмоқчи эдим. Қисмимиздан яхши тавсиянома ҳам олиб қайтдим. Олдимда дорилфунун синовлари турарди.

Июннинг жазирамасига қарамай ҳарбий либосимни кийиб, қабул ҳайъатига бордим. Ёш-яланларнинг орасини ёриб ўтиб бўлмайди. Ҳали лабининг устига тиф тегмаган ўспириналар, узун, одми кўйлак кийган қизлар... Ҳаммасининг қўлтиғида бир хил жузгир. Улар билан келган ота-оналари четдан жовдирашади. Ҳеч бўлмаса шу ерга келиш билан болаларига мадал беришмоқчидай.

Ҳалиги ёшларга қараб ич-ичимдан фахрланиб қўяман. Ўзимда уларга нисбатан анча фарқ, устуворлик қўраман. Ҳақиқатан, буни бошқалар ҳам пайқагандай менга ҳурмат билан йўл бўшатишиади. Атрофдагиларнинг суқли нигоҳлари остида ҳужжатларимни топшириб қайтдим. Онам севинди, дарҳол сўрали:

— Тофанг билдими буни?

— Нима қиласди билиб. Жойимга имтиҳон берадими?

— Болам, ўзбошимчалигинг қолмади, қолмади-да. Олдидан бир ўтсанг, катта бошинг кичрайиб қоладими? Минг қилсаям тоғанг. Ўзига яраша обруси бор. Битта тоға ўнта отанинг жойини босади, деганлар. Ҳалиям ке~~т~~ эмас, бир учрашиб қайт, ўғлинг кўпайгур...

Онамнинг раъйига кўра тоғамнинг идорасига бордим. Ҳамма қатори навбат кутиб ичкарига кирдим. Тоғам бошини қоғоздан кўтармай «ўтиринг» деб қўйди. Хонанинг салобати босдими, унинг овозидаги оҳанг мажбур қилдими, ҳар қалай энг чеккадаги стулга илиндим. Очик деразадан майин шабада кириб, кулдондаги фильтрли сигаретнинг тутунини ҳар

мақомга солиб соллантиради. Осма соатнинг бир маромда чиқиллаши, пастлатиб қўйилган радионинг овози аллақандай жозибали.

Тоғам сигаретни лабига қистира туриб кўзи менга тушди.

— Сенмидинг. Гапиравермайсанми?! — деди анчагина тақалуфсизлик билан.

Муомаласидан ҳайратландим. «Иш жойидаги шароит шуни талаб қиласа керак-да», дея хаёлимдан ўтказдим.

— Юрфакка ҳужжат топширдим. Шуни айтгани...

— Уҳу, юрфакка?! — тоғам айланадиган ўриндигини олдинроққа суреб, сигарет тутунидан чап кўзини қисин-қиради. — Дорнинг баландини топиб осилибсан-ку. Бизнинг уруғдан ҳам бир прокурор чиқадиган бўляяпти шекилли, — деди кесатиш билан. — Бошқа бирортаси, олайлик чет тилларми, пединститутми дегандай, бўлмасмиди? Бирор ярим ошналар бор эди уларда.

— Шу... маъқулдай кўринди...

— Маъқулликка-ку маъқул-а. Аммо киришни айт, киришни. Ҳар ўринга юз, юз эллик ариза. Буёғини ўйладингми ҳеч?

— Ўйладим. Бир ярим йилдан бери ўйлайман, — жавоб қайтардим унинг гапларига гожлигим тутиб.

— Бир ярим йилдан бери дегин-а? Арқон жуда узун ташланган-ку. Балки аудиториядан жойингни ҳам белгилаб қўйгандирсан?

Унга бир қараб олдим-да, индамадим. Туриш-турмиши истеҳзога йўғрилган сўзлари танамга ништардек қадалмоқда эди. Тоғам турқим бузилганини кўриб бир парда пастлади.

— Биз сизлардайлигимизда ўзимиздан уч кунлик катта киши ҳам бир нарса деса пусиб қолардик. Сен тенгилар эса... Одамнинг нақ тепасида гапирасизлар.

«Мен тенгилар»нинг шаънига бир ҳовуч «шираликина» гап бўлди. Шу орада эшик қия очилиб, аввал учидаги резинаси ейилган ҳасса, кейин эгаси — ушоқцина чол кўринди. Тоғам: «Отахон, бир оз сабр қилинг», дея уни қайтаргач, ваъзига хотима ясади:

— Пайқашимча катта ўйинга кўшилибсан. Улоқни отнинг зўри айиради, агар билсанг. Мендан ёрдам умид қилма. Имтиҳондан ўтолсанг мандатда бир аралашиб кўрарман. Айт, ҳалиги бобой кирсин...

Қабулхонадагилар: «Э, хайрият-эй», «Кеча экилган ниҳолдек бола экан-у гапининг чўзилганини қара», «Вилоят тақдирини ҳал қилиб чиқдими, ким билсин», «Ҳалиги жойлардаям шунча куттирса борми...» деган «ёқимли» сўзлар билан қарши олиши.

Кейинги гапта ҳамма кулиб юборди.

#### IV

Имтиҳонолди машғулотларига қатнаб турибман. Мақсадим: «кatta ўйинда улоқ айриш».

Имтиҳонга икки кун қолган. Томоғимдан нон тутул сув ҳам ўтмайди. Агар «икки кундан сўнг сел келиб, маҳаллаларингни том бўйи сув босади», дейишиша ҳам бунчаликка тушмасдирман. Китобларни титкилайвериб шўрликларнинг варақларини анча юқартириб юбордим. Тест Маркази ахборотномасидаги саволларни-ку сув қилиб ичиб юборганман.

Онам атрофимда гирликапалак. Киртайган кўзларим, салқиланиб қолган юзимга қараб нуқул бир тапни такрорлади:

— Қўй болам, бунча ташвиш чекиб сенга нима. Ўқимаганларни маҳалладан ҳайдаб чиқаришадими. Ипликдай бўлиб қолдинг, китоб ўлгурга термилавериб. Ишқилиб йигит пири қўлласин-да сени, болам...

Лекин, «йигит пири қўлламади».

Имтиҳон бўладиган хонага ҳамма қатори кириб, олдинроқдаги жойлардан бирига ўтиредим. «Шундай қилсам, ҳар хил шубҳалардан холи бўламан», дея кўнглимдан кечириб қўйдим ва бу фикримдан қувондим. Дарҳақиқат, кўплар ўзини орқароққа урар, менинг қаторимга талабгорлар кам эди. «Шубҳали жой»лардан ўрин тополмаган, ёши ўттизларга борган, чаккасоқолли, лўппигина йигит ёнимга норози қиёфада келиб ўтири. У ҳамон ортига қараб-қараб қўяр, жуссаси тобора кичрайиб бораёттандай эди. Ҳатто қалин чакка соқолларида ҳам тер маржонлари ялтираб кетди.

«Саккиз-ўн йилдан бери қатнаб юрган қария аби-туриентларга ўхшайсан, оғайни. Ҳар қалай бу сафар сени ҳам «йигит пири қўллаб юборсин-да», деб қўйдим ичимда.

Имтиҳон олувчилар ҳайъати асъасаю дабдаба билан кириб келди. Хонадагиларга тест қоидалари яна бир бор уқтирилди. Ҳат-жиллар қоидаларга мувофиқ ҳолда очилиб, саволномалар тарқатиди.

Тайёргарлигим зўр бўлгани асқотдими, билимим ҳаддан ташқари кўплик қилдими, ҳайтовур саволларга аниқ-тиник жавоб топиб, белгилай бошладим.

Шеригим қиздирилган ўриндиқда ўтиргандек безовта бўлар, унга сари менинг чехрам очилиб бораради. Чаккасоқол саволларни қайта-қайта ўқир, беҳаловат бўлар, пешонасини фижимлаб, алланарсаларни хаёлига келтиришга уринарди.

Аҳволига ич-ичимдан ачиниб кетдим. Кўнгилчанглигим бор-да, шу туфайли кўп марталар панд етаниман. Аммо бу менга сабоқ бўлмай келмоқда.

«Тўхта, сен-ку бинойидай саволларга жавобларни белгилаяпсан. Бироқ манави бечора-чи? Уч кунлик овдан ўлжасиз қайтган мергандек тумшайиб ўтиrsa. Не-не ниятлар билан келган бу ерга. Балки узоқ қишлоқдандир. Ким билади, ишчиidir. Вақти бўлмай, синовларга дуруст ҳозирлик кўролмагандир» дея ўйладим.

Шеригим юзимдаги ўзгаришни пайқадими ёки сўрашнинг эвини қололмай турган эканми, ҳайъат аъзолари томонидан кўз узмай шивирлади:

— Бирор тирикчилик йўқми, ука? Саволлар қийин кўринаётir...

Унинг «ука» деганига ғашим келса-да, одамгарчилик ҳиссиғолиб чиқди. Ҳарбийлик йилларида бир-бирига яқинлик, ҳамдардлик туйфуси кучайган эди менда. Ўйлаб-нетиб ўтирмай шимимнинг чўнтағига қўл юбордим. Она тили, тарих, адабиётдан айрим қоидалар, саналар, адиблар ҳақида қисқача маълумотларни бир-икки вараққа ёзиб, беш-олти буклаб солиб қўйган эдим. «Ҳарна бўлсаям мадал-да. Шуни берайн», дея улардан бирини суғуриб олаётган эдим, тағин биттаси унга илашиб чиқса бўлалими, сабил қолтур. «Шап» этанича полга тушди. Жимгина аудиторияда қофоз овози ҳам момақалдироқ гумбуrlагандай эшитилар экан.

Эҳтиёткорликни унугиб, туфлимни полдаги қофоз устига босдим. Бояқиш қофоз бу оғирликка чидолмай ғалати товуш чиқариб «зорланди». Аъзойи-баданимдан миллионлаб аллақандай совуқ жоноворлар ўрмалаб кетгандай туюлди.

Кафтимдаги қат-қат қоғоз сувга ботириб олингандай ивиб қолди.

Хайъат аъзолари бесаранжом бўлишиб, бараварига менга кўз тикиши. Бояги виқорли ўтиришимдан зарра ҳам қолмади. Сочининг бир чеккасидан фарқ очиб тараган, оппоқ юзига кундузнинг мўйнасида мўйлови ярашиб тушган ёшгина домла «Биз кичикроқмиз, хизмат биздан», дегандек дарҳол ўрнидан туриб, ясама тавозе билан ёнимга келди. Нозик кафтини тугилган муштим устига кўйди. Жимжилогида ўстирилган учли тирноғи қўлимга қалхатнинг чангалидек қадалди. Беихтиёр кафтимни ёзиб юбордим. Домла «мадад қоғоз»нинг қатларини намойишкорона ёзди-да, ҳайъат аъзоларига кўрсатди.

Хайъат аъзолари бошларини бир-бирига теккузгудек бўлиб шивирлашиб маслаҳатлашиши. Бир тўхтамга келишиди шекилли, улардан буйруқ бўлди:

— Сиз бўйсиз, бораверинг!

Бу буйруқ ҳарбийдаги бошлиқларим томонидан айтилганда-ку иргишлаб кетган бўлардим. Ҳозир эса баттар зил бўлиб, ўриндиққа қўшилиб қолгандай эдим.

— Чиқиб кетинг, дейилаяпти сизга!

Қаҳр билан шеригимга, кейин ҳайъат аъзоларига қарадимда, юзлаб ручкалар қитирлаши тўхташи натижасида ҳосил бўлган сукунатни бузиб ташқарига отилдим.

## V

Кечгача у автобусдан бунисига алмашиб, шаҳарни айланниб юрдим. «Кўпкаридан қуруқ чиқдингиз, мулла Яхшибой. Ҳар ҳолда, Шоқосим ака айтганидай, «законний» бўлмади. Сохта мардлигинг, кўнгилчанглигинг қурсин. Анави давангирга раҳмдиллик қилиб орттирган давлатинг шуми? Тирноқ ўстирган домланинг бир таҳди迪 биланоқ чўкиб қолдингку. Имтиҳондан чиқиб кетмасдан, воқеани тушунтирсанг бўлармиди. Э, қулоқ солишармиди! Сенга у ер сомон бозорими, савдолашиб ўтирадиган. Нима, аюҳаннос солишинг, ўзингнинг ҳақ эканлигингни исботлашга уринишинг керакмиди? Бунинг устига домлаларга ялиниб-ёлвориб: бир яrim йил сизларни деб чегара қўриқлаганман. Англешимовчилик бўлди, қайта имтиҳон олингизлар дейсанми?

Зерикіб ўтиришганди, роса ҳангома қилишарди-да. Онам, әңг муҳими тоғамга нима дейман? Тоғам тоза майна қилар, бир кунда ўқиши битириб келибсан, деб. Менинг гапимга кирмаганнинг жазоси шу, дейди. Ҳа, айтади. Энди нимадан бошлайсан, мулла Яхшибой? Нимадан бўларди, милицияданда. Ҳарбийдан сержантлик унвонини олиб қайтгансан. Ишлаб, сиртдан ўқийсан. Университет дегани уйингдан тўрт қадам. Ҳовлингда акса урсанг у ердагилар «соғ бўлинг» дейдиган масофада. Ана шу аҳдингдан қайтма, ниятинг йўлдошинг бўлгур!»

Шу ўй-хаёллар билан кузги баргдек шалпайиб ўйга кириб бордим. Онам мени остоноада қаршилади. У бирор маъно уқиб олиш учун бўлса керак, юзимга тикилди.

— Келдингми, болам. Имтиҳон бердингми, ишқилиб?

— Келдим. Этимни домлаларга, суюгимни эса ўзингизга қолдирмайдиган бўлдим, — дедим ўзимни хотиржам тутишга уриниб.

— Вой, бу нима деганинг, болам?! Этинг нимаси, суюгинг-чи? Одам тушунадиган гап гапир...

— Одам тушунадигани шу: Мен ўқиб бўлдим!

— Хайрият-эй, хайрият-эй, — онам кўйлагининг ёқасидан ичига туфлади. — Бугунгисини ўқиб бўлган бўлсанг, эртага яна борарсан. Мен отинг ўчкур, нима балоларни ўйлаб қўрқиб кетибман-а.

— Эртага ҳам бормайман, индинга ҳам.

— Бирор кор-ҳол бўлдими, ўғлинг кўпайгур?

— Онанг қушноч экан дейишиб ўқишига қабул қилишмади.

— Э, анавини қаранглар. Қушночликни ҳар замонда қилсам. Ўшандаям қистаб қўйишмаганида қиласман. Бўпти, энди зинҳор қулоқ чўзиб, чироқ ёқмаганим бўлсин. Бориб айт, онамни кўндиридим де, боланг кўпайгурларга.

— Майли, айтаман. Аввал егулик бирор нима берсангизчи. Худди ўн йилдан бери оч юргандайман.

— Ҳозир болам, ҳозир. Худонинг кўп гуручини қозонга солганман. Ҳализамон тоғанг ҳам келиб қолар. Соатингга қара-чи, неча бўлдийкан? Тушда келиб бўсағадан қайтиб кетди. Кечқурун келаман, деб бир пиёла чойга ҳам қарамаса бўладими...

«Яна тоғам саҳнага чиқди! Кинога жўнаворсаммикан. У келгач суриштиравериб кишини ўн ёшга қаритиб юборади.

Тўгрисини айтмасанг, бўлмаса. Воқеани эшитгач, мендан бир умрга юз ўгириб кетиши ҳам мумкин. Қани, кўраверайлик-чи, буёғи нима бўларкан. Тоғамнинг қон босими бор. Ҳар қалай ўзи билан дори-пори олиб келсин-да».

Онам ошнинг тагини ағдариб, мен эса аччиқ-чучук тайёрлаб бўлдим ҳамки, тоғам ҳайдовчиси билан «Борми-сизлар», деганича кириб келди. У менга кулимсиради:

- Қани, бўлажак адолат пособони. Остиданми ё устиданми?
- Иккаласи ҳам эмас.
- Яъни масалан, буни қандай тушунамиз? — сергакланди тоғам қовоқларини солинтириб.

— Олдин ошни еб олинглар, Бердиёржон. Кейин аччиққина чой устида гаплашасизлар, — сўзга аралашиб онам. — Қани, ўтинглар.

— Кўятуринг, опа. Биласиз-ку ош менга тўгри келмайди. Аввал кун тартибидаги масалани ҳал қиласилик-чи, — дея тоғам сув қувури атрофига ўралган цемент деворчага ўтириди. — Қани сўз сизга, ахборот учун.

«Ахборотим»ни тинглаган сари тоғамнинг ранги бўздек оқара бошлади. Гапимни охиригача ҳам эшитмай, музлаткичдан сув келтиришимни сўради. Музли сувга юзини, бошини ҳафсала билан ювгач, сал дуруст бўлди чоғи заиф овозда деди:

— Ўзим билувдим хол қўйишишнин... Ҳеч замонда сувдаги киши қирғоқдагига ёрдам берадими. Ёрдам берадими? Ўз аравангни манзилга судрайвермайсанми, жиян.

Муллага қўйилгандай «миқ» этмай ўтиравердим.

Тоғам нима қиласини билмай хижолат бўлиб турган ҳайдовчисига: «Машинани буриб тур, мен ҳозир чиқаман», дея биз учун холи вазият вужудга келтирди. Ҳайдовчи чиқиб кетгач, тоғам яна сув сўради-да, шивирлагандай қилиб деди:

- Бирор билим юртига кирасанми?.. Киритиб қўяйми?
- Қўйинг, тоға, овора бўлманг, — дедим онамнинг сув келтираётганини қўргач дадилланиб. Чунки бу жавобимдан кейин тоғамнинг сувга иши тушмай иложи йўқ эди-да.

Тоғам олов туташган хасдек ловуллаб кетди:

— Опа, кўриб қўйинг бу сийлов билмасингизни! Одамни юзинг, қўзинг демайди-я!

Боятдан бери «Худонинг кўп туручидан бўлган» ошга талабгор тополмай, тоғамни кўрпачага ўтқазолмай, бунинг

устига ҳайдовчини қуруқ оғиз билан чиқарганига хуноб бўлиб турган онам дийдиёсини бошлади:

— Ана шундай-да бу. Илгари айтсам ишонмай кулиб қўярдингиз, Бердиёржон. Ҳой, тоғангнинг қарфишига учрагинг келаяптими, кўрнамак. Нима дединг...

— Мен бир ўқиши айтсам «кирмайман» деяпти. Мен қайси эшикни очсан, бунингиз ўшани бориб ёпади. — куюнди тоғам дастрўмолини сувда чайқаб чаккасига, пешонасига ҳадеб босаркан. — Ўғил сизники, ўзингиз гаплашинг. Мен эса кетдим!

— Ҳай, ҳай, Бердиёржон. Сизгина оғир бўлинг. Кўзғалманг, қўзғалманг. Бир товоқ ош сузиб берай, уйга олиб кетинг. Келин, болалар ейди. Мана ҳозир...

Онам бир лаган ошни дастурхонга ўраб олиб келгунча тоға-жиян лом-мим демай ўтиридик. Онам тепамга келиб ўшқириди:

— Энди менга бир қара! Отанг мошиндан аварий бўлиб уч бола билан қолганимда ким менинг жонимта ора кирган эди?! Шу тоғангми ё бошқамиди? Бошқа бирор оғзингга бир нарса тутдими? Нимага индамайсан? Сени ўқитган, ҳарбийнинг зўр жойига жўнатган ҳам шу Бердиёр эмасми?

Шу ерга келганда тоғам сал бесаранжомланди.

— ...Пешонамга шу оғам битган экан, Худога шукур. Икковнинг бири бўлиб ўтирибман. Шунинг гапини оёқости қилсанг отангнинг руҳиям, менам сендан рози бўлмаймиз. Билиб қўй...

Отамни эслаб хўрлигим келиб кетди. Унинг баланд бўйи, чорпаҳилдан келган гавдаси, меҳр билан чақнаб турувчи кўзлари кўриниб кетгандай туюлди. У менга гўё «Ҳа, рози эмасман, тойчоғим» деб таъна қилаётгандай эди.

— Майли... онажон. Айтганингизни қиласман, — деганимча ҳовли четига ўтиб кетдим. Кўз ёшларимни яширинча артарканман, тоғамнинг овози эшик олдида эшитилди:

— Эрталаб идорамга борсин, гаплашамиз...

Сўнг ҳовли эшиги очилгани, мошинанинг қисқа сигнал бериб жўнаб кетгани элас-элас қулоғимга чалинди.

Эрталаб қабул ҳайъатидан ҳужжатларимни олишга бордим. Одам кўп эмасди. Навбат кутуб туарканман, кимдир елкамта биттани туширди. Ўгирилиб қарасам кечаги чаккасоқол шеригим. У хурсандликдан қийқириб кулди.

— Пес песни ёруғда топди, дейдиларми буни. Аммо сенга кеча «беш» кетмадим. Ҳарбийдаям бошинг навбатчиликдан чиқмаган бўлса керак, укам. Шунақаям латта бўладими одам. Аҳволингни кўриб ачинганимдан менам ҳеч нарса ёзолмадим.

Менинг мум тишлаб турганимни кўриб гапини хотималади:

— Бу йил ҳам бўлмади. Келгуси йил яна шу ерда кўрасан мени. Энди ошна бўлиб қолдик. Келиб тур, мени истироҳат боғидаги ошхонадан топасан.

Индамай ҳужжатларимни олдим-да, «шилт» этиб жўнаб қолдим.

Ҳокимликка этиб борсам, тоғам ҳайдовчисига тайинлаб кўйган экан, мени кўрасолиб ичкарига кириб кетди. Зум ўтмай тоғам билан бошлишиб чиқди. Тоғамнинг авзои дуруст, кайфияти жойида. Кафтимга қоқиб машинага киритгач, буйруқ қилди:

— Маданий-оқартувга ҳайда. Илм чўққилари сари!

Шаҳарнинг четроғидаги бино олдида тўхтадик. Қора лавҳадаги «Маданий-оқартув коллекци» деган зарҳал ёзувга кўзим тушиб мажолсизланиб қолдим. «Илм чўққилари шу ердан бошланар экан-да, мулла Яхшибой. Бўйнидан боғланган улоқдек келтирилибсиз-да. Ана энди шу ерда таҳсил кўриб, милицияда ҳаваскорлар тўгарагини бошқарасиз. Ахир болаликдан миршабликни орзу қиласиз-ку».

Тоғам ҳужжатларимни олиб ичкарига йўналди. Бир соатлардан кейин жуда мамнун қиёфада қайтиб чиқди. Сездимки, Бердиёр Бобоёровичнинг жиянларининг «тақдири» ҳал бўлган. «Яшасин, кўли қаерга узатса етадиган Бобоёров, ҳам унинг билимга ташна жияни!»

Тоғам машинанинг ўнг томонини хийла чўқтириб жойлашиб олгач, менга, тўғрироғи, ҳайдовчига тантана билан эълон қилди:

— Табриклайман энди. Тест бўлади. Қўрқмай киравер, гаплашилди.

Мени уй ёнида ташлаб ўтиб кетиши...

Коллежнинг бадиий раҳбарлик деган бўлимида икки ярим йил ўқиб, кўп нарса орттирганим йўқ. Мени оддий талаба эмас, доимий унвоним билан «Бобоёровнинг жияни» сифатида танишарди.

Бир гал «Маданий ишларни уюштириш» деган синовдан йиқилдим. Одатда бундай ҳолларда китоблар, қўлланмалар қайта-қайта ўқилади. Бошқатдан синовдан ўтилади. Агар тагин муваффақиятсиз бўлса, стипендиясиз ўқилаверади. Мен эса бошқача йўл тутдим. Шу куниёқ тоғамнинг идорасида пайдо бўлдим. Тоғам дарҳол телефон гўшагини кўтариб, директоримиз билан боғланди:

— Саломлар билан бирга байрам табригимизни ҳам қабул қиласилар, — деди у ёйилиб тушиб. — Қанақа байрам дейсизми? Ахир йигирма кундан сўнг саккизинчи март-ку. Ҳи, ҳи, ҳи! Ҳа-да, сиз билан бизга ҳам байрам-да, ахир. Мушфиқ оналару меҳрибон аёлларсиз яшашни тасаввур қилиб кўрингчи. Ана энди ўзингизга келдингиз. Байрамда бизнисига ташриф буюрадилар, деб умид қиласак бўладими... Алло, алло, алло! Узилиб қолди дейман...

Тоғам телефон мутахассислари шаънига нордонгина гал айтгач, рақамларни қайта терди:

— Ҳа, яна ўзимман. Э, биласиз-ку АТСдагиларни. Шуларни бир тартибга олишим керакка ўхшайди. Шундай дўстим, байрамда келингизлар. Нима хизмат бўларди? Ўзим шундай... ҳол сўрашай деб қўнғироқ қилдим-да. Сизлар йўқламасангизлар бундай бир. Ҳа айтгандай, бизнинг жиянтой ҳам юрибдими сабоғингиздан баҳра олиб. Дуруст, дуруст. Қачондир аллақайси синовдан қайтдим деяётганмиди-еї. Тўғри бўлиб кетгандир. Домласими, ҳозир...

Тоғам гўшакнинг микрофонини кафти билан ёпиб, мендан ўқитувчининг исм-шарифини сўради. Айтдим.

— Рўзиев дегани экан. Ҳа, шунақа бўлса керак-да. Йўғей, қачон?! Аризаси борми бизда? Уч йилдан бери? Бўпти. Суриштираман. Ҳал қиласиз. Зиёфатга тайёрланаверсин. Яхши, хайр.

Гўшак қўйилгач, тоғам менга юзланди:

— Роса одамига тушибсан-ку. Бу Рўзиев деганинг томорқа сўраб ариза берган экан. Бориб менинг номимни айтганда:

«Томорқангиз масаласи тезлашаётган экан», деб қўй. Ўзи тушунади. Буёғи директорингга ҳам қаттиқ тайинладим.

Рўзиевни ўқитувчилар хонасида ёлғиз ушлаб, тоғамнинг гапини етказдим. У юзимга қизиқсингандай қараб турди-да, баҳо дафтарчамни олди:

— Мана жаноб Бобоёровга «беш», сизга эса «уч».

Ўта қаттиқкўл деб шуҳрат қозонган ўқитувчининг бу кинояси менга миннатдорчиликдай бўлиб эшитилди.

Ўқиши охиригача шундан бошқа арзийдиган воқеа рўй бермади.

## VII

Коллежнинг тақсимот ҳайъати мени Чорчинор деган узоқ тоғ қишлоғига юборадиган бўлди. Шаҳарда қолиш, милицияга ишга ўтиб кетиш ниятим қишининг сўнгги музидек эриди-кетди. «Хайр, рақс заллари, кафелару музқаймоқлар. Сув сепилган қора баҳмалдек кўчалар. Ҳаммасига хайр. Хайр!» Отеллонинг машҳур монологини ўзимбоп қилиб мингирладим.

Тоғамнинг «Тақсимот натижасини хабар қил», дегани эсимга тушиб, коллеж яқинидаги ойнаванд телефон хонасига кирдим. Гўшакдан тоғамнинг «Эшитаман» деган салобатли овози янгради. Мени танигач, ўз овози билан гапира бошлади. Воқеани айтгандим. «Олдимга тез етиб кел», деб тайинлади.

Ўйингоҳга кечиккан ишқибоздек ҳовлиқиб кириб бордим. Тоғам аллақаерга қўнғироқ қилиб, ким биландир бир пиёла чой ичар фурсат қаймоқлашди. «Бор, қургурнинг истеъоди бор. Жамики газетани ўқимаса қўймайди. Хўп. Юбораман», деганича ҳамсуҳбати билан хайрлапиди.

Маълум бўлишича, у шаҳар газетасининг муҳаррири билан гаплашган экан. Муҳаррир мени синов шарти билан ишга олмоқчи бўлибди.

Буни эшитиб, ноҳосдан қўрқитилгандек чўчиб тушдим. «Ўтирувдим ғамсиз, келди сигирим думсиз», деганлариdek буниси қандоқ бўлди. Ёзув-чизувга қобилият деган нарса бўлмаса менда. Бирорта газета қўлимга тушиб қолса «Ҳодиса», «Кунлардан бир куни», «Спорт» деган жойларидан бошқасини ўқимасам».

Фикримни төгамга билдирувдим, юзлари қизарди, чаккасини ушлаб қолди. Сездим. Босими күтарилади. Силлиққина бўлиб чиқиб кетдим.

Мұҳаррирнинг қабулхонасида ўтиарканман, бўлажак касбим ҳақида ўйлардим. «Бир ҳисобда мухбирлик зўр иш. Қаерга борсанг, обрўйинг баланд. Енгил машинадан тушмайсан. Катта-катта бошлиқлар, оғатижон қизлар бир оғиз сўзингга маҳтал бўлиб туришади. Ёзаверасан, ёзаверасан. Китоб чиқарасан. «Ойнаи жаҳон»да кўринасан. Кимсан, фалончи, дейишади. Пул деганинг қаламнинг учиди...»

Котиба аёлнинг «киринг» деган овози билан ўйларим иссиқ сувга томган сиёҳдек парчаланиб кетди. Ўлжани чўчитиб юборишдан қўрқкан овчидай эҳтиёткорлик билан ичкарига кирдим. Мұҳаррир мен билан хийлагина гаплашди. Унинг нурли чеҳраси, мулоим, маъноли гапларидан мумдек эриб ўтирдим.

— Сизни хатлар бўлимига тайинлаймиз. Ишингизга қараб ўёғини келишаверамиз. Ёзib кетолсангиз, каттароқ бўлимга ўтказамиз. Боринг, ишда муваффақият.

Мен билан ўрнидан туриб хайрлашди.

Эртасига ишга киришдим. Ишга киришдим эмас, тушгача хатлар бўлимида нима қиласаримни билмай, кирган-чиққаннинг бетига термилиб ўтирдим. Тушдан кейин бўлим мудири Хадича опа — барваста, кумушранг сочли аёл келди. Мени кўргач: «Кулиевмисиз. Кеча мұҳаррир айтганди», деб қўйди. Бу танишувимиз эди. «Бошланиши чакки эмас», дея хаёлимдан ўтказдим.

Хадича опа вазифамни нари-бери тушунтиргач, «Маданиятга кириб айтинг «Шапка»си мұҳаррирга маъқул бўлмабди», деб қўлимга машинкаланган қоғозни тутқазди.

«Шапкаси мұҳаррирга маъқул бўлмабди». Бу нима дегани? Мени ўйнатяптими бу аёл. Бирорларнинг шапкаси билан нима ишим бор».

Шу хаёллар билан иккиланиб қолдим. Бир кўнглим рад этмоқчи эди, яна биринчи кунданоқ шаккоклик қилмайин», деб бўлимга равона бўлдим.

Ичкарига кириб бурчакдаги илгакка ўғринча назар ташладим. Эскироқ, униққан шапка осиғлиқ турарди. Уни кўргач, мудирга хотиржамлик билан дедим:

— Шапкангиз мұхаррирга ёқмабди. Бошқасини олинг. Ҳа айтгандай, Ҳадича опа манавини берувди...

«Мұхаррирга хуш келмаган» шапка әгаси бўзрайиб қолди. Қоғозни олиб ўқигач, воқеанинг тагига етди шекилли, қаттиқ кулиб юборди. Дераза ойналари зириллаб кетгандай бўлди.

— Оббо, янги ошнам-эй. Ҳазилдан роса оларкансизу... Юсуфхон қизиқнинг ҳамишаҳари эмасмисиз? — сўради кула-кула мудир. — Шапка дегани саҳифанинг юқорисига кўйиладиган сарлавҳа-ку. Мен эса янги шапкага пулни қаердан оламан деб ўйлаб қолдим, гапингиздан кейин.

Камоннинг ўқидек зувиллаб хонадан чиқдим. Бошимга таёқ теккандай гарангсиган эдим. «Бу одам бунча хушчақчақ бўлмаса. Кулгиси томни ёради-я. Йўқ. Бунақаси кетмайди. Сенларга эрмак бўлгани келганим йўқ бу ерга. Яна булар мухбир эмиш. Яхими бировнинг устидан қулиш. «Бировга кулмагин зинҳор, сенга ҳам куловчилар бор», деб Абай тўгри айтган. Шуни Абай айтганми ёки Толстойми? Тоғамнинг мурувват қилиб топиб берган ишидан ўргилдим. Кетаман. Чорчинорга кетаман!»

Қатъият билан эшикни очганимда Ҳадича опа кимгадир телефонда қаттиқ-қаттиқ гапиради:

— Эртага «Бош»ингиз кетади. Режалашган. Ҳўп, ҳўп. Яхши...

Бу гапларни эшишиб, эшикни оҳиста ёпдим. Энди мени бу ерда ҳеч қандай куч тўхтатиб қололмасди.

Кейин билсам Ҳадича опа «Бош»ингиз кетади» деганида бош мақолани қўзда тутган экан.

## VIII

«Чорчинорга борсам, у ерда менга ким илҳақ бўлиб ўтирибди? Қаерда ётиб, қаерда турасан, мулла Яхшибой? Бу ердаги ёру жўраларинг у ерда топиладими?

Дарвоқе, ёру жўралар... Улардан кўплари у ёки бу ишнинг бошини тутиб кетди. Бир нечови бошини иккита, оёғини тўртта қилиб ҳам улгурди.

Бир хиллари антиқа ҳунар дейсизми, касб дейсизми, йўқ тўғрироғи сабаби тирикчилик йўлини танлашган. Яъни

ҳафтанинг маълум кунида Тошкентми, Самарқандми, Ургутми, шунга ўхшаш гўшалардан у-бу нарса келтириб сотиб, ўзларини «бизнесчи» деб номлаб олишган. Солиқ идорасидан биттаси рухсатнома олса, икки-учтаси унинг паноҳида «иш олиб бораркан». Бундай ҳомийлик эвазига рухсатнома соҳибига «бўнак» беришаркан...

Сен ҳам «бизнесчи» бўлволсанг-чи, тойчоқ? Эй, бозорда безрайиб ўтган-кетганга умидвор боқиб ўтиришнинг ўзи бўладими? Бобоёровнинг жияни олиб-сотар бўлибди, деган залворли гапни кўтариб юришни айт. Бунинг устига мол олиб келинадиган шаҳарларда, йўлда ҳар хил воқеалар ҳам мўл дейишида. Баъзан олиб келган нарсаларинг ўтмай, касодга учраш ҳам мумкин эмиш».

Хуллас, бутурдаги яшаш тарзи менга хуш келмай турибди. Шу боис «Мехнат биржаси» деган ташкилотга учрашдим. «Ариза ташлаб кетинг. Хабарлашиб турасиз. Сизбоп иш топилса, жойлаштирамиз», деди у ердаги керагидан ортиқча хушмуомалалик кўрсатган ходим.

Латтаси қурғур яна сувга тушди...

Онам олдимга бир коса чалоп қўяр экан, деди:

— Сенбоп иш топишгунча бироз вақт ўтар, ахир. «Бешқўтон»га бориб бир-икки кун юриб кел. Амакиларингнинг ҳандалаклари чиқиб қолгандир. Фермерми-сермерми бўлган дейишганди. Уларнинг ҳам Наврўзда келишгани. Ишлари кўпайиб қолдими. Жим бўлиб кетишиди...

«Бешқўтон» — амакимларнинг қишлоғи. Туман марказига тулашиб кетган. Менинг киндик қоним ҳам ўша ерга тўқилган. Отам шаҳарга ишга олингандан кейин вилоят марказига кўчиб келган эканмиз. Онамнинг маслаҳати жўяли кўринди.

Шоҳбекатга келиб автобусга чипта олдим. Бир елим халта харид қилиб, ичини ўров қофозлари кўзни янинатадиган егуликлар билан тўлдирдим: амакимнинг бола-чақаларига «городской» қариндошларидан тұхфа.

Автобусда узок ерларга кетиш ҳам гаштли нарса. Лекин, кўп тўхтагани ёмон-да. Йўл четида турган одам бошини қашиш учун калласига қўл юборса ҳам ҳайдовчи буни ўзича тушуниб, унинг олдида тормоз босаверар экан. Чойчақа дегани бунчалар totли бўлмаса!

Йўлда уч марта миршаблар ҳам тўхтатиши. Ҳар гал ҳайдовчи алланималар деб пўнфиллар, луғатда йўқ сўзларни ишлатиб, чўнгатини кавлай-кавлай пастига тушарди. Олатаёқ тутган киши билан тезгина қўл олишиб «кўришар», дарҳол қайтарди. «Кўришишда» бир хосият бўлса керак, миршаб ҳеч қандай хужжат текширмас, аксинча мамнун жилмайиб қўярди.

Ҳайдовчи ўртаси чўкиб, пружинаси кўринаёзиб қолган ўринидига чўкаркан «уф» тортиб қўйди:

— Учтасидан ўтдик. Яна хувариларнинг тўрттаси бор...

Англадимки, ҳайдовчимиз манзилга етгунча тағин тўрт бор автобусдан тушиб, «дўстлари» билан шундай «қуюқ кўришади».

«Бешқўтон» бекатида тушиб қолдим. Ҳайдовчига раҳмат айтдим. Ичимда «Ошналаринг билан «кўришавериб» қўлларинг қавармасин, жўрам деб қўйдим.

## IX

Қишлоқнинг «Бешқўтон» деб аталишига боис шундай. Эллигинчى йилларда чорвадор ҳалқ бўлган «бешқўтон»ликлар даштдан шу ерга кўчириб келтирилганлар. Вахтамали уруғининг очамайли бўғинига мансуб бўлган бу кишилар жамоа хўжалигига бирлашиб, ўзларидан раис сайлаганлар. Пахтакор бўлиб кетишган. Олтмишинчи йилларда кенг-ликларни қўмсаган ўн-ўн беш хонадон яна даштга қўчиб кетиб, бир қишлоқ бўлиб жойлашган.

Онам билан қишлоққа сўнгги бор келиб-кетганимизга ҳам беш-олти ой бўлибди. Ўшанда Абдураҳмон ибн Авф (негадир уни Об-ота дейишади) қабристонига бориб, бобомомоларимиз мозорини зиёрат қилгандик. «Бегоналашиб боряпмиз, болам. Шаҳарга ўрганиб қолдикми, ҳадеганда чиқолмаймиз. Сен қишлоққа тез-тез келиб тур», дегандилар онам ўшанда оғир сўлиш олиб.

Мана, қадрдан қишлоқ қўчасидан кетаяпман. Бирорлар танийди, бир хиллари, айниқса ёш-яланглар билмайди мени. Анави икки қаватли бино газлаштириш идораси. Нарироқда мактаб. Мен ҳам биринчи синфда шу ерда ўқиганман. Пахсадан қўтарилган деворлари хийла захлаган. Таътил пайти эмасми, бир пол йўнғичқага сув қўйиб юрган киши, афтидан

қоровул бўлса керак, кўринади, холос. Мактаб директори ҳам отамнинг жияйнларидан.

Қишлоқ сезиларли даражада ўзгариб, манзарали сувоқ қилинган уйлар пайдо бўла бошлабди. Асфальтининг сақичи кетиб, тошлари кўриниб қолган йўлдан энг сўнгги русумдаги машиналар ҳам бот-бот юрадиган бўлибди.

Қоржов амаким (дунёга келган куни қаттиқ қор ёғаётган бўлган) нинг уйи бетон ариқнинг ёқасида. Дарвозасиз ҳовли. Унда – ёлғиз Қизларсулув янгам бор экан. Гирдига тол-арча аралаштириб экилган супадаги сояга кўрпачалар ташлади. Ҳол-аҳволлашгач, амакимни, унинг мен тенги ўғли Бойим-қулни сўрадим.

– Амакингиз ҳам, Бойимқул ҳам дала бошига кўчиб, бегона бўлиб кетиштан, – янгам кулимсираб менинг: «Қўйинг ташвиш қилманг», дейишимга қарамай ошхонага йўналар экан.

Буни эшишиб онамнинг «Амакиларинг фермерми-сермерми бўлишган» дегани ёдимга тушди.

Янгам ичкаридан ёстиқ олиб чиқди:

– Ёнбошлайверинг, бемалол...

... Атрофга назар солдим. Устига ўрмакда тўқилган гилам ёпилган «Волга»нинг кўланкасида қулоқ-думи кесилган тавдатин ит мултиб ётибди. Нарироқда устига айвон қилинган тандир-ӯчоқ. Кейин боғ, зироат. Супа ёнига гуллар, райҳон экилган: дидлари чакки эмас!

Боя ўтаётганимда шовқин-сурон билан чўмилиб ётган болалардан иккитаси узун-қисқа бўлиб ҳовлига кириб келди. Улардан каттаси – ўн ёшлардаги сарғиш. Қўй кўзли бола дадилгина салом бериб қўл чўзди. Иккинчиси билан эса менинг ташаббусим туфайли кўришилди.

– Охири балиқ бўлиб кетасизлар. Чошгоҳда ариқقا кирувдинглар, тушда чиқдинглар-еъ, – уларга дашном берди янгам. – Акаларинг билан кўришдингларми? Ё ҳар куни кўриб юргандаймисизлар?

– Михдай йигитлар экан булар, янга. Бўлажак аскарларда.

– Эй, кун бўйи сувдан чиқмай ётадиганларни аскарликка оладими...

Янгамнинг бу гапига кулишдик. Шу билан бояти дашномнинг ҳам тафти босилди.

Дастурхонга чалоп, чиллаки, ҳандалак, яна күп нарсалар келди.

— Полиздан, боғдан у-бу нарса чиқиб ётибди. Шундайда келмайсизлар. Бизам йўқлаёлмаймиз, — дейди янгам ёзгириб. — Катталари ишда. Манавилардан бериб юборай десам, шаҳарни билмайди. Одам ишонмайди буларга. Адашиб кетадими, деб.

— Мана, келдик-ку. Бир-икки кун юраман. Онам ҳам «Насиб бўлса бир бориб гурунглашиб қайтаман», деб юборди.

— Бораман, бораман, демай келсин-да, овсин. Борди-келди қилмасак узоқлашиб кетавераркан-да, одамзод.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, янгамга маслаҳат солдим:

— Кичкиналардан бирортасини қўшсангиз. Ўзим топиб боролмасман. Қоржов амаким, Бойимқул билан ҳам бир ияк уриштирий...

— Майли-ку. Лекин йўл юриб келдингиз. Бир фасл дам олиб кейин борсангиз маъқул эмасми?

— Дамни бурундан олиб бораверамиз.

«Бўлажак аскар»лардан бировининг етовида йўлга тушдим.

## X

«Бешқўтон»га келиб, шу ерда қолиб кетганимга ҳам бир ярим йилдан ошди.

Тақдир тақозоси экан, Қоржов амакимнинг фермер хўжалигига аъзо бўлиб кирдим. Онам дастлаб рухсат бермади:

— Ҳовлида бир ўзим ҳайкалдек қолиб кетаманми?

— Йўқ, сизни ҳам кўчириб кетамиз. У ердан томорқа беришмоқчи. Бу ҳовлини сотиб, пулига қишлоқдан уй тиклаймиз.

— Бердиёр нима деркан?

— Эй, тоғам рози бўладилар. Фермерлик нималигини яхши тушунади. Менинг ҳам саланглаб юрганимдан кўра ўзим билан ўзим бўлиб, жойлашиб кетганим унга ҳам маъқул бўлади.

Дарҳақиқат, тоғамга бу ҳақда маълум қилгандим. «Ўзларинг биласизлар. Лекин шаҳарлик пўримдан фермер чиқишига сал кўниколмай турибман», деди одатдагидек пича истеҳзо билан.

«Кўниколмаётган бўлсангиз, кўнишиб кетасиз ҳали. Кўрасиз, дехқон бўламан. Замонага ҳам қараш керак ахир», деб қўйдим ўзимча.

Қишлоққа кўчиб келгунимизча онам ҳам ҳовлида «ҳайкалдек» бўлиб қолиб кетмайдиган бўлди. Амакимнинг ўғилларидан бири – Норсафар агроколлежга ўқишга кирганди. Ётоқхона эмас, бизнинг уйда тура бошлади. Бор бўлсин, шаҳар билан қишлоқ ўртасидати ҳамкорлик!

Фермер хўжалигимизда йигирма гектар ер бор. Фалла, пахта етиширамиз. Газеталарда ёзишганидек «ер ўз эгасини топган». Керакли жойлар билан шартномалар тузилган.

Ўтган йил якунига кўра менга ҳам анча буғдой, оқ мой, кунжара, яна кўп нарсалар теккан. Амаким ҳовлидан бир бостирма ажратиб берган, шунга жойлаб қўйибман. Насиб этса, қишлоққа кўчиб келсак, мол-ҳол қиласиз. Пулдан ҳам анча-мунча жамғарив қўйдим.

Мен сувчиман. Устозим Норғўч ака, маданий қилиб айтганда, «Касб сир-асрорларини қунт билан ўргатган».

Сомон шляпа кийиб, офтобда қорайган, анча сипо тортган дўстларини, яъни мени шаҳарлик тенгу тушларим энди кўришса, таниёлмай қолишар.

Хуллас, ишларим ёмон эмас. Қишлоқнинг ўз одами бўлиб қолганман. Бахтимни ҳам шу ердан топаётганга ўхшайман. Норғўч аканинг невараси – бултур мактабни тамомлаб, боғчада ишлаётган Бибидур кўзимга бирар яхши кўринади-ей. Кечаги тапга чечан шаҳарлик, унга рўпара бўлсан сўзимнинг эгакесимини тополмай қоламан.

Хўжалигимизнинг ҳисоб рақамида каттагина маблағ бор. Режалар бажарилиб, ошиб кетаётир. «Даромадимиз кўпаяверсин. Худо хоҳласа қишлоқдаги мактаб биносини янгилаймиз», деб қўяди Қоржов амаким.

Эй, айтаверса гап кўп. Ишим эса ундан ҳам кўпроқ. Бизга ҳам томорқа теккан. Бошламасига икки хонали уй қуриб олмоқчиман. «Кузгача кўпайлашиб битказамиз», деяпти Қоржов амаким. Кейин онамни ҳам кўчириб келамиз.

Қишида бир келингизлар, азизлар, ташвишлар озаяди. Ёстиқни ёнбошта тортиб бир гурунгни қизитамиз...

# ҚАТРАЛАР



## ХОТИРА

Файзулла эътибор қилмаган экан: ҳовлидаги ўрикнинг довуччалари қизара бошлабди. Беихтиёр биттасини узиб олди. Кафтдаги сепкилдор мева бир воқеани эсига туширди. Ўшанда кечирилмас хато қилганини ўйлаб, елкасидан тош босгандай дарахт тагига ўтириб қолди.

... Файзулла алоқа коллежининг биринчи курсида ўқир, таътилни тутатиб эртага Тошкентга жўнайман, деб турганди. Онаси Адолат хола илдизини дока рўмолчага ўраб ўрик ниҳоли олиб келди.

— Ўғлим, шуни ўз қўлинг билан эк. Мусо боғбондан бу йил нишона берадиганини сўраб олдим.

Файзулла чўнтак радиони қитирлатиб кавлаштириб ўтиради. Бир қадар тўнглик билан леди:

— Кўйсангиз-чи! Бир-иккida кўчат экиб юрувдимми? Нима қиласиз, бошимни оғритиб.

Адолат опанинг дили ўксинди. Лекин сиртига чиқармади. Ўғлининг бетга чопарлигини энди кўраяптими. Ёлғизгинам, деб эрка ўстирди. Оқибати шу-да.

— Кел энди, гапимни қайтарма. Биринг икки бўлгур...

— Халақит берманг, ойи...

Адолат опа ўзини вазминликка олди. Чуқурча қазиб, унга бир сиқим арпа ташлади. Сўнгра ниҳолни экди-да, дуо қилди:

— Ўғлим, шу дарахт сеники бўлди. Илоё, икковларинггаям узоқ умр берсинг!

Файзулла кетди. Адолат опа ниҳолга меҳрини қўйди-қолди. Баҳорда кўклам тагидан гуж арпа униб чиққанида севинчига сифмади. Дарахтча ривожга кирганда, «қисилмасин, болагинамнинг ниҳоли. Ўзи экмасаям эккан қатори», деб ёнидаги атиргулни бошқа жойга кўчирди.

Кўтдан бир дард онани қийнаб келаётган эди. Ўрик вояга ета борган сари онанинг дармони кета бошлади. Ниҳоят, хасталик енгди. Тўшакка михлади.

Файзулла қишида келганида, Адолат опа касалхонада эди. Ўғлиният манглайини қоқ суяқ бўлиб қолган кафти билан сийпаб гапирди:

— Келдингми, ўғлим! Кўчнатинг ҳам ўзинг қатори бўлиб қолган.

Файзулланинг кўнгли хиралашгандай бўлди. Ҳаётида илк бор нотаниш туйгуни ҳис қилди. У нимадандир афсусланмоқда эди. Лекин нимаданлигини билолмасди...

Адолат опа касалхонада узоқ ётди. Қисталанг қиласвериб, уйига жавоб олди, уни ўз тупроғи тортаётган эди.

Ёзда Файзуллага даҳшатли хабар етди. Йўлга тушди-ю, волидасининг дийдорига етолмади. Онасининг ҳали тупроғи қуримаган қабрини кучоқлаб ўкириб-ўкириб йиғлади. Овози онанинг қулоғига етмасди.

Файзулла судралиб уйга қайтди. Унинг учун жаҳон ҳувуллаб қолгандай эди. Супага оғир чўқди, фотиҳага келганларнинг чой-пойига қарашиб юрган аммаси нимадир туғилган дастрўмолча берди.

— Янгам бечора узилиш олдидан бергандилар. «Ўғлимга топшираман деган ният қилувдим. Бўлмади. Қайсаргинамга беринг, ўз қўли билан эксин. Мендан хотира бўлади», дегандилар.

Файзулла дастрўмолчани авайлаб очди. Ичидан аллақачон сўлиганинг қота бошлаган икки дона ўрик чиқди. Бу файзуллага аталган ниҳолнинг илк ҳосили эди.

Файзулла дастрўмолчани қайта тутди. Уни ҳужжатлари турган жомадонга соларкан, киприкларидан ёш юмалади.

Бу ёш кечиккан ёз ёмғиридек илиққина эди.

## ҲАССА

Бобомни Болта мироб дейишарди. Етмиш учга кириб вафот этди. Дағн куни шунақаям одам йифилдики, бобомнинг нечоғлик ҳурматли киши эканлигини ўшандада билдим.

Орадан бир ойча ўтгач, уйимизга ёши олтмишларни қоралаб қолган оқсоқол киши кириб келди. Уни танирдим. Бобом ҳаёт эканликларида соатлаб гурунглашиб ўтиради.

У бирпас ўтиргач қўзғаларкан, момомга деди:

— Миробнинг ҳассаси турибдими, опа?

— Турибди.

— Шуни менга берсангиз. Суяниб юрсам... Табаррук...

Бобомдан қолган ёдгорликни кўзи қиймади шекилли, момом аллақандай бўлиб кетди. Лекин, ранги униқиб, учи ейилган ҳассани обчиқиб берди.

Меҳмон узоқ миннатдорчилик билдириди. Сўнгра ҳассага бағрини бериб салмоқли одимлаб кетди.

## ВОЛИДА КЎНГЛИ

Катта ўғли Жовқаш «Кенжани кўриб келамиз», дегандан сўнг Қизларой момо дока рўмолининг учини тишлаб дўконга чиқди. Шампан шишиасини тўлғазиб мой олиб қайтди. Чарм супрани ёйиб ун элади.

Момо қувонганидан чарчоқни ҳам сезмасди. Севинмай нима? Кенжасини кўргани бораяпти, ахир. Ўғилгинаси жонини жабборга бериб олти ойдан бўён каттакон шаҳарда ўқиб ётиби. Шу йил мактабни битириб, техникиумга кирди. «Акаси икковимиз бирдан кириб борсак. Кенжагинам олам-жаҳон суюниб қолади. Хат-пат ҳам қилмайди. Орқада қолганларнинг алағда бўлганиминан иши йўқ. Ундан дейману Бухоро бегона жойми? Жовқашнинг айтишича, кўп азиз-авлиёларнинг зиёратгоҳлари бор эмиш. Ахир ўзим эмасмидим, ўғилгинам гапимни қайтариб «онажон, ҳали уйланмайман, ўқийман» деганида «майли, онанг ўргилсин» деган. Бухорога боришга кўндирган ҳам ўзим эдим. «Уйга яқин дейишади. Бир чети у ердан кўп олим кишилар чиқсан эмиш», деган ҳам ўзим эмасмидим.

Шу ўйлар билан Қизларой момо келинининг ёрдамини ҳам рад қилиб, «болагинамга ўз қўлим билан пиширай», деб хамир қорди. Бирталай қатлама қилди. Қизартириб пиширди. Сўнгра томатдан бўшаган банкага гўшт қовуриб солди. Чий баҳмал камзулининг чўнтағига кечачи олиб келган нафақа пулини соглач, Жовқашнинг эшигини қоқди.

Жовқаш тайёр экан, автобуста ўтириб жўнашди. Йўлда Қизларой момонинг кўзи илиниб, тўрт соат қандай ўтганини, Бухорога қандай келиб қолганларини сезмади. Тўғри

Кенжанинг ётоқхонасига кириб бориши. Эшикни Кенжа очди ва кўриштани кўлини чўзди. Қизларой момо унинг кўлини қайириб ташлади-да, меҳр билан бағрига босиб, юз-кўзидан ўпди.

Ўтириши. Кенжа электр чойнакни улади. Чойнак жигиллагунча момо қишлоқдаги янгиликлардан гапириб берди. Кенжа хомуш ўтириб эшилди.

Чой дамланди. Қизларой момо ёғ теккан тик дастурхонини очиб қатлама, гўштли банкани олди. Буларни кўриб Кенжа негадир ижирғанди. «Қара, Жовқаш, ҳали иссиғиям кетмабди», деб қатламани столга қўяётган онасига норозидай назар ташлади.

— Буларингиз нимаси, — минғирлади у.

— Ейсан деб опкелдим, болам, — деди ўғлининг димоғли гапига жавобан момо.

Жовқаш укасига қуш қараш қилди, лекин индамади.

— Ҳализамон ўртоқларим келади... Улар... — чайноғланди Кенжа.

— Келишсин, айланай, уларга ҳам етади. Ўзим кўнгиллаб кўп пишириб келдим, — гапни илиб кетди она.

— Тўғри-ку... лекин... улар бундай нарсаларни кўрмаган. Шаҳарлик болалар... — деди Кенжа муддаосини айтолмай.

У онасининг содда кийимлари, олиб келган қатламаларидан негадир хижолат тортаётгандай эди.

Кенжанинг гапидан кейин сухбатдан ҳовур кўтарилди. Жовқаш ичидаги жиғибийрон бўлса-да, сиртига чиқармай ўтиреди.

Қизларой момо иссиқлади шекилли, камзулини ечиб каравот устига ташлади. Кенжа «дик» этиб туриб унинг устига газета ёпиб қўйди...

Буни кўриб Жовқаш тағин безовта бўлди. Лекин момо Кенжанинг бу ишига эътибор бермади.

Тағин пича гурунглашишган бўлишди. Ниҳоят момо «Кенжатойимни ҳам курдим. Энди қайтайлик, Жовқаш» деб фотиҳага қўл очди.

Улар кетишли. Автобусда Жовқаш укасининг бояги қилиқларини эслаб ўзича маъносиз ғудунглаб борар, момо эса ҳеч нарсадан хабари йўқ, ўғли билан дийдорлаштанидан масрур эди.

## ИЖОБАТ БҮЛДИГАН ДУО

Бутун майнинг түққизинчиси. Байрам.

Қимирлаган жон борки, жамоа хўжалиги марказидаги ёдгорлик томон ошиқади. Шу қишлоқдан қаттол урушга кетиб омон қайтмаган ўтиз бир нафар алп йигитлар руҳи шарафига ўрнатилган у.

Илоё, тупроги енгил бўлсин, уларнинг!

Менгқобил бобо ҳам ўша ёққа йўл олган.

Чап оёғини авайлаб босади. Қўлида асо, ҳар қалай мадал. Хиёл оқсоқланиши қирқ иккинчи йилнинг чирсиллаган қиннидаги муҳорабалардан машъум хотира.

У яёв бораяпти. «Запорожец»и чўккалаб қолган. Ўғли Эшкелдининг бултур Жарқўргон машина бозоридан ўтиз қўйнинг пулига олган «Жигули»сининг орқа фидираклари ўрнига ҳам гишт қадаб қўйилган.

Хуллас, байрамда, ўзи учун энг азиз бўлган кунда Менгқобил оқсоқол пойи пиёда қолди.

Икки бола салом бериб ундан ўзиб кетди. Таниди: Эгамшукур морбознинг этизак неваралари. «Ялангқават қўйлакда кетишаепти. Шамоллаб қолишмасин, гўдаклар. Бу йилги савр салқин келди...»

---

## ЎТКИР ҚАЛАМ СОҲИБИ

Хўжамурод ака билан қарийб 26 йил бирга ишладим, десам муболага бўлмас. Сабаби, таҳририят билан босмахонанинг вазифаси бир — газета чиқарishi учун масъул эди. Мен 1972 йилдан Термиз (ҳозирги Ангор) туман босмахонасида саҳифаловчи вазифасида ишлаганиман.

Хўжамурод ака ўта ишчан, тиришиқоқ, ўткир қалам соҳиби эди. Унинг бекор ўтирганини кўрмаганимиз. Чарчаган пайтларимизда (ўша даврларда газета ҳафтасида уч марта, асосан кечки пайтларда тайёрланар эди) у киши босмахонага тушиб, янги-янги латифалар айтиб берарди. Бир сўз билан айтганда, Хўжамурод Тоштемиров ҳар иккала жамоада ҳам катта ҳурматга эга инсон эди.

Ажойиб қалб эгаси, иқтидорли журналист Хўжамурод аканинг ҳаёт ўйли бугунги ёш авлод учун ибрат бўлгусидир.

Ҳасан Сатторов,  
босмахона собиқ ишчиси

Бобонинг ёнидан ёмғирми, эрталаб асфальтга сепилган сувни сачратиб «Уазик» ўтди. Тўхтамади. «Раисники шекили. Шошилиб бораётир-да. Чигит экиш чўзилиб кетди. Кун оша челаклаб қўйгандек ёмғир. Раисларга бундай-да байрам татийдими. Менга эътибор қилмади. Бўлмаса тўхтатармиди...»

Оқсоқол ярим йўлга етганида тағин бир «Уазик» ел қувиб ўтиб кетди. «Буям яп-янги. Муовинники эмас. У бўлса тўхтатарди. Унга раиснинг эски мосини теккан. Туман бошлиқларидан бўлса керак. Катталар ҳам келишади-да, бугун».

Менгқобил бобо яна эллик қадамча жилганди, қаватига «Тико» келиб тўхтади. Туман «Камолот» жамғармаси бошлиғи Бойқобил экан.

Тушиб салом бергач, эшикни очиб бобони машинага ўтиргизди ва жилмайди:

— Кўча бошига участка нозирини қўйишибди. «Катталардан бошқанинг мосинига рухсат йўқ» дейди баччагар. Зўрга кўндиридим: «Бизам бир кун катта-да. Ҳамма улуғлар аввал ёш бўлган», деб.

Бобонинг чеҳраси ёришди. Боя бўш машиналарда гўдайиб ўтиб кетганларни тезда унуди.

«Йигит ўлма, бало кўрма», деб Бойқобилни дуо қилди.  
Бундай дуонинг ижобат бўлишига мен ишонаман.

## ЎКИНЧ

Ишдан бир қадар толиқиб, «Уйга етаману ёстиқни ёнбошимга оламан» деб қайтган Жовлибой яна хотини Себжамолнинг дийдиёси устидан чиқди:

— Неча марта айтдим, шу эгангни егурни йўқотинг деб. Кўнмайсиз, уволи бор дейсиз. Каптар увол экан, нон-чи? Кўринг, эсиз нонларни ифлос қилиб ташлаган. Егулиги қолдими энди?

Жовлибой хотинининг изидан пешайвонга кирди. Ўртадаги шол дастурхонга тандирдан янги узилган нонлар ташланган. Иккитасининг устиди маккабодроқдек нарса кўринади. Жовлибой беихтиёр вассага қаради. Ундаги чўлкори уя ёнида иккита мусича қўниб ўтирад, улар Жовлибой билан Себжамолга тамом беларво эдилар.

Жовлибой устма-уст чапак чалиб, уларни учирив юборди. Лекин мусичалар узоққа кетишимади, ҳовли тўридати яқинда каллакланган баҳайбат тутта бориб қўнишиди.

«Айб Себжамолда. Нонни уларнинг тагига қўядими, ақли бўлса. Лекин мусича ҳам ўлардай дангаса, ношуд нарса бўлади-да. Уясини эплаб қуролмайди-е. Қалдирғочнинг иинини қара. Одам ундан қилолмайди. Ҳайдайверайлик, ҳайдайверайлик, охири безор бўлиб жойини бошқа қилар» хаёлидан кечирди Жовлибой. Негадир унинг ёдига «Мусича тўй келтирас, тўққиз қўй келтирас», деган афсона тушди. Кўл силтаб қўиди.

Кеч тушди. Жовлибойлар оиласи тахта каравот устидаги хонтахта атрофида жам бўлди. Жовлибой дастурхондаги нонни қўриб, бояги воқеани эслади ва кўнгли ози.

— Ҳалиги нонларни нима қилдинг? — сўради хотинидан.

— Нима қилардим, молга тўғраб бердим.

Шундан сўнг Жовлибой таҳдид билан пешайвонга кириб мунғайиб ўтиришган мусичаларни яна қувди. Пешайвоннинг қишин-ёзин ёпилмайдиган ягона ойначасини маҳкамлаб қўиди.

Кайтарлар бу сафар сигирхона харисига қўнишиди. «Энди киришолмайди. Икки-уч кунда жоии бегона бўлиб безиб кетади», ўйлади Жовлибой.

... Жовлибой саҳар туриб яқин орада бузоқлайдиган тарғилдан хабарлашди. Жонивор молхона бурчагига қараб устма-уст пишқириб қўярди. Жовлибой ўша томонига қаради... ва сесканиб кетди. У ерда мусичанинг икки қаноти, қорамтири оёғи, бир ҳовуч парлари ётарди.

Қувгинди мусичалардан бири кечаси дайди мушукка ўлжа бўлган эди.

Жовлибой ортиқ туролмади. Дида кимгadir ранж, нимадандир ўқинч билан нари кетди. Уни «Мусичанинг қотили қайси биримиз?» деган савол қийнарди.

## ЧИЛЛАКИЛАР

Қишлоқда ҳамма Маманазар аканинг уста соҳибкорлигига тан берган. Унинг боғи ҳақида мишмишлар юради. Шаҳардан чиққан олим унда уч ой текшириш ўтказиб, китоб ёзган дейишади.

Құшниси Соли данакхұр умри бино бўлибдики, Маманазар ақага ҳасад қилади. Бироқ иши ўнгимай Маманазар ақага бош эгиб келган. Маманазар ака әртапишар чиллаки ниҳолидан берган.

Шу құшниларнинг чиллакиси зерта чиқади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Маманазар ака қора-қизғиши бўлиб етилган узумлардан бир сават узди-да, күчага чиқди. Буни курган данакхұр чақыртикан ўраб ташланған бөгига ўзини урди. «Маманазар олдин бозорни әгаллайдиган бўлди. Мен ландавур эса...» деб ғўдрана-ғўдрана икки человекни узумга тўлғазди. Терлаб-пишиб бозорга етиб келганда, Маманазар ака кўринмасди. «Оббо, қизталоқ, аллақачон ҳамёнини тўлдирибдида. Энди иккинчи саватни обкелади», ўйлади данакхұр фифони ошиб. У узумларни баланд баҳода сотиб бўлди ҳамки, Маманазар акадан дарак йўқ.

Кечқурун бугунги фойданинг йиригини йирикка, майдасини майдага ажратиб ўтирганди, боғчадаги невараси бидирлаб кириб келди:

— Бобо-чи, бобо. Боғчада узум едик. Бирам ширин экан-ки...

«Э ҳа, ана тап қаерда? Маманазар боғчада пуллабди-да. Тўхта, буни бозорқўмга секин тиқиллатиб қўяй».

Бу фикр Солининг миясига яшиндек урилди. У Маманазар аканинг «Илк ҳосилдан татиб кўринглар», деб боғчага уч сават узум совға қилганини билмасди.

Келини ишдан қайтгач, Маманазар аканинг жамоа хўжалиги аъзоларига тўрт сават чиллаки ҳадя қилганини гапиргач, данакхұр қай аҳволга тушаркин?

## ТОЛ

Ҳовлимиз ўртасидаги виқорли тол узоқ-узоқлардан кўзга ташланиб туради. Ёзда уйимиз унинг тагига кўчиб, тахта сўри, ойнаи жаҳон, газ ўчоқ жой олди.

Толнинг тарихи ибратли. Ҳовлимиз қурилган йили отам унинг саҳнига турли кўчатлар қадаб ташлади. Ниҳоллар орасида битта тол бўлиб, шундай ривожландиди, икки-уч ойда одам билан бўйлашиб қолди.

Қишида отам қаёқдандир «Тол бехосият бўлади», деган тап эшитиб келиб, унга болта урди.

Баҳор келиб ҳаммаёққа яшил кийдириб ташлади. Толнинг ер баравар тўнкачасидан нозиккина, гўзал барг чиқиб, кўп ўтмай новдачага айланди. Отам кўриб гулқайчи билан «чиrt» кесиб ташлади.

Бўлмади. Қайсар тол ер юзига яна яшил элчиларни юборди. Отам сўкиниб яна кесди.

Кунлар ўтди. Ёзинг ўрталарига бориб тол тағин нишона кўрсатди. Отам унга ғаройиботта қарагандай узоқ тикилиб қолди. Сўнгра нари кетди.

... Бир куни улоқча толни юлқаб-юлқаб ғажий бошлади. Буни кўрган отам улоқни хипчин билан савалаб ҳайдаб юборди. Кейин толнинг атрофига қунт билан панжара ясад қўйди.

## ИККИ КЎРГАН...

Ишхона уйимиздан йироқ бўлмагани учун пиёда бориб келаман. Ҳар куни ишга борарканман, чорраҳадан ўтгач бир йигитга дуч келаман. Олдиндан аҳдлашиб қўйгандай бир жой, бир вақтда учрашамиз. Бу иккаламизни ҳам ҳайрон қолдирса керак, маъноли қарашиб қўямиз.

Кунларнинг бирида унга бош иргаб салом бердим. Жилмайиб алик олди. Эртасига тағин саломлашдик. Индинига яна... Бора-бора тўхтаб кўл қисишидиган бўлдик. Ҳали бир-биримизнинг номларимизни билмаймиз.

Қизиқ, бир кўрган таниш, икки кўрган билиш деганлари шумикан?

## КАМТАРИН ОДАМ

Бошқарув идораларидан бирининг дарвозаси олдида икки қоғоз пулдан иборат эллик сўмлик тушиб ётарди. Одам кириб-чиқиб турибди. Бирорнинг ҳам назари пулга тушгани йўқ.

Шу тахлитда туш ҳам бўлди. Тушдан кейин ҳам аҳвол шу. Пул бир-икки босилиб анча ифлосланди. Аввал ётган жойини бир қаричча масофага ўзгартирди.

Иш куни тугай бошлади. Идоранинг қоровули ҳам велосипедини ғизиллатиб етиб келди... Ва пулни кўриб қолди. Атрофга уч марта овоз бергач «ердан топсанг ҳам санаб ол», дея шалдироқ қоғозларнинг чантини қоқди.

**Киссадан ҳисса:**

Бугун шу идорага қадам ранжида қилганлардан фақат қоровулгина оёғининг тагига қараб юрар экан!

## **ТОК БИЛАН ҚАЙРАФОЧ**

Ток билан қайрафоч кўшни эди. Ток ўсиб она-Заминга таъзимга эгилади. Кибрли қайрафоч эса бўйига эрк берган.

Кунларнинг бирида қайрафоч димоғдорлик билан деди:

— Раҳмим келади сенга, буқрвой. Қаддинг дол, эгилганинг-эгилган. Менга қарамайсанми, ҳаммадан баландман.

Ток жавоб бермайди. Сахий тупроққа таъзимда.

Ёзда ток шигил-шиғил ҳосил берди. У камсуқумгина бўлиб, фарзандлари — узумларни вояга етказаверди.

Кузда боғбон ток ҳосилини қувона-қувона йиғиб олди. Қайрафочни эса ўтинга кесиб, ғамлаб қўйди.

Ток ҳамон таъзимда.

## **САНОҚ**

У болалигиданоқ санашни ўрганди. Ўқиши ёшига етиб мактабга борганида тўрт амал, карра жадвалини ёд олди. Каптар, ошиқ, танга-чақаларни санайдиган бўлди.

Саккизинчини амал-тақал қилиб битиргач ошпаз отаси шогирдликка олиб сомса, мантини санаб сотишга қўйди. Бир йил ўтгач у «ўсди». Оёқ-қўли енгилгина эканлигини кўрган умумий овқатланиш корхонаси директори унга пиво дўконини берди. Энди пивохўрлардан чўтал қилинган «қўпик пули»ни санай бошлади.

Дарвоқе, қингир ишнинг қийиги чиқиб у қўлга тушибди. Ҳозир эса кун санаб ўтирибди.

## **МИНГТИЛЛОНИНГ КАБОБИ**

— Кимdir ўтга нон ташлаб юборди шекилли, куюк ҳиди келаяпти, — деди ошхона ёнидан ўтаётганлардан бири.

— Юравер, Мингтилло қийма кабоб пиширайпти, — унга таскин берди шериги.

## ЎЛЖА

У қурилишда қоровул эди. Навбатини топширгач уйига нимадир олиб кетарди. Бунинг учун брезентдан хуржуннинг бир кўзидек халта тикириб олган. У шу тариқа ҳовлисини фишт, алланималарга мослаб рандаланган ёғочлар, катта-кичик плиталар билан тўлдириб ташлаганди.

Бугун ҳам уйига йўл оларкан, қурилиш майдонига синчилаб сер солди. Бинокорлар ишни битириб кетишган, ҳеч қандай материал қолмаганди.

У кўп иккиланиб ўтирмади-да, нарироқда ётган уч яшар гўдакнинг калласидек келадиган тошни халтасига солиб олди. Шу «ўлжа» билан ўргангандан кўнглини таскин топтириди.

## СОВЧИЛАР ҚАЙТДИ...

Икки овсин шу маҳаллага совчи бўлиб келишмоқда.

Кичик овсин уйлар пештоқидаги ёзувларга аланглаб бораётир.

— Мана шу кўчага кирамиз. Ана ёзиб қўйибди-ку, «Садоқат» кўчаси деб, — деди у.

— Ҳа, Бобоёржонимиз ҳам танлаб-танлаб топган-да. Айтгандай, неchanчи уй эди? Бояги қофозни олинг-чи...

— Йигирма биринчи экан...

— Бўлмаса кўчанинг бу томонидан юрамиз. Тоқ рақамлар буёғида-да.

Совчилар ўн тўққизинчи уйдан ўтиб, йигирма биринчининг чегарасидан ҳатлаган эдилар-ки, ичкаридан 17-18 ёшилардаги қиз чиқиб, теварак-атрофга шошилинч назар ташлади-да, бир чеълак мағзавани кўчанинг ўртасига сепиб юборди ва тезгина уйига кириб кетди.

Овсинлар чўчиб бир-бирига қарашди. Каттаси хижолатомуз деди:

— Айланай овсинжон, шу қиз... Бобоёр суратни кўрсатган эди. Бизни танимайди, ҳали.

— Агар шу бўлса танимагани яхши! Бобоёржонимиз хотинисиз ўтсаям шуни келин қилмаймиз. Қани қайтдик, уйга, — чўрт кесди кичик овсин.

## БОШДАН САДАҚА

Бир дўстим билан дўконга кирдик. Ичкарида сотувчидан бошқа ҳеч ким йўқ экан.

Сотувчи бизнинг ташрифимиз мазмунини биларкан шекилли, омонлашгач ичкарига кириб кетди.

Шу орада дўстим чўнтағидан битта эллик сўмлик чиқардида, бошидан уч марта айлантириб олди.

Унга ҳайрон бўлиб қарадим.

— Бошимдан садақа қиласяпман. Уйдан чиқиша болаларимнинг бошидан ҳам айлантириб олганман, — деди дўстим бамайлихотир. — Ҳозир сотувчи менга 35 сўмлик нарса олиб чиқиб эллик сўм олади. Кеча ваъда берган. Ўн беш сўм бошдан садақа. Тушундингми?

Мен тушунган эдим. Унинг қилиғини ичимда маъқуллаб қўйдим.

## ТЕЛЕФОН ВА ЁЛГОНЧИЛИК

— Сизда имконият бор. Суқсур ака, уйингизга телефон туширтисангиз бўлмайдими?

— Телефонни-ку аллақачон туширтирардим, лекин болаларим ёлғончиликка ўрганиб кетишади, деб қўрқаман.

## АРОҚНИ ТАШЛАШ ЗИЁФАТИ

— Кеча Шишақул ошнам ароқни ташлагани учун зўр зиёфат қилиб берди, — деди бирор.

— Ўша мен билган Шишақул бўлса, унинг бунаقا зиёфатини ҳали кўп еяр экансиз, — деди иккинчиси.

\* \* \*

— Мажлиста қатнашиши лозим бўлган ўн кишидан иккитаси жавоб олган, тўрт киши узрли, икки одам узрсиз сабаб билан иштирок этолмаяпти. Мажлиси очиш ҳақида қандай таклифингиз бор?

\* \* \*

— Эшитдингизми, Зокир магазинчи ўзи сув қўштан арақдан ичиб заҳарланибди...

\* \* \*

— Ўқи мўлжалга тегмаган овчи милтигини сўқди, ўзини эмас.

## ДИПЛОМ ОЛДИ ДЕНГ...

«Эвини қилиб» ўғлини институтда ўқитган Бўри атрофдагиларга кериларди:

— Бизди ўғилам беш йил ўқиб олий маълумот олди. Ўзимнинг соҳамга ишга қўяман...

Ёнидагилардан бири гапни бўлди:

— Олий маълумот эмас, диплом олди денг. Шунда тўғри бўлади.

## ЯНГЛИШИШ

Ёнгинамдан дўмбоққина ўғилчасини етаклаган бир жувон илдамлаб ўтиб кетди. Ҳуснининг гўзаллиги расо қадиқоматига монанд тушиб ажиб бир тароват касб этибди. Унга маҳлиё бўлиб борарканман, ўйлардим: «Бизнинг пешонага ҳам шунақаси ёзилганмикан? Қачон институтни тугатиб шундай маҳлуқога...»

Хаёлларимни шапалоқ овози, боланинг чинқириб йиглагани, жувоннинг заҳар-заққумга йўғрилган овози бузиб юборди:

— Юр дейман, кунинг калта бўлгур! Анави машинанинг тагида қолгур! Ҳозир унинг остига ташлаб юборайми?! Ҳе, оғзингдан қора қонинг келсин...

Бояги фикрларимдан уялиб кетдим. Чиройли бўяб қўйиладиган гулқофозни эсладим-да, қадамларимни тезлаштирдим.

---

## МУНДАРИЖА

Беозор инсон эди (Л.Тангриев) ..... 3

### Хажвиялар

Кобил ўғил .....	8
Тадбиркор табиб .....	9
Тоза бензин томошаси .....	12
Тикланган «Москвич» .....	13
Пишт, ола мушук! .....	18
Соч олдириш .....	20
Йўқ, мен дорифуруш эмасман .....	22
Рамазоннинг «Жорж» тоғаси .....	24
Қайси Бердиев? .....	25
Омон қолган бош .....	27
Тириклийк .....	29
Бошлиқнинг «акаси» .....	30
Ошга тушган пашша .....	32
«Овқатшунос» .....	33
Тунги шарпалар .....	35
Тежамкорлик .....	36
Томоша .....	38
Тиртиқ .....	40
Янги «тога», «тарвуз шерик» ва бошқа «қариндошлар» .....	41
Ичмасликнинг «касофати» .....	42
Назари паст ўғри .....	45
Фаройиб шахматчи .....	46
Эста соласиз-да .....	47
«Мажлисий» .....	48

Импровизация .....	51
--------------------	----

### Ҳикоялар

Бир коса сув .....	54
Ниҳоллар .....	55
Ўчмас ном .....	56
Қотил уста .....	59
Тақдир ҳўкми .....	62
Бўсағада .....	66
Кирқилган из .....	70

### Қиссалар

Ўтov .....	78
Бобоёровнинг жияни .....	97

### Қатралар

Хотира .....	120
Ҳасса .....	121
Волида кўнгли .....	122
Ижобат бўладиган дуо .....	124
Ўкинч .....	125
Чиллакилар .....	126
Тол .....	127
Икки кўрган .....	128
Камтарин одам .....	128
Ток билан қайрагоч .....	129
Саноқ .....	129
Мингтиллонинг кабоби .....	129
Ўлжа .....	130
Совчилар қайтди .....	130
Бошдан садақа .....	131

Телефон ва ёлғончилик .....	131
Ароқни ташлаш зиёфати .....	131
Диплом олди дөңг..	132
Янглишиш .....	132

*Адабий-бадиий нашр*

## **Хўжамурод Таштемиров**

### **МИНГТИЛЛОНИНГ КАБОБИ**

*Ҳажвиялар, ҳикоялар, қиссалар, қатралар*

*Муҳаррир Абдураҳмон Жўраев*

*Бадиий муҳаррир Шуҳрат Мирфаёзов*

*Техник муҳаррир Татьяна Смирнова*

*Мусаҳдиҳ Доно Тўйчиева*

*Компьютерда саҳифаловчи Сурайё Раҳмединова*

Нашр. лиц. № 154. 14.08.09.

Босишига 2013 йил 11 ноябрда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/<sub>32</sub>. Таймс гарнитураси. Офсет босма.  
7,14 шартли босма тобоқ. 6,75 нашр тобоги. Адади 1000 нусха.

502 рақамили буюртма.

Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Faғfur Fулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
100128. Тошкент. Шайхонтохур кўчаси, 86.

**Бизнинг интернет манзил: [www.gglit.uz](http://www.gglit.uz)**

*E-mail: [info@gglit.uz](mailto:info@gglit.uz)*